

РОБЕРТ БАБЛОЯН



ЕРЕВАНЛИК БОЛА

ҲИКОЯЛАР


Русчадан
ЭРКИН АБДУЛЛАЕВ
таржимаси

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
Тошкент — 1980.



ҲАРМАН
5-12

Истеъдодли арман адиби Роберт Баблояннинг ҳикоялари Ереван ва Москва журналларида, нашриётларида босилиб, кенг китобхонларга манзур бўлмоқда. Ансарият ҳикояларининг қаҳрамонлари элга таниш шахслар бўлиб, уларнинг ишлари, қилмишлари ниҳоятда ибратлидир. Жумладан, рус адиби Лев Николаевич Толстойнинг Қримда танишган арманистонлик бир чолнинг илтимосига биноан Москвадаги Лазарев институтига боргани ва унда ўқиган чолнинг набирасига ёрдамлашгани, таниқли цирк масхарабози Леонид Енгибаров ҳаётининг ажойиб саҳифалари мароқ билан тасвирланади. Ўсмир китобхонлар ҳикояларнинг қаҳрамонлари — арман, грузин, рус ва бошқа миллат вакиллари билан кўришадилар, уларнинг меҳнатсеварлиги, инсонийлиги, фидойилиги, дўстларга садоқати каби фазилатлари билан танишадилар.



©Издательство «Советская гора», Ереван, 1976

©Издательство «Еш гвардия», 1980

ОЛТИНРАНГ БАРГ

«Одамзод авлоди ҳам дарахт барглари
каби алмашаверади».
Симонид КЕОССКИЙ

(Эрамиздан олдинги IV аср)

I

Кучсиз эсган шамол шохчада саргая бошлаган ёлғиз баргни узиб, ясси парашют каби чайқата-чайқата, оқистагина ерга туширди.

Бир жиҳатдан мароқли, иккинчи томондан қайғули бўлса-да, бу табиий ҳолатдир. Фақат фарқи, дарахтдан узилиб тушган баргнинг қанча умр кўрганлигида. У ҳали ёш, кўм-кўк, эндигина ёзилган бўлса, ачинасан албатта. Аммо у умрини яшаган, шохда аранг илиниб турган бўлса — на илож, вақти етипти-да, дейсан.

Дарвоқе, узилиб тушган баргларнинг тақдири ҳам турлича бўлади.

Бир йўловчи ўтиб уни сезмайди, бошқаси сезса-да, пошнаси билан эзиб ўтади, учинчиси эса... учинчиси эн-

гашиб, ерда ётган баргни олиб, чангини пуфлаб, тоза-
лаб, олиб кетади.

Шундайлар ҳам борки, улар ҳамманинг кўзи олдида
баргни дарахтдан юлиб олиб уйдаги вазага, сувга со-
либ қўяди.

Мен сариқ, яшил, қизғиш, олтинранг, хуллас, ҳар
хил барглари яхши кўраман.

II

Мана, бир соатдирки, қирқта ўқувчи чурқ этмай
ўтирипти — ҳамма айбдорнинг иқрои бўлишини кут-
япти.

— Ойнани ким синдирди?— сўради ўқитувчи.

Иккинчи соат ўтмоқда... Қирқ одам ҳамон жим...

— Хўш, қани, ким ойнани синдирди?

Учинчи соат ўта бошлади... Қирқ талаба ҳамон су-
кутда.

— Мен,— деб ўрнидан турди бир бола.

...Портфелларини кўтариб, ҳамма уй-уйига тарқалди,
лекин ўқувчилар айбдор — бу бола эмас, бошқаси экан-
лигини билишарди-ку.

Хўш, у қаҳрамонми?

III

Профессор касал бўлиб қолди: студентлар хурсанд.
(Ҳамма студентлар эмас, албатта.) Лекция бўлмайди —
киногами, кафегами, клубгами бориш мумкин.

— Профессор лекция дафтарини бериб юборипти,
ораларингиздан биронтангиз шуни ўқиб берсангизлар,—
деди биринчи танаффусдаёқ декан.

Группадаги йигирма студентдан биттаси лекцияни
ўқиди. Қойил қилиб ўқиди. Студентлар жуда хурсанд.
Декан ҳам хурсанд эди. Чунки у лекцияни профессор-
нинг ўзи ёзмаганлигини биларди-да..

Ҳаётга илк қадам ташлаётган ўспирин, қийинчилик-лару тасодифларга, тартиб сақлару тартиб бузарларга дуч келиб боради.

Турмушда у ўз тенгдоши-ю, ўзидан катта кишилар билан доим ёнма-ён. Дўсти ва ўртоғи билан қўл олиб сўрашса, ўғрию безорига, текинхўру порахўрга шафқатсиз зарба беради.

...«Шу тариқа бепоён Ватани бўйлаб хўжайиндек одимлаётган инсон» кенг кўчадан эзгу маёқ сари боради.

V

...1941 йил. 1942 йил, 43, тўртинчи, бешинчи.

В-в-в, в-в-в... кучли шамол бўлди... Улар жуда кўп эди: сариғу яшил, қизғишу олтинранг барглари юлқиб, тортқилаб, итқитиб кетдилар.

Почтачи ҳарбий қисмга бир даста хат олиб келди.

Шулардан ўн тўққизтаси бир солдатга тегди. Ун тўққиз ёшли йигитга. Ҳа, ҳа... хатлар қўлига теккунча у беҳад «бахтиёр» эди, ўн тўққиз марта ўйинга тушиб берди.

Бекорга қувонган эди солдат: булар унинг ўзи ёзган хатлари экан. Мактубларнинг охиригиси устига: «Бошқани севаман» деб ёзиб қўйилган эди.

Оқолдошига эса атиги битта хат келди. Хатдаги сўзлар ҳам телеграммадаги каби қисқа эди: «Севаман, сени кутяпман». Бунда ҳам ҳаммаси бўлиб ўн тўққизта ҳарф. Ун тўққиз ҳосиятсиз рақаммикин? Баъзи бировлар учун шундайдир балки, бошқалар учун аксинча, бахт рамзидир. Бўлади шунақасиям.

VI

Шойи кўйлакли йигитча ёмғирдан шалоббо бўлиб борарди...

Бир қизча шамсия (зонтик) тутиб борарди..

— Хой-й! Яхши йигит,— чақирди қизча,— шамсиям остига кириб олишингиз мумкин.

Йигитча қизнинг олдига келди. Улар ёнма-ён кета бошлашди.

Қадам-бақадам, ёнма-ён, бир рота солдатлари каби бирга кетишди. Улар бирга кетаверди, ойлар, йиллар ҳам ўтаверди...

Улар бугун ҳам бирга кетишяпти, фақат...

Фақат олдиларида яна бир болакай чопиб кетяпти... У ҳам шойи кўйлак кийган.

VII

Москва. Метронинг «Инқилоб майдони» станцияси. Перронда ҳеч ким йўқ. Девордаги квадрат соатнинг иккала мили — каттаси ҳам, кичиги ҳам 12.00 да. Келади-ган поездни кутиб бир ўзим турибман. Бундай вақтларда поездларнинг сони камайиб, қатнов оралиғи узаяди.

Ногаҳон бир одам пайдо бўлди. Мендан беш қадамча нарида тўхтаб, ширакайф кўзлари билан ўқрайиб менга боқди-да:

— Ичишни хоҳлайсанми?— пиджагининг биринчи тугмасини ечиб, менга гап қотди. У 40—50 ёшлар чама-сидаги, соявони кенг шляпа кийган, елкадор, соқоллари ўсиқ, қўлида «Вечерная Москва» газетаси бор бир киши эди.

— Йўқ, миннатдорман,— деб орқамга ўгирилиб олдим.

Хира суҳбатдошим атрофимдан бир айланди-да, бу гал иккинчи тугмасини ечиб, яна гап қотди.

— Чекишни хоҳлайсанми, «Беломор»дан?

— Йўқ, раҳмат, метрода чекишмайди,— дедим хушмуомалалик билан жаҳлини чиқариб юбормаслик учун. (Ошқозонига ёнилғи кирган одамлар лов этиб «ёнувчи» бўлишади-да.)

— Хоҳлайсанми, дўстимга ўрнатилган ёдгорликни

кўрсатаман?—деди соқовланиб, учинчи тугмасини ечмоқчи бўлиб.

Поезд келиб тўхтади. Репродуктордан бўғиқ овоз чиқди. Мудроқ босган ёлғиз йўловчилар вагонлардан тушишиб, шоша-пиша эскалатор томон йўл олишди.

«Поездга чиқиш керак — жуда кеч бўлди,— ўйладим мен,— уйга кетиш керак, ухлашни хоҳлайман, хоҳлайман...»

— Хоҳлайман,— дедим соқоли ўсган бу кишига.

...«Инқилоб майдони» станцияси қирқинчи йилларнинг бошларида ишга туширилган эди. У Москва метрополитенининг энг чиройли бекатларидан бири. Уни ўзига хос «Инқилобдан кейинги маданият музейи» деса ҳам бўлади. У ерда ишчи, деҳқон, инженер, қизил-аскарларга бағишлаб бронзадан ўрнатилган анчагина ёдгорликлар бор...

Биз қизилфлотчи ҳайкали ёнига келдик.

У — гавдали, кучли, жасур йигит сиймоси. Устида денгизчилар кўйлаги, почаси кенг шим, қўлида тўппонча. Уқлар солинган яшик устида ўтирипти... Олдига келиб тўхтадик.

— Мана ўша, Лёша,— деди суҳбатдошим ҳайкалга ишора қилиб.

— Тушунмадим, ким?— қайта сўрадим мен.

— Лёша, Лёша — менинг дўстим, тушуняпсанми?

— Тушундим...

— Лёшка-да, биз уни «Қайсар» деб чақирардик... У билан мактабдаям бирга ўқиганмиз... Эсимда, бир куни кимдир синфда дераза ойнасини синдириб қўйганида ҳаммамиз уч соат чурқ этмай ўтиргандик. Ҳе, нимасини айтай? Ажойиб йигит эди, Лёшкамиз, тушуняпсанми?

— Иккаламиз шунақаям қалин дўст эдикки, ҳатто битта институтга ариза бердик. Кейин бир куни профессор касал бўлиб қолди... Ҳе, нимасини гапирай, роса каллани йигит эди Лёшкамиз, тушуняпсанми?

— Унчалик эмас.

— Биз узоқ вақт бирга бўлдик, бирга юрдик. Бизлар ленинградликмиз. Уруш бошланиши олдида иккала-миз қизил офицер — командирлар тайёрловчи ҳарбий-денгизчилар мактабига ўқишга кирдик.

— Яхши, лекин у қандай қилиб Москвага, метрога келиб қолди, яна бронза ҳайкал бўлиб?— сўрадим ниҳоят мен.

— Аниқ эсимда йўқ, ўттиз бешинчими, ўттиз олтинчи йилнинг ёзида Лёша таътилда Москвага келганди. У кўчада хотини билан кетаётганида... қандайдир бир гражданин, рассом уни тўхтатипти, Монизерми ёки Манизермиди фамилияси, аниқ эсимда йўқ... Кейин устахонасига олиб бориб Лёшанинг ҳайкалини ясапти.

— Нима учун? Нима учун энди айнан Лёшканинг?— сўрадим мен.

— Сенга албатта жасорат кўрсатган бўлиши керак экан-да,— жаҳли чиқди суҳбатдошимнинг.— Шунчаки яхши одам сифатида ҳайкалини ясаган.

— Ҳозир ўзи қаерда?— қизиқиб сўрадим.

Суҳбатдошим маъюсланиб, томоғига нимадир гиқил-гандек бўлиб, ҳамма тугмаларини ечиб юборди-да, секингина:

— Қирқ иккинчи йили... Белоруссия фронтида... ҳалок бўлди...— деди.

Қаршимда ҳушёр, алланималарни шивирлаб, бир нуқтага тикилган ғамгин одам турарди.

— Ҳа-а, қизиқ воқеа экан,— дедим чуқур хўрсиниб соатимга қарар эканман...

— Унга берилган орденни хотини Лёшканинг ўли-мидан сўнг олди,— яна гап бошлади суҳбатдошим.— Қизил Юлдуз ордени берилди. «Эрингиз қаҳрамонлар-ча ҳалок бўлди», деб хат ҳам ёзиб юборипти қисм командири. Лёша — менинг худойим. Мен бу ерга — эҳромга киргандек бўлиб, унинг бронза ҳайкали ёнида бир дам сукут сақлаб тураман-да, кейин кетаман. Бу

ердан худди ҳаммомдан чиққандек — пок, тетик, ёш бўлиб чиқаман...

— Сиз бу ерга тез-тез келиб турасизми?— деб сўрадим.

— Унчалик эмас,— деди у,— катта байрамларда ё бўлмаса, мана бугунгидек бошимга оғир мусибат тушганда келиб тураман.

— Йўловчи гражданлар, энди бошқа поезд бўлмайди,— репродуктордан хириллаб овоз чиқди.— Энди бошқа поезд бўлмайди.

— Хўп, энди,— дедим мен,— омон бўл, поездга чиқишим керак.

— Хўп, хайр, омон бўл, биродар.

— Мен журналистман. Эҳтимол, бир кун эмас бир кун... Лёшканинг фамилияси нима эди? У ҳақда ёзаман!— қичқирдим вагонда туриб.

— Кириенко,— деди у.— Лекин сиз Степанов ҳақидаям ёзинг, Маҳмудов ҳақидаям, Григорян ҳақидаям, яна...

Эшиклар ёпилди. Поезд станция навбатчиси, бронза ҳайкали ва... яна кимнингдир ёнидан ғизиллаб ўтиб кетди...

...Мен сариқ, яшил, қизғиш, олтинранг, хуллас ҳар хил баргларни яхши кўраман.

Москва, 1964

ҚОҒОЗ ОДАМ

...Яғриндор, лўппи юзли, бақбақаси уч қат, пастки қовоқлари остига чуқур яширинган митти кўзли меҳмонхона навбатчиси — аёл хонамининг нечанчилигини айтишга улгурмасимданоқ кумуш тишларини кўрсатиб, назокат билан жилмайди-да, оҳистагина:

— Сен бизни кечир, азизим, бугун хонангга бир одамни жойладик, сенга ҳамхона бўлади. Ўзи савлатли,

шляпа кийган, қўлида шамсияси бор, ахир уни кўчада қолдириб бўлмайди-ку, тўғрими?

«Оббо қурғур-ей, бу ердаям одам кўп экан-да!»— ўйладим ичимда сўнг сиртимда қўшиб қўйдим:

— Ҳа, албатта, бўлмаса-чи.

Хона эшиги берк эди. Соатга қарасам, энди ўн ярим бўлипти.

«Наҳот ухлаб ётган бўлса, тавия». Яна бир марта тақиллатдим.

— Б-бир минут,— ичкаридан чийиллаган овоз эшитилди,— б-бир минут!

Уч минутлардан кейин эшик очилди. Қаршимда НЭП давридан қолган йўл-йўл шимининг тўқ-кулранг, энли тасмасини майкасининг устидан ўтказиб олган паст бўйли, миқтидан келган, ёши элликлардан ошган тепакал одам турарди.

— Кечирасиз,— гап бошлади бегона киши,— сизни бир оз кутдириб қўйдим. Мен сиздан бесўроқ столдаги шляпангизни илгакка осиб, кейин қуритиш учун абажурга ёйиб қўйган пайпоқларингизни ваннахонага олиб кириб қўйдим. Бунинг учун мени кечирасиз.

«Ўргилдим-е, сендақа Лепореллодан»,— дедим ичимда, сиртимда эса:

— Майли, майли, бемалол, миннатдорман,— дедим.

Нотаниш чаққонлик билан чамадонини каравоти тагига тиқиб юборди.

— Менинг исмим Арон Миронович,— ўзини танитди у ва ярим литрли шишанинг зангори қопқоғини очиб,— бир стакан олмайдиларми биродар? Қатиқ чанқоқни босибгина қолмай, киши асабларини мустаҳкамлайди ҳам. Шунингдек, яхши ухлатиб, яхши тушлар ҳам кўрсатади.

— Миннатдорман,— деб қатиқдан бир ҳўпладим-да, адёлга бурканиб олдим.

— Кечирасиз,— деди ҳамхонам яна чийиллаган овоз

билан,— стол лампасини ёқиб қўйсам, сизга халал бер-
майманми? Баъзи бир қиладиган ишларим бор эди...

«Ҳм, вой бойқуш-ей!»— ўйладим ичимда ва:

— Бемалол, бемалол,— дедим эшиттириб.

Хонада ҳеч ким юраётгани йўқ, деразалар ҳам ча-
маси берк, лекин нимадир бетиним ғирчиллар, шилди-
рар, шовиллар, бир неча секундга жимиб, яна шовиллай
бошларди.

Ичимда шеър ўқий бошладим: «Ҳалок бўлди шоир —
номус қурбони»... Аммо ёрдам бермади.

— Арон Миронович,— дедим унга орқамни ўгириб
ётганимча,— Мелитопольда денгиз борми, йўқми, бил-
майсизми?

— Қора денгиз ё Қаспийни назарда тутяпсизми?

— Қорами, Қизилми, Оқми, менга бари бир, ишқи-
либ бўлмасин-да!

— Ҳм-м, мен сизга айтсам,— деди у,— ҳозир йигир-
манчи асрда барча катта шаҳарларда, ҳатто кичкина
шаҳарлардаям турли-туман сув омборлари қуриш одат
тусига кириб, нима учундир, уларни яна денгиз деб
аташадиган бўлишди.

Мен аста ҳамхонам томонга ўгирилиб, бирин-кетин
иккала кўзимни очдим-у... Ё тавба! Шимининг осмача
энли тасмасини майкаси устидан елкасига таққан Арон
Миронович худди Чингизхон авлодидек чамадонига ти-
килганча жоду қиладигандек чўнқайиб ўтирарди. Стол
устида, стулда, каравотда галстуклар, калитлар, «Шипр»
одеколони, соқол оладиган машинка, рўмолчалар, қан-
дайдир шишачалар, тиш шчёткалари — хуллас, одам
учун бегона шаҳарда зарур-нозарур ҳамма нарсани кў-
риш мумкин. Унинг ўнг томонида эҳтиётлик билан қир-
қилган газета саҳифалари уюлиб ётарди. Арон Мироно-
вич у ёки бу нарсани авайлаб олиб, гўдагини эҳтиётлаб
йўргаклаётган онадек олдидаги қоғозга ўраб, ихлос
билан чамадонига жойларди.

Ҳамхонам охирги нарсаси — эркаклар тутадиган қо-

ра шамсиясини аллақандай эскириб кетган театр афишасига ўраб, жойлаб бўлгач, мен девор томонга ўгирилиб чуқур нафас олдим-да, ухламоқчи бўлдим.

Аммо, қаёқда дейсиз! Арон Миронович чамадонидан яна нималарнидир олиб, қоғозини очар, худди мактаб ўқувчиси конфет зар қоғозини силлиқлагандек у ҳам қоғозни авайлаб ёзиб, ёнига тахлаб қўярди.

«Йўқ, қочиб кетаман, шайтоннинг уясига бўлса ҳам, албатта, бу хонадан эрталаб қочиб кетаман!»

Эрталаб тонг отар-отмас ҳамхонам кўзгу олдида аллақандай куйни хиргойи қилиб соқол оладиган электр машинкасини ғижиллатиб юборди.

— Уқинг,— деди у, бир парча қоғозни ётган жойимга узатиб.

Майли куйсин, майли чатнасин,
Жимиб қолсин ё жирингласин,
Арон Миронович ҳасратланма,
Сенга ҳавас-ла боқсин ҳамма.
Электровилкани разеткага тиқ:
«127» ё «220»
Бу нима?
Мен сендан сўрайин бирдек.¹

— Нима бу?— сўрадим мен.

— Буни план бўлимимизнинг ходимлари эллик йиллигимда машинка билан бирга филофига солиб совга қилишган эди,— деди хурсанд бўлиб Арон Миронович қўлимдан ғижимланган қоғоз парчасини олар экан.— Мен учун энг қимматлиги совға эмас, балки совға қилган одамларнинг ўзи.

Қўчага чиқиш мақсадида янги полякча галстугимнинг ёрлиғини кўчириб, кулдонга ташладим-да, шляпамни кийдим ва газеталарни олмоқчи бўлиб қўл узатдим.

— О-о,— дея безовталанди Арон Миронович,— нима-

¹ Шеърларни Шамси Одил таржима қилган.

гадир мазам қочиб турипти... газеталарингизни менга қолдириб кетолмайсизми?

— А? Марҳамат, марҳамат,— дедим. Ичимда: «Эски-фуруш эмасмикан?»— дея ўйлаб, эшик томон юра бошладим.

— Биродар,— чақирди у орқадан,— агар, қайтиб келиб, мени бу ерда учратмасангиз, илтимос, жаҳлингиз чиқмасин, демак, мен бошқа меҳмонхонага кўчиб ўтган бўламан — бу ерда иссиқ сув ҳам йўқ, дазмолхона ҳам, ҳатто газета киоскаси ҳам йўқ экан.

Кундузи енгилгина овқатланиб олиш учун кафега киришим билан — ё тавба — яна Арон Мироновични кўрдим. У қоғоз салфеткада пичоқ билан вилкани яхшилаб артиб, кейин уни солдатларнинг уч бурчак шаклидаги хатига ўхшатиб, пиджагининг кўксидаги чўнтагига солиб қўяётган эди.

Кечқурун концертдан олдин кўйлагимни алмаштириш учун бирровгина меҳмонхонага кирдим. (Мен Мелитополга концерт бригадаси билан келган эдим.)

Арон Миронович қўлида тешиккулча, стол ёнида ўтириб олиб автобус билетларини ўрганмоқда эди.

— Бемаънилик! Расвогарчилик! Расво шаҳар экан! — тўнгилларди ўзича. — Вельзевул дўзахининг ўзи экан!

Мен индамадим.

— Ўзингиз нима дейсиз? Мана қаранг, биринчидан, улар учта йўловчига иккита билет йиртишади, иккинчидан, биронта магазинда ҳам харид қилган нарсангизни ўраб беришмайди: на нонни, на совунни.

— Селёдкани ҳам денг? — сўрадим мен ва жавобини кутмай чиқиб кетдим.

Тунда мен аллақандай қўланса ҳиддан уйғониб кетдим.

— Сиз ҳақ экансиз, биродар,— деди Арон Миронович,— улар селёдкани ўраб беришар экан-у, лекин, падарига лаънат, қаранг нимага? Қоғоз эмас, фанер бу!

— Мен сизни бошқа меҳмонхонага кўчиб ўтган бўл-

сангиз керак, деб ўйловдим,— дедим ўрнимда ағдарилар эканман.

— Мелитополда бошқа меҳмонхона йўқ экан. Тўғри, менга бу ерда бошқа хоналарни таклиф қилишди, аммо ҳаммаси бир кишилик экан, шундоғам бутун умр ёлғизман, жуда бўлмаса командировкада... Онам ҳам доим: «Иккита ўғла далада ҳам ёнаверади, аммо битта бўлса, печкада ҳам ўчиб қолади», дердилар.

...Ёстиқ ва кўрпани олиб уч кечадан бери ваннахонада: «Куёв бола тушига янги жойда келинчак кирсин»,— деб ётибман.

Туш кўрмадим, ҳатто қатиқ ҳам ёрдам бермади.

...Апрель. Новдалардаги ям-яшил япроқлар нозу қарашма билан чайқалар, офицерларнинг хотинлари мўйна ва тулки ёқаларини ташлашмаган. Арон Миронович дераза олдида келиб, осмонга қаради.

— Оббо,— бугун парвардигор албатта кўзёши тўкади,— деди у,— шамсияни олволиш керак.

Арон Миронович нарсаларини бир пиджаги чўнтагидан бошқасига ола бошлади: ташқи чўнтакларида талайгина қўл артадиган рангли қоғоз салфеткалар, квитанциялар, счётлар, ички чўнтакларидан газеталардан қирқиб олинган материаллар, кўкрак чўнтакчасидан эса, бир талай кўк рангли кино билетларини олди.

У навбатдаги муваффақиятли операциядан кейин «ўлжаларни» бўлишаётган ҳозирги замон Роб-Ройини эслатарди.

— Нимангиздир тушиб қолди,— дедим ва полда ётган бир парча қоғозни олдим: «Бўғмага қарши кураш», деб ёзилган экан.

— О-о! Бу жуда муҳим қоғоз. Миннатдорман сиздан. Биласизми,— гапида давом этди план бўлимининг ходими,— мени қоғозга бўлган ишқибозлигимдан баъзи бир одамлар таажжубланишиб, ҳатто устимдан кулишди ҳам. Мана шундай майда-чуйда қоғозларнинг кўпинча киши ҳаётини безаб, бойитишини тушунишмайди. Мен

у ёки бу қоғозни кўрган заҳотим, у билан боғлиқ барча воқеалар икир-чикиригача хотирамда тикланади. Шунда бир лаҳза бўлса ҳам ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

...Шаҳар паркининг очиқ майдончасида ўтиши лозим бўлган концертимиз қолдирилди. Жала қуйиб юборди. Шунинг учун ҳам меҳмонхонага одатдагидан барвақт қайтдим.

Арон Миронович ўзи ётадиган ўрнида ҳаддан зиёд кенг, вьетнамча кўк пижамасида бошини қуйи солиб ўтирар ва хона бўйлаб сочилиб ётган сон-саноксиз ивиб кетган қоғоз ёдгорликларига тикилар эди.

У шу куни ёмғирда қолган экан.

Бечора касал бўлиб қолди.

Доим шошиб юрадиган врачлар, ҳамиша норози ҳамширалар уч кун унинг атрофида ўралашдилар.

Мен дори етказиб берувчи бўлдим.

Ниҳоят бугун — охириг тунашим. Эртага Бердянскка жўнайман.

Мен Арон Мироновичга қоғозларини қуриштириш ва тахлаб жойлашда кўмаклашга бошладим. Ҳатто ўз-ўзимдан кулиб ҳам қўйдим.

— Қоғозни ким ихтиро қилганини биласизми, азим?— тўлқинланиб сўради Арон Миронович.

— Эҳтимол, юнонлар ёки римликлардир,— деб жавоб бердим.

— Йўқ, хитой солномачиларининг ёзиб қолдиришича, бизнинг эрамининг иккинчи асрида Чай-Лунь исмли хитойлик қоғоз ихтиро қилган. XV асрдан бошлаб қоғоз Россияда ҳам пайдо бўлган. Мен учун ҳар бир қоғоз парчаси фақат ўтмишдан даракчи бўлмай, балки ўтмиш билан мени боғловчи кўприк ҳамдир.

...Тонг отмасданоқ маошимни олиш учун шаҳар филармониясига югурдим ва у ердан бир даста эски афишаларни қўлтиқлаб қайтдим.

— Булар нима?— сўради ҳамхонам.

— Булар сўнгги етти йил ичида Мелитополга гас-

троль билан келган коллективларнинг афишалари. Мен буларни сизга эсдалик учун совға қиламан.

Арон Миронович қўлтиғида градусник бўлишига қарамай, ўрнидан сакраб туриб, кўзларини чақнатганича афишаларни қувониб томоша қила бошлади.

— Марьянович! Пятницкий хори! Соличенко! Городец! Тонкян! О-о, қоғози нақадар ажойиб-а? Булар энди менга қиш бўйи мулоҳаза қилишимга етади.— Бемор Арон Миронович кўз ўнгимда ўзгарарди.— Мен хайрлашиш олдидан сизга ҳам совға тайёрлаб қўйганман.

У менга бир парча яшил қоғозни узатди.

— Бу менинг Мелитополга келган темир йўл билетим.

— Кечирасиз-у, лекин мен ўзимникини аллақачон ташлаб юборгандим,— дедим мен.

— Ташвишланманг, сиздан менга ёдгорлик бор.— давом этди Арон Миронович,— эсингиздами, полякча галстугингизнинг ёрлиғи?

Мен унга бир оз ғамгин кўзларим билан боқар эканман: «Аслида бу киши, олижаноб, мулойим, дилкаш одам экан-у, бироқ, қоғоз жинниси экан-да, майли, илоҳим саломат бўлсин, бахтли бўлсин!»— дедим ичимда ва сиртимда ҳам:

— Сиз олижаноб, хушфеъл одам экансиз. Илоҳим танингиз соғ-саломат, ўзингиз бахтли бўлинг!— дедим.

Цахкадзор, 1970.

ЕЗ ЁМҒИРИ

Ҳайронман, ким ўзи менга ақл ўргатган, июлда Ереванга келсин деб! Сояда — ўттиз, офтобда — қирқ даража иссиқ. Одамлар ҳафталаб ёмғир ёғсин деб илтижо қилишади, у эса аксига ёғмайди. Кейин бирданига қуяди... Масалан, ҳозиргидек, Биронта пана жой ҳам тополмай қоласан.

Саят-нова чашмасидан бир қултум сув ичдим-да, кўчанинг нариги бетига ўтдим.

Тротуар ёнида инвалидларнинг «Запорожец» машинаси турар эди. Қани энди, шунинг ичига кириб олсанг! Машинадан сал нарида, икки уй орасига суқилиб олган ямоқчининг кичкинагина дўконини кўриб қолдим (дўкон эгаси унга эшик билан том қурганди, холос).

— Салом!— дедим мен юзимдаги ёмгир томчиларини сидириб ташлаб дўконга кирарканман.

Китоб ўқиб ўтирган дўкондор бошини билинар-билинемас силкиб, алик олгандек бўлди. Бу одам тўладан келган, қўллари калта-калта, оппоқ. Қуюқ жингалак сочли, гўштдор бурни остидаги квадрат мўйлови ҳам сочлари каби бўлиб, элликлардан ошган армани эди. Эғнидаги яшил гимнастёрка устидан аёллар ич кўйлагига ўхшаш қора фартук кийиб олганди.

Кўчма этюдимнй дўкон деворига суяб қўйиб, таклиф кутмай чарм ўриндиқли йиғма курсига ўтирдим.

Тунука қопланган стол устида юза кулдон сингари ясси, хилма-хил шиша банкачалар турарди. Улар ичида михлар, бурама михлар, нағаллар — қўйингки ямоқчи учун керак бўлган ҳамма нарса бор эди.

Эшик ойнасидан қизим билан учрашмоқчи бўлган ерга — чашма томонга мўраладим. У ҳали келмаганди.

Ямоқчи ўқиётган китобидан бир варағини тугатди.

Устахона деворларига чет эл гастролёрларининг сарғайиб кетган афишалари осиб қўйилганди. Дўкон эгаси тепасида ёғоч ромга ўрнатилган генерал Андраникнинг портрети бўлиб, у ярқ этиб кўзга ташланарди. Портретнинг ўнг бурчагида, ойна остида, оппоқ қалпоқчасига санитар крести туширилган шимоллик бир жувоннинг сурати ёпиштирилганди.

— Хизмат?— мурожаат этди уста.

Дўконга нима сабабдан кирганимни изоҳлаш учун бир пой туфлигимни ечиб, тутилиб-тутилиб гапира бошладим:



— Нимагадир, сув ўтяти... Балки, пошнасини ал-
маштириш...

Ямоқчи фартуги билан ҳўл пойабзалимни артиб кў-
риб, шу заҳотиёқ қайтариб берди.

— Сотиб олинганига ҳали икки ҳафта ҳам бўлган
эмас. У сув ўтказмайди.

— Ҳа? Бўлмаса, илтимос, нағал қоқиб берсангиз.

У туфлини темир дупояга кийгизиб, унга нағал тан-
лаб туриб сўради:

— Қаерига?

— Қ... қаерига керак бўлса ўша ерига-да,— тўнғил-
ладим мен,— пошнасигами, ё...

— Умуман, очигини айтганда,— деди у,— нағал қо-
қиш ярамайди: пойабзални бузади. Одамлар ночорлик-
дан нағал қоқтиришади. Нағал қоқиш жуда зарур бўл-
са, унда маслаҳатим, пошнасига қоқтиринг.

— Нима учун?

— Менимча, сиз, лапанглаб юрсангиз керак, шунинг
учун ҳам товоннинг иккала томони кўпроқ едирилади.—
Уста менга бир парча газета бериб, туфлигимнинг иккин-
чи пойиниям ечишни илтимос қилди.

Соатимга қарадим. Орадан икки соатдан кўп вақт
ўтипти. Ёмғир ҳамон тинмасди. «Йўқ, чамаси, энди қи-
зим келмайди,— деб ўйладим,— Герхардга сафаримиз-
ни эртага қолдиришга тўғри келадиганга ўхшайди».

— Ёмғирни яхши кўрасизми?— ногаҳон сўрадим
мен.

— Ҳа,— жавоб берди ямоқчи ва менинг «Нима
учун?» деган саволимни кутмасданоқ қўшиб қўйди,— ём-
ғирдан кейин ишим кўпаяди.

— Биласизми,— завқланиб кетдим мен,— Москвада
менинг бир танишим бор (фамилияси Пименов), у ём-
ғир ҳақида ҳар хил нақллар, ҳикматли сўзлар ва мақо-
лалар йиғиб юради...

— У, эҳтимол, шоирдир?

— Деярли, шоир, рассом...

Ямоқчи оғзидаги охирги миҳни олиб, уни болғачасининг икки марта секин, бир марта қаттиқ зарби билан туфлига қоқди ва уни темир дупоядан чиқариб олиб, ёниб турган электр плиткага суяб қўяди.

— Сизни мен жон деб кофе билан меҳмон қилардим-у, лекин сув тамом бўлиб қолганди, сувга бориб келишга эса... билмадим... нимагадир боргим келмапти.

— Раҳмат, хижолат бўлманг.

Ямоқчи яшигидан бир пачка «Салют»ни олиб менга узатди — мен, кераги йўқ дедим. У ўзи чекиб, кейин бирдан гап бошлади:

— Мен ҳар хил оқ қўйлак-зиёлиларни ёмон кўраман: улар қачон бўлмасин бирон кимсани хафа қилмоқчи бўлсалар, албатта уни «ямоқчига ўхшатиб, сўкишади»: «ямоқчидек ичади», «ямоқчидек лафзи йўқ...» — деб биздек бечораларга ўхшатишади.

— Бунақа гаплар менинг хаёлимдаям йўқ, — дедим мен, — чамаси, агар адашмасам, бу иш ҳам заргарлик ёки қурувчилик каби бизнинг миллий ҳунаримиз.

— Гапингиз тўғри, — давом этди суҳбатдошим. — Биз жуда қадим замонлардан лўлилар каби саргардон бўлгандик, фақат чодир олиб юрмасдик. Чайла қулардик, овқат пиширардик, яна йўлга тушардик, мана шунинг учун ҳам бизда ажойиб меъморлар, новвой ва косиблар пайдо бўлган.

— Яхшики, энди саргардонликка чек қўйилди. Мана, ярим асрдан бери ўтроқмиз.

— Шундаймикан! — эътироз билдирди косиб. — Ёзда бир Краснодарга, Қримга ёки қўриқ ўлкаларга бориб кўринг, қанчадан-қанча биродарларимиз ишлаётганини кўрасиз! Тўғри, улар, мендек нағал қоқишмайди, ямоқ солишмайди, аммо уларни ҳам этикдўз-ямоқчи деб аташади. Буюртмалари шунчалик кўпки — улгурсанг бўлгани. Бу ерда — шаҳримизда эса, одамлар эрка бўлиб кетишган. Модапараст бўлишган. Уларга фақат фран-

пузча-ю, италянча пойабзал бўлса! Эҳ-ҳ, негадир Сирушдан дарак йўқ, келса, сувга юборармидик.

— Ҳозир бизда сув бўлади, истайсизми?— дедим жонланиб.— Човгумингизни беринг.— Мен эшикни сал очиб идишни тарнов тагига қўйдим.

Ямоқчи сигаретани ўчирмасдан ундан иккинчисини тутатиб олди.

— Сизни дейман, юрак касалингиз борми?— сўради у.

Мен «ҳа» дегандек бош ирғадим.

— Эндигина қирқдан ошган бўлсангиз керак. Шундай ёш бўла туриб ҳалитдан...

— Ўзингиз нечадасиз?— сўрадим мен.

— Менми? Бордию артист бўлганимда — мириқиб дам олаётган бўлардим.

— Демак, элликдан ошипсиз-да?

— Худди шундай.

— О, унда, урушда ҳам бўлган экансиз-да?

— Худди шундай, бўлганман.

Ямоқчининг юзларида кескин ўзгариш юз берди: қошлари чимнрилиб, қаншарида туташди, кўзлари намланиб, пастки лаби титрай бошлади.

— Қўлда болғача билан денг,— давом этдим мен.

— Қўлимда автомат-у, ёнимда болғача билан,— деди гапимни тўғрилаб у.

— Айтишларича, ямоқчилар, ошпазлар ва ҳаттотлар урушда унчалик қийналишмаганмиш,— дедим мен.

— Кўрмаганлар, товўғни ҳам соғади, дейдилар. Яқинларидан жудо бўлмаган, порох ҳидини ҳидламаганлар гапираверади.

Ямоқчи ўтирган жойида ўгирилиб электроплитка ёнида турган туфлиларимни ушлаб, «ҳали қуримапти» дея, жойига қайта қўйди.

«Ҳайдаяпти,— ўйладим мен,— ҳойнаҳой қовун туширганга ўхшайман». Гапни бошқа томонга буриб юбориш учун:

— Сиз Ленинградда бўлганмисиз?— деб сўрадим.

Аммо ямоқчи, саволимни эшитмагандек, ўз фикрини давом эттирди:

— Урушда бир дўстим бўларди, у ҳам ямоқчи эди. Бутун урушда бирга бўлдик: деярли Берлингача бирга бордик. Руслар уни Гаспар деб аташса, кавказликлар эса — Уста Гаспар дерди. Агар солдатлардан биронтаси жасорат кўрсатса ёки жангдан галаба билан қайтса, ундай одамдан: «Гаспар тиккан пойабзал оёгингизда эмасмиди?»— дея сўрашарди.

Гаспар ўз касбининг устаси эди. Қимнинг этиги оёғига катта ёки кичкина бўлса тўғри Гаспарга борарди. У тезда лоппа-лойиқ қилиб берарди, кийсанг оёгингга қўйиб тиккандек турарди. Бир куни фашист фюрерларидан биттасини тутиб келтириш ҳақида буйруқ келди. (Бу воқеа урушнинг сўнгги кунларида юз берган эди.) Рота эндигина жангдан чиққан, жангчилар беҳал чарчаган... Шунда Гаспар ўрнидан туриб разведкага бормоқчилигини билдирди... Аммо командир рози бўлмади. Чунки ундай устани топиш қийин. Лекин у разведкага ўз талаби билан кетди... Аммо частга қайтиб келмади.

— Ҳалок бўлиптими?— ўзимни тутолмай сўрадим.

— Йўқ, тирик қолибди.— Ямоқчи плиткага энгашиб, туфлигимни ушлаб кўрди, қуриганлигига ишонч ҳосил қилгач, тиззасига қўйди. Кейин кремли аллақандай қутичани олди.

— Лекин икки оёқсиз бўлиб қолди.

— Қанақасига?

— Маълум бўлишича, Гаспар қўлга туширган фюрер генерал экан. Генерал Берлин яқинидаги дала ҳовлисида анчагача яшириниб юрган. Бизнинг қўшинларимиз ўша қишлоққа яқинлашганларидан кейин у қочмоқчи бўлиб, уй атрофини миналаштирган. Гаспар худди юза кўмилган ўша миналардан бирини босиб портлаб кетган. Портлашдан сўнг бир аёл чиқиб, ярадор

Гаспарни уйга олиб кириб, даволай бошлаган. Гаспар, ўша немис аёли врач бўлиб ишлайдиган қишлоқ касалхонасида, кейин унинг уйида бир йилга яқин даволаниб ётган.

— Хўш, кейин нима бўлди?— сўрадим мен.

— Урушдан сўнг, қирқ олтинчи йили улар бирга Ереванга келишди.

— Шошманг, нима у фашист генералнинг хотинига уйландими?— сўрадим мен.

— Йўқ, ўша меҳрибон, гўзал немис аёли оёқсиз қолган арманга эрга тегди.

Мен беҳос санитар крести бор оқ қалпоқчали аёл расмига қарадим.

— Сигаретингиздан чектиринг.

— Йўқ, сизга мумкин эмас,— деди сочлари оқарган ямоқчи,— яхшиси сизга кофе тайёрлаб берай.

Мен эшикни очиб, човгунни олдим, уни устага узатдим — сув лиммо-лим тўлган, ёмғир тина бошлаган эди.

У столчасидан кофели банкани олиб, секингина: «Ширинроқ бўлсинми?»— деб сўради.

— Аччиқроқ.

Туфлигимни кияётиб, аёл расмига яна бир бор қарадим, лекин бутунлай бошқа нарса ҳақида сўрадим:

— Сиз Андраникни яхши кўрасизми?

— Қайси арман уни ёмон кўради?! Бу суратни кекса отам осиб қўйганлар, қачон, нима тўғрисида гапирмасинлар, доим гапни Андраник билан якунлардилар... Отам севимли командир ва халқ қаҳрамонини жуда ҳам иззат қилардилар.

Ямоқчи ҳовлиқма эмас, лекин доим бирон иш билан банд, ишни ҳам диққат билан, берилиб бажарарди; вақти-вақтида ҳазил ҳам қиларди, қулоғининг орқасини тирноғи учи билан қашир экан, митти, мулоийм кўзларини қисиб кулиб ҳам қўярди. Шу вақт орасида ўридан бирон марта ҳам турмади. Чашкаларга кофе қуйиб, бирини менга узатди.

— Ол, иним, тўғри, кофе чиройли аёл эмас, лекин бу ҳам кайфиятни кўтаради.

Кўк халатли, ёши ўтиб қолган бир аёл дўкон эшигини очди.

— Уста Гаспар, бу севга,— деди аёл қалин қоғозга ўроғлиқ нарсани узатаркан,— қопқоқлар... эллик дона.

— Илоҳим болаларингнинг роҳатини кўр, Сируш-жон,— деди уста ва яшигидан ғижимланган бир сўмликлардан олиб берди.

Сируш шошганича кетди.

Ёмғир, чамаси, тинди. Мен чашма томонга қарадим. Ёнларига шахмат шакли туширилган «Волга» келиб тўхтади. Машинадан аввал малласоч йигит тушди, кейин менинг Жанка — қизим шокилални замш сумкасини титкиллаётганда унинг олдига келдим.

— Ҳа, айтгандек,— шошиб қолди Жанка,— танишинг, дада! Бу йигит мени олиб келиб қўйди.

— Курт,— деди ўзини танитиб йигитча.

— Курд?— қайта сўрадим мен.

— Йўқ, Курт-т,— уялиб такрорлади у.

У баланд бўйли, худди поядек ингичка, кўзойнак таққан, бир оз уятчан, йигирма беш ёшлардаги йигитча эди. Қўлида рўмолга ўралган кастрюлькали сетка бор эди.

Нагал ҳақини тўламаганим эсимга тушиб қолди, кейин этюдникни ҳам олишим керак эди. Болалар шивирлашиб, изимдан кела бошлашди.

Ямоқчи мenden пул олмайман деб туриб олди.

Дўконга Курт кирди. (Жанка ташқарида қолди.)

— Дада, сизга тушлик олиб келдим. Бир оз кечикканим учун кечиринг. Ёмғир айбдор.— Кейин у энгашиб, отасининг қулоғига ниманидир шивирлади. Отаси рози бўлганини билдириб бош ирғади ва брелокли калитни берди.

Чашкамдаги кофени ичиш учун қўл узатдим.

«Кофедан тортинишни, гуноҳ дейишади, лекин уни охиригача ичиб қўймаслик ундан ҳам катта гуноҳ».

Дўконга қизим Жанка кириб, қулоғимга шивирлади.

— Дада, майлими Курт билан машинада бир оз шаҳарни айлансак? Бари бир энди Герхардга боролмай-миз. А?

Ҳамёнимни олмоқчи бўлиб чўнтагимни кавладим.

— Сиз меҳмонсиз,— деди ямоқчи қўлимни қайтариб,— бизни хафа қилманг.

Бу воқеада нимадир менга жумбоқ эди. Ямоқчи фикримни билгандек яна мендан олдин гап бошлади.

— Генералнинг хотини қўлида эмизакли гўдаги борлигини сизга айтишни унутибман... Уни ўғил қилиб олдим,— деди у ва транзисторининг кнопоксини босди.

Қўйлагимнинг кўкрак чўнтагидан қора кўзойнагимни олиб, рўмолчам билан артдим ва уни қизимга узатдим.

— Куннинг иккинчи ярмида офтоб чарақлаб кетади, ма, олвол. Бора қол... фақат меҳмонхонага барвақтроқ қайт.

Кўзим мен келганда ямоқчи ўқиётган «Вайоц дзор» номли китобга тушди.

— Хайр, уста Гаспар,— дедим мен.

— Хайр, ҳамюрт,— деди уста Гаспар ва қулоғининг орқасини қашиб, митти, мулойим кўзлари билан кулиб қўйди.

...Курт билан Жанна «Запорожец»га ўтиришиб, Барекамутян кўчасидан юқорига қараб ғизиллаб кетишди.
Ереван, 1972.

СОҚОЛ ОЛУВЧИ

Кинога билет олиб соатимга қарадим. Вақт етарли, Сочи текислатиб олиш мумкин.., Сўнг шу орадаги сартарошхонага йўл олдим.

Йўлакда соч-соқоли ўсиб кетган, ёши номаълум бир неча эркак турар, улар эриниб суҳбатлашишар, чекишар эдилар. Атир билан «заҳарланган» ердан тезгина гардероб томонга ўтдим-да, шляпамни топширдим. Бинафшаранг сиёҳ билан қийшиқ қилиб «7» ёзилган сарғиш эски картон қоғоз парчаси қўлимда пайдо бўлди. Бу — менинг шляпам учун берилган мандат эди.

Навбатнинг охири кимлигини сўрашга улгурмасимданоқ хона ичкарисининг аллақаеридан:

— Тўртинчи бўшади!— деган овоз эшитилди.

Навбатларини сабрсизлик билан кутиб ўтирган атрофимдагилар қилт ҳам этишмади.

— Тўртинчи бўшади!— бу сафар овоз қулоғим тагида такрорланди.

Ўгирилиб қарасам: қаршимда сочларини хина билан бўяган, паканагина, ёши ўтиб қолган аёл турарди.

«Қизиқ бўлди-ку,— ўйладим мен,— ичкарида бўш усталар бор экан-ку, негадир ҳеч ким кирмайди-я!»

— Кечирасиз, тўртинчи сизмисиз?— сўрадим мен, бўш кресло олдида турган, лабига сигарет қистириб олган оқ халатли кишидан.

У бошини ирғади.

— Салом,— дедим, кресло ёнига келиб.

— Хайрли кеч,— жавоб қилди тўртинчи уринган сочиқ билан ўриндиқни силагандек артиб.— Ўтиринг!— деб қўшиб қўйди.

Ўриндиққа яхшилаб жойлашмасимданоқ ғирт... ғирт... қилдию, танам юқорига кўтарила бошлади. Кўз қиримни ташласам — Тўртинчи қандайдир педални оёғи билан босаётган эди. Оғзидаги сигаретасини олиб, уни упа қутичаси устига қўйди, тумбочкадан кирхона ҳиди келиб турган яримта чойшаб олиб, у билан тезда елкаларимни ўради ва гардан томонимнинг аллақаеридан тўғнағич билан тўғнаб қўйди. Кейин чап қўли билан бошимни орқа томонидан ушлаб, ўнг қўли билан сочим-

ни тарай бошлади. (Хотинига ачинаман,— ўйладим мен,— қўполлигини қара бунинг.)

— Паранзе-ем,— бақирди у тўсатдан,— олиб қўй.

Ойнага қарадим. У ердан менга жингалак сочлари хурпайган папуаснинг арманча варианты қараб турарди. У менинг аксим эди.

— Бош кийимсиз юрганингиз маъқул. Бош кийим причёскангизни бузади,— деди Тўртинчи.— Қимнинг сочи хунук бўлса ўшалар кийсин. Ёки бошида йил бўйи куз бўлганлар кийсин. Мана, масалан, менга ўхшаганлар.

(Топган сўзларини-чи —«причёскани бузади», «хунук соч», «чиройли соч», «бошида куз бўлса!»)

Мен сартарошга синчиклаб қарай бошладим.

Элликларга чиққан, тепакал, доим обаки сўриб юрган одамники каби юзлари ичига кириб кетган, қулоқлари катта, Боку нефтчилариникидек қоп-қора, квадрат мўйловли киши орқамда турарди. Қовоқлари қисик бўлса ҳам, лекин қувноқ қўйкўзлари милтиллаб ёнарди. У — тортинчоқ сураат олдирувчини қийновчи урушдан илгариги кўча фотографига ўхшаб, бошимни ҳар мақомга солиб дам чапга, дам ўнгга бурар, дам пастга эгиб, дам юқорига кўтарарди.

Куйган ҳид кела бошлади; упа қутичаси устида тутаётган сигаретга ишора қилдим устага. У шошмасдан сигаретни олиб, чуқур нафас билан тортганди — лунжлари худди тишларига ёпишиб кетгандек бўлди — кейин сигаретини сувли металл идишчага тиқиб ўчирди.

Чап томонимдаги кресло ҳам бўшади.

Гардеробхонадан яна:

— Учинчи бўшади! — деган таниш овоз эшитилди.

Орадан бир минут, икки минут, уч минут ўтди... Паранзем кресло атрофини супуриб қўйди. Лекин Учинчига ҳеч ким ўтирмади.

— Менга қаранг, йўлак ва кираверишда турган анави одамлар ким? — деб сўрадим.

— Шаҳримизда меҳмонга ўхшайсиз,— деди Тўртинчи ва электромашинкани токка улади.

— Ҳа,— дедим мен.

— Соч қўйишингиздан кўриниб турипти.— Электромашинкадаги соч заррачаларини пуфлаб ташлаб яна қўшиб қўйди:— Улар Жульенни кутишяпти.

«Исмининг антиқалигини-чи»,— ўйладим мен.

— Жульен Байрутдан келган,— тушунтирди менга уста бошини ўнг томонга буриб,— у тартиб бўйича бизда Бешинчи, лекин мижозлар бўйича ҳамма мавсумда доим — Биринчи,— деди.

— Эҳтимол у, жуда ўткир устадир?— сўрадим.

Сартарошим устарани қўймай икки марта кафти билан бурнини қашиб бундай деди:

— Ҳаммамизнинг категориямиз бир хил. Шунчаки ҳаммамизнинг ўз мижозларимиз бор. Биласизми, битта уста индамай, кўз-кўз қилмай, камтарона, ҳовлиқмасдан ишлайди, бошқаси — унақасигаям, бунақасигаям эгилиб ишлайди, ёқасига ёпишиб қолган соч толасини тарайди — қарабсизки, кимсан «ўткир варпет» деб ном чиқаради. Мана, жуда бўлмаса Жульенга бир қаранг: антиқа қилиб олиб ташлайди, сочига оддий сув сепиб қайчини уч марта ҳавода чиқиллатса, бир марта сочда чиқиллатади, мижозини гоҳ чап томонидан, гоҳ ўнг томонидан қучади, футбол ҳақида бирон бир янгиликни айтиб беради — кўпинча ўзи ўйлаб топган бўлади — Байрутдаги ҳаёти ҳақида гапириб беради (аслида эса, у ердан бешинчи синфдалиги чоғида келган) — қарабсизки, унга навбатга турувчилар кўпаяверади... Дарвоқе халатни ҳам ҳаммага ўхшаб эмас, худди операция хонасига кирган жарроҳ каби орқасини олдига қилиб кийиб олади!

Тўртинчи электромашинкани ўчириб, узун темиртароқни олди-да, пахта тарай бошлади. Уни жўмракдан оқиб ётган сувга тутди ва сочимни тараб гапида давом этди:

— Умуман, Жульен — ёмон уста эмас. Мен уни бемалол — яхши уста дея оламан. Лекин у хоҳласа яхши ишлайди. Мана, масалан, унга соч олдиргани бир йигитча келиб туради. Сочини шунақаям боплаб олиб, атир сепиб, тараб қўядики, йигитни кўрган контролёр ҳам уни театрга билетсиз қўйиб юбораверади.

Мана, бир неча минутдирки, юзимга соч толаси ёпишиб ётипти, аммо ундан қутулишнинг ҳеч иложи йўқ. Уни пуфлаб туширишга, юзимни тортиб ҳам уриниб кўряпман — лекин ҳеч тушмаяпти. Аксига сартарош ҳам гапга тушиб кетган, уни гапдан тўхтатиб бўлмаяпти. Орадаги жимликдан фойдаланиб:

— Кечирасиз, исмингиз нима? — деб сўрадим ундан.

— Мени Гурген-даи¹ деб аташади.

— Гурген-даи, майлими, бир секундга қўлимни чойшаб тагидан чиқарсам?

— Нима, қашиниб оласизми? Ҳай, чиқара қолинг.

Учинчининг креслосига бир болақай келди.

— Амаки, чаккамни узунроқ қолдирсангиз бўладими?

— Умуман-ку, ҳали сенда тук ҳам йўқ... сенки шуни истасанг, бирон чорасини ўйлаб топармиз.

Гурген-даи сигарет тутатди.

— Паранзе-ем! Сочиқ!

Паранзем синкаланган нам сочиқларни олиб келиб, столдаги тутилган чойшаб, сочиқларни (яна овора бўлиб келиб юрмаслик учун) бир йўла олиб чиқиб кетди.

Гурген-даи сигаретини қандайдир бир атир шишанинг устига қўйиб, фикрини давом эттирди:

— Менинг ҳам икки сўм, уч сўмдан берадиган ўз мижозларим бор. Лекин, сизга виждонан айтсам, унақаларни унчалик ёқтирмайман: навбат кутишмайди, ёмон кўришади кутишни, саломлашишга улгурмасдан, ўриндиқда ғимирлаша бошлашади. Атрофдаги соч тола-

¹ Даи — амакижон.

ларини тозалаб олишга ҳам имкон беришмайди. Утиришлари билан — ойнага қараб, гўё мен шу топдаёқ уларнинг бўйинларини қайириб ташлайдигандек, ё бўлмаса, қулоқларини кесиб устиларидан қайноқ сув қуядигандек, бақрайиб туриб олишади. Ўзингизни сотувчиман, деб бир тасаввур қилиб кўринг (шундоғам кўриб турибман — сотувчи эмассиз). Харидор ярим кило колбаса оляпти, аммо кўзи харид қилаётган нарсада эмас, тарозида. Шунда сервелат ўрнига жигар колбаса ўраб юборсанг ҳам билмайди. Тарози мили кўрсатилган рақамга сал етмай қолса, у сенга бир ўқрайиб қарайдикки, туғилганларингга пушаймон ейсан... Мен ҳам, креслога ҳали ўтиришга улгурмасдан кўзгуга бақрайиб қарайдиган мижозларни ёмон кўраман.

Сартарошхонага бахмал камзул, жинси шим, платформа туфли кийган малласоч ўспирин кирди. У Паранзем олдига бориб, нимадир деб, қулоғига шивирлаб, чиқиб кетди. Паранзем Учинчининг олдига келиб унга бир нима деди. Учинчи, бўлмайди, дегандек бошини ирғаб Жульен томонга энгашди.

— Қаерники?— овозини чиқариб сўради Жульен.

— Англияники,— секин жавоб берди Гурген-даи.

— Қанчадан?

— Бешданмиш.

— Вой, муттаҳам, текинхўрлар-ей. Нима, бизни эшакмия еган, деб ўйлаяптими? Олдингизга солиб қайданг уларни. Бир пачка лезвие беш сўммиш... олиб сотарлар!

Паранзем малласочга эринибгина қўл силтаб, радиоприёмникни қўйиб юборди. Гурген-даи бориб, приёмник овозини пасайтириб, менинг ёнимга қайтиб келди.

— Мен Вердимикан десам, у Россини экан.

— Қим, ким?

— Верди, композитор. Лекин мен кўпроқ Россинини яхши кўраман. «Севиль сартароши»ни, биласизми? Ана ўша замонларда ҳамкасабаларимизнинг иши битта —

фақат соқол олиш эди. Одамлар сочларини ўстириб, узун қилиб юришар — қайчи билан ўзлари қирқиб туришар эди. «Жуббасиз монах» причёскаси ҳозир яна мода бўляпти, қарабсизки, биз яна соқол олувчиларга айланиб қолдик. «Дард устига чипқон» деганларидек электр устаралар бошимизга битган бало бўлди... Дарвоқе, соқол олдирасизми?

—Э, йўқ, мен «Харьков»да оламан,— деб рад этдим.

— Кейин кўп вақтингизни ҳам олмоқчи эмасман.

— Менинг вақтим етарли. Бугун сешанба — сиз яхши кунда кирдингиз; шу куни одатда одамлар кам бўлади, бемалол ишлаш мумкин. Биласизми, баъзилар учрашувга ярим соат қолганда, ё бўлмаса ажалидан бир соат олдин келиб, ту-фу, жин ургур, тўйидан бир соат олдин келиб: «Варпетжон, илтимос, яхшилаб олиб қўйинг, фақат тезроқ»,— деб туриб олишади. Ҳайронман бундай одамларга! Эсимда, бир вақтлар «Тез, соз ва арзон», деган шоир мода бўлганди. Ҳар бир чақириқни алоҳида-алоҳида қойил қилишим мумкин, лекин «тез ва соз» ни кечирасиз уддасидан чиқолмаймиз! Ҳаётимизда бирор ишнинг тез ва соз бажарилишига умуман ишонмайман. Қулоғимни кесиб ташласангиз ҳам ишонмайман...

У сочларимни олдидан, орқадан, ёндан авайлаб тарай бошлади.

— Чаккангиз узунроқ бўлсинми, калтароқми?

— Уртача,— дедим мен.— Умуман, сочимни турган битгани ташвиш бўлди. Қанақа причёска ярашишини ҳам билмайман. Ҳурпайиб кетмаслиги учун кунбўйи ё сочимни ҳўллаб юраман, кечаси бўлса береткамни кийиб ётаман. Эрталаб турсам — ўша-ўша, сочларим ҳурпайган.

У қуён оёғига ўхшаш юмшоқ, майин шчёткани олиб, юзимдаги соч толаларини оҳиста тушириб ташлади.

— Биласизми,— давом этди Гурген-дан,— борингки,

сизда «Ревингтон» ёки «Браун» электр устарангиз бўлсин, бари бир ойда бир марта устарада соқол олдириш тавсия қилинади. Бунинг тери учун фойдаси бор. Хўш, нима дейсиз?

Соатимга қарадим.

— Яна йигирма минут вақтим бор,— дедим.

— Паранзе-ем! Прибор!— команда қилди Гургендаи.

— Паранзем! Сочиқ!

— Паранзе-ем! Тўхта!— бараварига бақиришди.

Тўртинчи ҳам, Бешинчи ҳам, Учинчи ҳам.

Учинчига боғча боласи келганди. Уни онаси — ажойиб, ёшгина жувон — кичинтойининг тивит камзулини ечиб, ўзи ўриндиқнинг орқа томонига туриб олади.

— Варпет, эҳтиёт қилиб сочини олинг, яна юлиб олмасин. Ўғлим оғриққа ҳеч ҳам чидаш беролмайди.

Шу вақт Учинчи ёнида қўлида электромашинкаси билан Жульен пайдо бўлди.

— Сақожон, машинкангнинг тиғини кўпдан бери чархлатмагандинг. Меникини ол. Болакайни яна қийнаб қўйма. Кўряпсан-ку, қандай ажойиб бола экан,— деди Жульен зимдан боланинг онасига тикилар экан.

Сақо индамай, лекин сал аччиғи чиқиб болани яримта чойшабга ўрай бошлайди.

— О, миннатдорман сиздан,— гапга аралашди Улуғ Пётрники сингари тиззадан юқори қора этик кийган жувон.— Жуда илтифотли экансиз.

— Арзимайди, хоним, агар хоҳласангиз, мен сизга болаларнинг махсус машинкасини, Францияники, соч юлқиламайдиганини совға қиламан. Кейин ўзингиз ҳам, эрингиз ҳам тўппа-тўғри уйда сочини олаверишингиз мумкин.

— О-о, миннатдорман,— деди боланинг онаси, қундуздан тикилган ёқасини тўғрилар экан.

— Айтгандек, мен эртага — биринчи сменадаман... учгача... Агар улгурсангиз...

— Жуль, менга халал беряпсан,— деди унинг гапини чўрт бўлиб Сақо.

— Гурген-даи иккинчи марта юзимни совунлаётиб, беҳос кесиб олган жойини кўпик билан тезгина суваб қўйди. Лекин қизил томчи яна хиёнаткорона бўйнимда пайдо бўлди; у томчини чимчилоғи билан артиб, столда турган қандайдир тиниқ қаламни олди-да, кесилган жойга суртди. Мен бурнимни тириштириб, қошларимни чимирдим. У ўзини оқламоқчи бўлгандек гап бошлади:

— Кичкинагина дўкончада бир ўзинг ишлаш қайда-ю, коллектив билан ишлаш қандай... Бир ўзинг бўлсанг — шошмай, ҳар бир соч толасига аҳамият бериб, мириқиб ишлайсан. Бир гала одам бўлса-чи, унда ишлаш қийин. Худди автомобиль пойгасига ўхшайди. Паранзе-ем! Компресс! Сен бир одамни бўлгунингча, қўшнинг уч сўмни киссага уриб турибди-да. Мана шунақада шошасан-да... Тез бўлай деб бармогингни кесиб оласан, қайчини тушириб юборасан, мижозни жароҳатлайсан... Э-эҳ! Бунинг устига планни бўйинтуруқ қилиб илиб қўйишганини айтмайсизми? Хўш, қалай? Ачиштирмаяптими? Иссиқ эмасми?

Гурген-даи бир дақиқага бошимни ўз бағрига босди.

— Йўқ, яхши,— дедим зўр-базўр.

— План пашша эмаски, пуф десанг — учиб кетса! Илгари ёмон эмасди. Сменда етти сўм топширардик. Етти сўм-а. Бир бош учун — бир сўм. Кейин бундай қарашса, баъзи бир сартарошларимиз сатанг, бахмал камзуллар киядиган бўлиб қолишди. Мана, дейишди-ю, планни оширишди. Ҳозир ўн бир сўм. Ўн бир сўм — ўн бир бош. Етти соатни ўн битта бошга бўлиб чиқинг-чи. Ҳар бир бошга ярим соатдан тўғри келади. Қани, мана шу вақт ичида «тез ва соз» ишлаб кўр-чи?! Шунақа мижозлар ҳам борки, бошларини ювиб қўйишни, оқарган мўйловларини бўяб қўйишни илтимос қилишади. Баҳоси эса, стандарт, ҳар бир бошдан бир сўм. Лекин ҳаммаям...

У гардан томонимдаги тўғнағични ечиб олиб:

— Бошингизни ювиб қўяйми?— деб сўради.

— Йўқ, йўқ, раҳмат... Кечикяпман...

Мен унинг тумбочкаси яшигини очиб (Жульеннинг мижози қилганидек) у ерга уч сўмликни ташладим.

Бинафшаранг етти ёзувли эзилган картон бўлакчасини олиб, гардероб томонга юрдим.

Эшик олдида Гурген-даи менга етиб олди.

— У менга газетага ўроғлиқ бир нарсани узатди.

— Бу мендан сизга. Соч учун тўр... Кечаси ётганда причёскангиз бузилмаслиги учун.

Мен яна ҳамёнимни олмоқчи эдим:

— Йўқ, йўқ,— деб тўхтатди уста,— бу мендан сизга эсдалик учун, ереванлик варпетдан совга деб биласиз.

...Кинодан чиққач, нима учундир яна ўша сартарошхона олдидан бир ўтгим келди. (Соат ўнлар, устахона айни ёпиладиган вақт эди.) Ереванлик янги танишим, Гурген-даини кенг ойнабанд витрина орқасида кўрдим.

У бекорчиликни ёқтирмасди, тутаётган сигаретини упа қутичаси устига қўйиб, бир қўли билан бурнининг учидан юқорига кўтариб, иккинчи қўли билан Боку нефтчилариникига ўхшаш оқ оралаган квадрат мўйловини ойна олдида тик туриб текислаётган эди.

«Қуйган ҳид келса, энди унга ким айтиб қўяр экан?»— деб ўйладим ва сартарошхонадан нари кетдим.

Ереван, 1974.

СУЗ УСТИДАН ЧИҚИШ

— Кунлардан бир кун Л. Н. Толстой Лазарев институтига борганида содир бўлган воқеадан хабарларингиз борми?— дея ҳаяжон ичида менадан сўради Жаншиев. А. А. Амбарцумян. «Хотиралар» китоби. Ереван, 1963, I том, 97-бет.

Буюк одамлар ижтимоий ҳолларининг ўзи — бутун бир кутубхона бўлиб фарқи шундаки, сен ундан давр кўригидан ўтган бегона бир одамнинг билими ва ҳаёт тажрибасини билибгина қолмай, балки, ҳали ҳеч ким ўқимаган, тақдирнинг чигал кўчаларида ва воқеалар тарихида қолиб кетган бир жилд, қисм, ёки оддийгина бир саҳифани ўқиш имкониятига ҳам эга бўласан. Қашф қилинган бу саҳифа сенга қувонч бахш этибгина қолмай, балки шу ғаройиб кутубхонанинг бошқа «қатновчиларига» фойда ҳам келтиради.

Мана, ана ўшандай бир саҳифа...

МАЪЮС ШОДИЁНА

Харьков, 1901 йил, сентябрь.

Шаҳар темир йўл вокзали перронига поезд узоқ ма-софага югуриб, ҳолдан тойган спортчи каби пишиллаб, ҳансираб, келиб аста тўхтади.

Бу пайт шишаларда сут кўтарган бир аёл охирги вагоннинг орқа эшиги томон бора бошлади. Орадан лаҳза вақт ўтмай шишалар бир чимдим мўйловли проводник қўлига ўтди. Шу пайт улкан оломон, кўз очиб-юмгунча гўё катта бир уммондек пишқириб воқеадан хабардору хабарсизларнинг ҳаммасини ўзи билан бирга охирги вагон томон суриб кетди...

— Уёққа... уёққа!

— Қаерда ўзи?

— Ўтказиб юборинглар!

— Тезроқ... Ҳа, нега бақрайиб қолдинг? Йўлни бўшат!

— Поезд қанча турармиш?

— Йигирма минут, дейишяпти...

— Ким экан, поездда кетаётган?

— Бунга сени ақлинг етмайди!

— Жаноб, гулларингиз тушиб кетди.

— Бағоят миннатдорман!

— Намунча эшикни ўраб олмасаларинг?

— Қўйишмаяпти.

— Унда ўзи бизнинг олдимизга чиқсин!

— Чиқолмасмиш...

— Унга нима бўлипти?

— Бетоб экан...

— Сихати жуда ёмонмиш... Даволангани кетаётган экан...

— Қаёққа?

— Қримга. Денгизга.

— Қора шойи рўмолли хоним ким экан?

— Унинг рафиқаси.

— Нега унинг ҳам олдига қўйишмаяпти?

— Хоҳламаяпти, дейишди.

— Йўғ-е?

— Унинг олдига кириш мумкин эмас, дейишяпти.

— Ҳаяжонланишдан ўлиб қолиши мумкин экан.

— Жуда бўлмаса, дераза олдига келса бўлармиди!

Қўнғироқ чалинди. Оломон вагоннинг иккала томонига чўпга чирмашгандек ёпишиб олган. Ҳамма кўзининг қири билан бўлса ҳам бир кўришга ошиқади. Ёш-яланглар бир-бирининг кифтига сапчишади.

Қимдир деразалар пардасини аста суриб қўйди, ойна орқасида катта суқратона бош пайдо бўлди. Бу улкан одам, аста эгилиб, халойиққа таъзим қилди. Уткир, митти ва меҳрибон кўзлари билан одамларга тикилиб, илиқ жилмайиб қўйди. Унинг рангсиз юзларига ёпишиб қолган, кечиккан қор сингари қуюқ, оппоқ қошлари пу-

турдан кетган рус кулбасининг нозик айвончасини эслатар эди.

Перронда шовқин-сурон кўтарилди. Халойиқ шод: бамисоли чўлга сув келгандагидек кайфиятда...

— Ура! Ура!

— Толстой... Толстой!

— Лев... Лев...

— Шапкангни еч, тирмизак!

— Таъзим қил! Пайғамбар бу!

— Даҳога шарафлар бўлсин!

— Рус адабиётининг, рус мужигининг отаси бу!

Поезд истар-истамас жойидан қўзғалиб, аста-секин тезлик ола бошлади.

— Соғайиб қайтинг!

— Худо ўз паноҳида асрасин, отахон!

— Яхши бўлиб кетинг, Толстой бува!

Халойиқ маънос эди, чунки Толстой бетоб.

Халойиқ шодланди, чунки у Толстойни кўрди.

— Қаёқдан пайдо бўлди, бу намойиш?— рафиқасидан сўради Толстой поезд Харьковдан чиққанда.

— Ақлим етмай қолди, Лёвушка!— деди Софья Андреевна эрининг орқасига авайлаб турли ёстиқ қўяр экан; кейин у дераза дарпардасини ёпмоқчи бўлиб қўл чўзди.

— Кераги йўқ, ёпма,— тўхтатди хотинини Лев Николаевич,— табиатни томоша қилмоқчиман. Ҳа-а! Қизиқ, менинг бу ердан ўтишимни халойиқ қаердан билди? Қаёқдан эшитди экан.. тавба...— қўшиб қўйди савол назари билан.— Чамаси, бу ҳақда ҳеч ким билмасди, ўзимиз ҳам билмасдик. Яхши бўлди, оддий халқни, мужикларни яна бир бор кўрдим...

Лев Николаевич хурсанд эди.

Купе эшиги олдида сутли шишалар кўтарган бир чимдим мўйловли ўша проводник пайдо бўлди.

— Шошманглар, шошманглар, чамаси мен бу иш-

нинг сири-асрорини фаҳмладим,— деди шу ерда ҳозир бўлган Павел Александрович Буланже.

(Буланже — Москва-Курск темир йўлининг ҳурматга сазовор хизматчиларидан бўлиб, ёзувчининг Қримда дам олиб, даволаниши учун кўп ҳаракат қилганларнинг бири — Лев Николаевичнинг эски таниши эди. Беморни элтиш учун қулай вагон олиб, уни истаган поездга тиркаб, тўхтовсиз Севастополга етказиш, зарур бўлиб қолганда уни поезддан ажратиб, йўлда бемалол дам олдириши мумкин бўлсин учун алоқа йўллари министридан рухсатнома ҳам олган айнан мана шу одам эди.)

— Чамаси фаҳмладим,— деди у яна қайта Софья Андреевнага қараб.— Ясная Полянадан жўнашимиз аниқ ва қатъий бўлгач, эртасига мен йўлда Лев Николаевич овқатдан қийналиб қолмаслиги учун, харьковлик бир таниш муаллимамга, граф Толстой учун охирги вагонга янги соғилган сут юборишини илтимос қилиб хат ёзгандим. Мана сизга натижаси! Ойни этак билан ёпиб бўлмайди! Халойиққа ўша айтган.

— Ҳа-ҳа,— дегандек бўлди ўзича Толстой.

— Лекин яхши ният доим ҳам яхшилиқ келтиравермайди,— дея гапини давом эттирди Буланже.— Осонликча қутулдик. Баттарроқ бўлиши ҳам мумкин эди! Халқ Сизни кўраман деб вагонга кўтарилса, сиз қая-жонланар эдингиз...

...Бир деворига қингир-қийшиқ қилиб: «Парвардигор бандасини ўз паноҳида асрасин», деб ёзилган вагон Севастополга эсон-омон етиб келди.

ҚРИМ. ГАСПРА. ДЕНГИЗ

Графиня Панинанинг Гаспрадаги уйи Ялтадан — россиялик асилзодалар мақтовини келтирган бу жойдан бир неча чақирим нарида эди.

Толстойлар оиласи ихтиёрига олижаноблик билан бериб қўйилган графиня Панинанинг бу уйи, ўрта аср шоҳона қасрини эслатади.

Кримнинг куз тонги ажойиб хусусиятга эга: бир вақтда ҳам тетиклантиради, ҳам эркалайди.

Лев Николаевич уйғонганда немислар ясаган девор соат ҳали олтига занг урмаган эди. Толстой ердан шипгача ойнабанд қилиб ишланган эшик олдига келиб, пардани сурди, ёруғлик ниҳоятда кўплигидан кўзларини қисди, сўнг ичида: «Худо менга яна бир кун умр ато этди»,— деб қувонч билан жилмайиб, эшикни очди ва балконга чиқди.

Товонигача тушиб турган оқ ички кўйлагини кийган Толстой Рублёвдан кейинги рассомлар тасвирлаган Чернигов иконаларидаги Иоанн Крестителни эслатар эди.

Лев Николаевич саройнинг пастки қаватидаги, деразалари ғарб ва жанубга қараган, залга туташ хонага жойлашди: жануб томонда усти ёпиқ айвон бўлиб, у деразага тушадиган қуёш нурини тўсиб турар эди.

Денгиз — унинг қаршисида. Ай-Петри тоғи сеҳрли қояларига Толстойнинг нигоҳи тушиб турибди. Бундан ҳам ажойиб манзарани топиб бўлмайди!

Лев Николаевич хонаки туфлиларини шапиллатиб, «қийшиқ оёқ» столча олдига келиб, энгашиб ундаги атиргулларни ҳидлади...

— Вой!— деди у бирдан,— шудринг... Ҳм-м, бурним шудрингга тегиб кетди.— Толстой кафтининг тескари томони билан шудрингни артиб, кийимини ўзгартиргани кетди.

— Табиат ювинадиган вақт бўлди, деб, ўзи айтиб турипти,— ўзича ғўлдиради у,— денгизга, денгизга... бо-риш керак...

Толстой атрофида парвона бўлишларини ёмон кўрарди, шунинг учун ҳам хизматкорлар ва оила аъзолари ортиқча ғамхўрлик қиламиз деб жонига тегишмасди. Улар деярли Толстойнинг кўзига кўринишмасди, аммо оилаларининг устунни ёш эмас, саксондан ошганлигини,

уни ёлғиз қолдириб бўлмаслигини доим ёдда тутишар, шунинг учун ҳам унинг ўғли Илья Лев Николаевич ҳовлидан юз метрча узоқлашмасиданоқ изидан бора бошлади.

«Қрим, нақадар гўзал! Табиати-чи?— қадимги дунёнинг худди ўзи! Қани энди бунинг бир тасвирласанг... Шошманг-чи, бпзникилар сафар стулчамни олишдимикин? Э-э, дарвоқе, бу ерда тошлар тиқилиб ётипти-ку!»

Лев Николаевич бориб катта тошга ўтирди. У олисдан узоқ яшаган, қадимий, моҳ босган, соқолли катта харсангтошни эслатар эди.

Денгиз... У нафақат романтикларнинг хаёлини ўзига мафтун этади... Айниқса қуруқликдалигингда денгиз сени ҳамаша ўзига чорлайди. Денгиз зўр қудрат эгаси. У ўзининг кўтарилиши ва пасайиши, асовлиги билан одам хаёлини гоҳ орқага — ўтган умрга — «рўёбга ошмаган ўй-фикрлар дунёсига» улоқтирса, гоҳ шовқин билан уни эзгуликка, мавҳумликка, орзу қилинган узоқ бўшлиқларга олиб кетади.

Қўтарилиш... «Болаликнинг қайтиб келмас бахтли ва фарахбахш дамлари! Болалик хотираларини нечук севмай, ардоқламай? Бу хотиралар кўнглимни кўтариб, менга қувват бахш этади, завқ-шавқ манбаи сифатида менга хизмат қилади...»¹

Пасайиш... «Эй, худо ўзинг мадад бер ва мен «Дин ҳақида»ни тугатай... «Ёшликка»... «Ишчи халқига» мурожаатномани ёзишга ниҳоятда киришиш керак... «Солдатлик» ва «Офицерлик эсдаликлари»нинг муқаддасини тузатиш керак».

Қўтарилиш... «О, унутилмас офицерлик йиллари, Севастополь жанги... «Тўртинчи қалъа муҳофазаси»... «Севастополь ҳикоялари». Йўқ, мен ўлимдан қўрқмайман...

Пасайиш... «Лекин яшашга ҳам тайёрман».

¹ Л. Н. Толстойнинг «Болалик» китобидан.

Қ ў т а р и л и ш... «Эскиликни ағдар-тўнтар қилсам».
П а с а й и ш... «Янгиликка берилсам».

Лев Николаевич кафтларини бошига тираб ўтирар, соқолининг кумуш толалари тўғон дарвозаларидан оша ҳайқириб оқаётган қудратли дарё каби бармоқлари орасидан сизиб чиқар эди.

Бирдан у кимнингдир овозини эшитиб кескин ўғирилди.

— Ким у?

АРМЕНАК

— Менга қара, ҳамшаҳар, ўт топилмайдими?— деди шарқликларга хос кийинган кекса бир эркак.

— Йўқ, топилмайди,— совуққина жавоб қилди Лев Николаевич уни кузатар экан.

— Хўп, бизни кечир, жаноб, кечир,— деди нотаниш кетмоқчи бўлиб ўгирилиб.

Оддий одамларни севувчи, уларни ҳурмат қилувчи Лев Николаевич суҳбатдошининг гап оҳангидан унинг ранжиганлигини сизди.

— Шошма, биродар, шошма. Марҳамат қилиб, мен билан бирпас ўтирсанг.

Нотаниш истамайгина яқин келиб, шу атрофдаги қулайроқ бир тошни танлади-да, аста унга ўтирди.

— Касалинг нима?— бетакаллүф сўради у. Лев Николаевич, унинг зийраклигига ҳайрон қолиб, бир оз сукут сақлаб, жавоб қилди:

— Қарилик.

— Ҳа-а. Қарилик яхшилик билан келмайди... Қаерлардан бўласан? Қримлик эмасдирсан?

— Йўқ, қишлоқданман, Ясная Полянадан.

— Ясная Полянадан? Қаерда у?— қизиқсиниб сўради нотаниш ва шимининг чўнтагидан қаҳрабо тасбиҳини олди.

— Тула яқинида. Тулани эшитгандирсан?

— Туланими? Ажойиб қуроллар ясашадиган ерми?

— Яхши самоварлар ҳам ясашади.

— Яхши самоварлар,— суҳбатдошининг охирги сўзларини такрорлади нотаниш ва давом этиб,— Тула ўзи қаерда?

— Москвадан унча узоқ эмас,— жавоб берди Толстой.

— Қўринишдан фарзандларинг баобрў кишилар бўлса керак, қайдан-қайга даволангани юборишипти. Илоҳим яратганнинг ўзи асрасин уларни!

Лев Николаевич жим эди. У суҳбатдошини билдирмай, диққат билан кузатар эди.

Суҳбатдоши паст бўйли, чайир одам. Ажинлари, сочининг оқига қараб, Толстойнинг катта акаси билан тенг дейиш мумкин, лекин енгил ва чаққон юрар эди. Суҳбатлашиб ўтиришган пайтда шамол кўтарилиб, Толстойнинг бошидаги шляпасини учуриб кетганда, у дик этиб сакраб туриб, ғизиллаб шляпани тутиб олиб келиб берди.

— Исминг нима?— сўради Толстой.

— Арменак,— жавоб берди у.

— Арменак,— дея такрорлади бу сафар Толстой,— билишимча, бир неча хорижий тилларда «армен» дегани — армани демак.

— Ҳа, мен — арманман, исмим ҳам арманча.

— Унда «ак» дегани нимани билдиради?— сўради Толстой.

— «Ак»— бу арманча «ғилдирак» дегани.

— Армен — ак, ғилдиракли армани,— деди ўзича Толстой,— саргардон одамнинг исмига ўхшайди.

— Менинг халқимнинг ўзи саргардон,— маънос жавоб берди Арменак,— лекин ўз ихтиёри билан эмас, ёвуз тақдирни деб шундай бўлди. Мана шунинг учун ҳам мен Қримда яшайман. Тақдир ғилдираги мени шу ерларга олиб келган... Ўзим — новвойман.

— Ялталиқмисан?

— Йўқ, симферополликман. Мен шунчаки курорт

мавсумида пул ишлаб кетиш учун бу ерларга келаман... бу ернинг иқлими юмшоқ. Бунинг устига ун ҳам бу ерларда сероб. Бўлмаса-чи... Графлар ва князлар ўзларини хор қилишмайди-да.

Шу сўзни айтиши билан Арменакнинг қўлидаги тасбиҳи тушиб кетди, Толстой уни олиб бермоқчи бўлиб энгашган эди, лекин улгуролмади.

— Арманистонда бўлганмисан, биродар?— сўради Арменак.

— Йўқ, афсуски, бўлмаганман.

— Армани дўстларинг борми?

Толстой бир оз ўйлаб туриб, кейин мужмал жавоб қилди:

— Билмадим, йўқ бўлса керак.

— Унда мени биринчиси деб ҳисоблайвер.

Лев Николаевич таъсирланиб жилмайди-да, унинг тиззасига шапатилаб қўйди.

— Раҳмат, Арменак. Раҳмат.

— Дада,— қичқирди кимдир тошлар орасидан,— уйга борасизми, йўқми? Яна ойим хавотирланиб юрасинлар?

— Йўқ, Ильюшенька. Ҳозирча йўқ. Сен боравер, мен сал туриб бораман,— деди Лев Николаевич ва суҳбатдошининг савол назарини тушуниб, қўшиб қўйди,— менинг «баобрў ўғлим» ана шу. Ғамхўрлик қияпти! Дарвоқе, ахир менинг бир Абамелик деган армани танишим бор-ку. Князь Абамелик-Лазарев. Миллионер. Пермь губерниясида тўртта чўян эритувчи заводи ва бизнинг Тула губерниямызда унча катта бўлмаган имениеси ҳам бор. Лазарев институтининг бош вазийси эди.

— Лазарев институтининг!— қувониб, ҳаяжонланиб такрорлади Арменак.— Нима дединг? Сен Лазарев институтини биласанми? О, азизим, менга бир яхшилик қилсанг.

— Марҳамат, гапир.

— Йўқ, аввал бажараман деб, сўз бер.

— Қўлимдан келса жоним билан бажараман.

— Қўлингдан келади, келади... сенинг болаларинг ўқимишли, ёрдам беришади. Сўз берасанми?

— Сўз бераман.

— Менга қара, мени бир неварам бор, исми Петрос. У ҳозир Москвада. Лазарев институтининг катта тайёрлов синфида ўқийди. Худо хайрингни берсин, унинг олдига бор, кўр, соғ-саломат, эсон-омон юриптими? Ақлли, идрокли бўлиш учун ўқияптими, ёки... Шуларни билиб, менга бир энлик хат юборсанг. У ярамаснинг кетганига бир йил бўлай деб қолди, ҳалигача хабар қилмайди. Бош-кўзи айланиб ўйинқароқ бўлиб қолдими, дейман... Билиб берасан-а?

— Яхши, бориб келарман, ишқилиб эсимдан чиқиб қолмасин-да.— Толстой ёндафтарчаси билан қалам қидириб, камзулининг чўнтагини кавлай бошлади. Тополмагач, қўл силтаб: «Майли, уйга бориб ёзиб қўяман», хаёл қилди ичиди.

— Менинг адресим осонгина,— ўрнидан туриб давом этди Арменак,— Симферополь, новвой Арменакка, десанг, хат етиб келади. Эслаб қоласанми?

— Эслаб қоламан,— деди Толстой тошдан туриб,— юр, қирғоқни бир оз айланамиз.

— Мен сенга ишондим-а! Сен ахир, ҳақиқий христиансан-ку.

Қуёш денгиз уфқидан анча кўтарилиб, қиздира бошлади. Онда-сонда балиқчиларнинг қайиқлари ҳам кўрина бошлади. Сув тиниқлашиб, ювош бўлиб қолди. Тўлқинлар озайиб, сувнинг кўтарилиши ва пасайиши ҳам камайди. Лев Николаевич камзулини ечиб, билагига ташлади ва катта-катта одимлаб, секин юра бошлади.

— Сен динга ишонасанми, Арменак?— сўради Толстой қирғоқ бўйлаб кетишаётганда.

— Нима десам экан сенга? Қулбам иссиқ, қорним тўқ, ўзим хурсанд бўлган чоғларимда яратганга шук-

рона айтиб, ибодат қиламан, кўнглим ғаш бўлганда эса — ҳеч кимга, ҳеч нарсага ишонмайман.

— Бахтга ишонма, бошингга кулфат келганда туш-кунликка тушма,— деди Толстой.

— Менга қара, ҳамшаҳар, кўринишдан ақлли мужикка ўхшайсан, мени бир ўйим бор, шунга жавоб бери... Худо хусусига келганда — у борми, йўқми, билмайман, лекин руҳ хусусига келсак — биласанми, мени назаримда мана бундай: агар бирон мавжудот — нарса қимирламай ётган бўлса — демак, унда на жон, на руҳ бор! Агар қайнаб, вақирлаб, тўлқинланиб, ҳаракатда бўлса — демак унда, қандайдир жон, руҳ бўлса керак, а?

— Нимани назарда тутяпсан?— гапини бўлиб сўради Толстой.

— Айтайлик, шамолни! Ахир у ҳаракат қилади, увиллайди, шўхлик қилади, аччиғланади. Еки чақмоқни ол! Чарақлайди, гумбурлаб портлайди, у ҳам худди жони бордек! Е бўлмаса денгизни ол! Мана, у ҳозир сокин турипти, агарда тубидан қўзғалса борми — юзасида ҳеч нарса: на одам, на қайиқ тек қололмайди... Сен нима деб ўйлайсан, шуларда жон, руҳ борми, а?

— Яхши гапиряпсан, Арменак!

— Э, қаёқда! Сени тилинг кўпдан мени она тилим бўлиб қолган. Мен ўз тилим, арман тилида унча яхши гаплаша олмайман.

Лев Николаевич тўхтаб, шляпасини ечди-да, ўзининг бақувват қўлини унга узатди.

— Хўп, омон бўл, Арменак. Хайр. Илтимосингни бажаришга ҳаракат қиламан. Сўз бераман... Хайр!

— Шошма, фамилиянгни айтмадинг-ку, биродар.

— Мени фамилиям Толстой,— деди Лев Николаевич.

— Толстой... Толстой... Семиз дегани... Йўқ, эсимдан чиқармайман сени исмингни, азизим. Ўзинг у қадар се-

миз бўлмасанг ҳам, аммо дилинг яхшиликка тўла одам-га ўхшайсан... Яратган кифтингни бақувват қилсин! Хўп, хайр!

ЯСНАЯ ПОЛЯНА. ХАТ

Бунда рус халқининг руҳи бор,
Бунда руснинг ҳид, таровати!

А. С. Пушкин

Ясная Поляна...— Россиянинг улкан ва улуғворлигини, туганмас бойликлари ва сер бўёқ табиати оламидаги ранг-барангликни, ўрмон ичкарисига олиб боровчи эгри-бугри, гоҳо тўппа-тўғри — сеҳрли сўқмоқлари ва кескин бурилишли йўлларининг, бари-бари белоён рус табиатининг миниатюрада ёки кичик бир оролчада акс этган бўлакчасидир

Ясная Поляна имениесида яшовчи аҳолинп шартли равишда уч категорияга бўлса бўларди: хўжайинлар, хизматкорлар ва меҳмонлар. Ана шу митти автоном «давлат» бошлиғи — граф Л. Н. Толстойнинг олижаноб характери ва хушфеъли туфайли бу ердаги барча кишиларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари ростгўйлик, софдиллик, кексаликни улуғлаш ва ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш ақидаси асосида тузилган эди.

Сал жаҳлдор, аммо ниҳоятда меҳнаткаш графиня Софья Андреевна Толстая яъни «давлат» бошлиғининг рафиқаси оиланинг ва келди-кетди — меҳмонларнинг кун тартибини, графнинг дам олиш соатлари ва бўш вақтларини қандай ўтказишини куйди-пишти бўлиб, лекин хушмуомалалик ила мунтазам кузатиб борар эди.

...Лев Николаевич нонуштадан аввал сайр қилишни яхши кўрар эди. Мана, ҳозир ҳам, ўрнидан турди-ю, шу ондаёқ сайрга тайёрлана бошлади. Столда шам қолдиғини кўриб, уни ташлаб юбормай, шамдонни яхшилаб тозалади-да, унга тнқиб қўйди. Умуман шунини айтиш

керакки, Толстой тежамкор эди: кўйлакни тўзигунча киярди, шамни эса, тугагунча ёқар эди. У «графларга хос» бўлмаган темир каравотидаги ўрнини ўзи тузатиб, эшик олдида чиқди.

— Ассалому алайкум, Лев Николаевич.

— Салом, салом, хайрли тонг, Александр Петрович. Яхши ётиб турдингизми?— сўради Толстой эски дўсти ва кўп йиллардан бери асарларини оққа кўчириб юрадиган хаттоти Александр Петрович Ивановдан.

— Миннатдорман, Лев Николаевич, лекин кеча «Хожимуродингиз» устида кўпроқ ўтириб қолибман.

— Мен учун бирон-бир янгилик борми?— сўради Толстой маҳаллий деҳқонлар кўпинча илтимос ва арзномаларини ёзиб ташлайдиган «Қамбағаллар дарахти»даги қутини очаётиб.

— Ҳа, баъзи бир нарсалар бор. Кейин ҳужжатларни ҳам...

— Агар мен билан «Нордон қудуқ»қача боришни лозим топсангиз,— деди граф унинг гапини бўлиб,— унда гапларингизни йўлда айтиб берамиз.

— Ижозат этсангиз,— деди Иванов,— бажонидил бораман.

Улар бирга кетишди.

Ясная Полянанинг «Нордон қудуқ»дан унча узоқ бўлмаган ерида, Қизил номли сал торроқ кўчасида кенг бир кўлмак сув бор эди. Одатда буни ҳамма айланиб ўтар; Александр Петрович ҳам ҳозир айланиб ўтди. Лев Николаевич эса, ёнидаги йўлдошидан ўн ёшча катта бўлишига қарамай, енгилгина бир югурди-да, ундан сакраб ўтди ва мамнун ҳолда, чуқур нафас олиб, жилмайиб қўйди.

— Қани, энди марҳамат қилиб, гапираверинг,— деди Толстой.

— Балки бирон ерга ўтирармиз?— таклиф қилди Иванов.

— Йўқ, юриб гапираверинг,— деди қатъий Толс-

той,— айтгандай, майли ишни қўя турайлик, Александр Петрович, хоҳлайсизми, мен сизга бир фокус — найранг кўрсатаман?

— Найранг?— кулиб юборди Иванов,— наҳот бу ишда ҳам афсунгар бўлсангиз? Майли, марҳамат, Лев Николаевич, хоҳлайман.

Шундан сўнг Лев Николаевич йўлдан арпапояга бурилиб, у ердан гуллаётган битта арпа бошоғини узди ва унинг барча чангларини силкиб тўкиб:

— Бунинг яна гуллашини хоҳлайсизми?— деб сўради.

Гапига жавоб кутмай, Лев Николаевич бошоқ поясининг пастки қисмини муштида қаттиқ қисиб, яна қайтиб йўлга чиқди.

— Қани, бошланг,— деди граф.

— Ахир фокус кўрсатмоқчи эдингиз-ку,— эътироз билдирмоқчи бўлди Иванов, лекин Толстой:

— Сиз ишлар ҳақида гапириб беринг; кейин мен сизга фокус кўрсатаман,— деб давом этди.

— Демак, бундай,— Иванов портфелни очиб, бир неча конверт олди,— мана бу мактубга кўра бадий-адабий тўгаракка, хусусан ҳайкалтарош Андреев ҳузурига расмингизни чизишлари учун боришингиз керак экан.

— Биладан, биладан... Рад этаман... Яна қандай мактуб бор?

— Яна,— пенснесини тўғрилаб давом этди Иванов,— шимолий-Кавказ духоборларидан¹ мактуб бор. Ердам сўрашган...

— О, бу жуда муҳим,— деди Толстой,— бу билан уйда ўзим шуғулланаман. Энди — фокусга ўтамиз.

Лев Николаевич арпапоясини қисиб келаётганида беш-етти минут ўтгач, муштини очиб кўрсатди: бошоқ-

¹ Диний секта бўлиб, православ церковининг урф-одат, ақидапарастлигини тан олмайди. У XVIII асрнинг иккинчи ярмида Россиянинг жанубида пайдо бўлган. (тарж.).

даги ҳар бир донда кўзга кўринмас, сирли куч туртиб чиқариши оқибатида сариқ чанглар пайдо бўла бошлайди ва улар тобора кўпайиб, ниҳоят ингичка муртчаларда осилиб қолади.

— Мана бу мўъжиза,— деди ҳаяжон билан бошқа конвертни олаётиб Александр Петрович.

Бу ҳол арпапоясининг пастки қисми қизиши ва танадаги сувнинг бошоққа томон тез югуришидан юз бердими ё бошқа бирон сабабданми, ҳар қалай Лев Николаевич бунинг сирини суҳбатдошига айтмади. У ўз-ўзидан мағрурланиб, қош ва соқолларини силаб:

— Марҳамат, давом этинг,— деди.

— Мана бу хат жуда аломат экан,— гап бошлади Александр Петрович,— қандай ёзилган бўлса шундай ўқийман: «Москвадан узоқ бўлмаган, Тула яқинидаги, Ясное Поле қишлоғига»— буёғини қандай ўқишга ҳайронман: ё «Толстий одамга», ё «Толстой — одамга?».

— Бунинг аҳамияти йўқ!— деди жиддий тарзда Толстой— кимдан экан?

— «Қрим, Симферополь. Новвой Арменак».

— Арменак, Арменак—«ғилдиракли армани»,— ҳаяжонланиб кетди Толстой,— вой омон бўлгурлар-ей! Бутунлай ёдимдан кўтарилипти-ю... Ахир у Лазерев институтига боришимни илтимос қилган эди-ку. Мен унга ваъда берган эдим-ку. Александр Петрович, биз Гаспрадан келганимизга қанча бўлди?

— Ҳадемай бир йил бўлади!

— Арменак, новвой,— кўз олдига келтира бошлади Лев Николаевич: «миқтидан келган, пешонасида гармон тарамидек тўла ажин, чаққон, доим тасбиҳ олиб юрадиган, унча ўқимншли бўлмаса ҳам, аммо ақлли, кўнгли очиқ одам».— Кетдик, кетдик, Александр Петрович, кетдик уйга, айт, бугуноқ фойтунни ҳозирлашсин. Ҳозироқ жўнайман! Жўнайман! Ахир мен унга сўз берганман!

«Мужикона соқолли... одмигина либоси ва бутун ташқи қиёфаси, яъни демократизмбоп қиёфа кўпчиликнинг фикрини чалғитиб қўяди, бинобарин, одамни «кийимига қараб» иззатлашга (қадимдан расм бўлган хушомадгўйлик) одатланган россияликларнинг дабдурустан чучмал «самимият» атрини пуркай бошлашларини эндиликда тез-тез шоҳиди бўлиш мумкин эдики, бу «самимият»ни бетакаллуфлик деса, аниқроқ бўлур эди».

М. ГОРЬКИЙ

Очиқ арава тош йўлдан шарақлаб, қирсиллаб ва инқиллаб, биринчи рус матбаачиси Иван Фёдоров ҳайкали ёнидан аста кўтарила бошлади. У ўнгга, тор Арман кўчасига бурилиб, икки қаватли ҳашаматли бино олдида тўхтади. Уйнинг олд томонида эскирган бир ёзувли тахтача бўлиб, князь Вяземскийнинг ана шу уйига Александр Сергеевич Пушкиннинг тез-тез келиб турганлиги баён қилинган эди.

Отда елиб сайҳонликда
Вуйин синдирсак розмиз.
Ҳазар қилиб танбаллиқдан
Деймиз, ҳайда... бетамиз.¹

Арава жойидан қўзғалди.

— Тўхта,— қичқирди Лев Николаевич аравакашга,— «ҳайда», деб сенга айтганим йўқ, Пушкинни эслаб шу сўзни айтдим... Уёғига пиёда бораман. Аравани кўрмай қўя қолишсин.

Лазаревнинг шарқ тиллар институти 1815 йили Москвалик бой арманлар оиласи — Лазаревлар томонидан ташкил қилинган эди. Москвада чиқадиган арманча

¹ А. С. Пушкиндан.

«Юсисапайль» («Шимол шуъласи») журналининг ношири Степан Назарянц, атоқли шоир ва публицист Микаэл Налбандян, таниқли шоир ва жамоат арбоби Степан Шахазиз каби арман маданиятининг арбоблари шу институтда ўқишган. Тургенев, Герцен... ва бошқа яна кўпгина арман бўлмаган машҳур зиёлилар ҳам шу дорилфунунда таълим олишган.

Симферополлик арман — новвой Арменакнинг Петрос исмли невараси ҳам шу ерда ўқияпти.

...Лев Николаевич пиллапоярлардан кўтарилиб, кўча эшик олдига келди. Ичкарига кирмоқчи бўлиб, эшикни очган эди ҳамки, худди осмондан тушгандек, қаршисида аллақандай Микула Селянинович деган бир бақув-фат швейцар пайдо бўлди.

— Қаёққа, қаёққа тиқиласан, мужик?— деб келган одамни итариб, чиқариб юборди-да, эшикни ёпиб қўйди.

Лев Николаевич қаддини ростлаб, эшикни тиқиллатди.

— Ҳой, барака топгур, жаҳлинг чиқмасин,— деди Толстой,— аччиғланма! Аввал гапимни эшит: менга тайёрлов синфида ўқийдиган бир йигитчани чақариб берсанг, илтимос қиламан.

— Қанақа йигитча керак сенга!? Бир газ келадиган соқолингни айтмаса, мияси йўқ боланинг нақ ўзисан. Қаранг-а, бу кишига йигитча керак эмиш! Яна дарс бораётган пайтда-я. Тавба. Йўқол, бу ердан! Якшанба куни келасан.

Шу сўзларни айтиб, эшикни ёпиб олди. Лекин Толстой бўш келмасди:

— Якшанбагача бу ерда, Москвада қололмайман, уни кўриб изимга қайтиб кетишим керак, илтимос, барака топгур, тайёрлов синфидаги Петрос деган болакай. ни чақариб берсанг. Агар чақиришнинг иложи бўлмаса — бошлиғингдан сўраб бер.

Шундан сўнг қизил қирра бурун, бакенбардли швейцар юмшагандек бўлди, афтидан, чолга раҳми кел-

ди шекилли, институтнинг залвар эшигини юзига ёпиб, шу купи катта тарбиячи ўрнида қолган Флинк олдиға, юқорига югуриб кетди.

Лекин Флинкнинг аччиғи қистаб:

— Топган вақтини-чи, машғулот пайтида болани қидириб келадими. Бор, Михайло, ҳайда, қувиб сол уни бу ердан,— деди.

Михайло қайтиб келганида, Толстой ичкарига кириб олган эди.

— Жўна бу ердан, мумкин эмас дейишдими, демак, мумкин эмас. Сени бу ердан қувиб чиқаришни буюришди. Мана шундай, шундай.

Михайло Толстойни итариб эшикдан чиқара бошлади.

— Қани, жўна бу ердан, якшанба куни келасан.

— Кириб бошлиғингга айт, якшанба куни келолмайман.

Ғазабланган Михайло бу сафар Толстойни ростакамига «пиллапоядан улоқтирмоқчи» бўлиб унинг қўйлагидан тутган эди, лекин Лев Николаевич унинг қўлини кескин итариб ташлаб, Михайлога ништардек назар ташлади ва буйруқ оҳангида деди:

— Бор, кириб айт, граф Лев Николаевич Толстой келди дегин!

...Шу пайт ақлга тўғри келмайдиган ҳодиса юз берди. Худди ер ости портлаши рўй бергандек, Михайло жойидан ирғиб, орқага отилди...

ҚУЕШДАН ҚОЧГАН — ЗИЁ КЎРМАЙДИ

Институт коридорлари ҳаяжонланган студентлар, муаллимлар, профессорлар билан тўлиб кетган эди. Ҳамма инспектор кабинети томонга интиларди.

— Четроқ туринглар, ўтиб кетай...

— Тинчликми?

— Институтимизга Толстой келипти.

— Бўлиши мумкин эмас!

— Аллақандай мужик-ку, кўрмайпсанми?
— Жим бўл, сўқир... Олтин балчиқда ҳам олтинлиги-ча қолади!

...Қора чарм қопланган, кенг креслода ўтирган Толстой, бундай ўриндиққа одатланмаганлигидан ўзини ноқулай сезиб, ҳадеб қимирлайверарди.

Қўлларини креслонинг тирсак суянчиқларига қўйди. Нақадар қудратли, катта ва уддабуррон қўллар эди бу! Билаклар бичими кенг, тирноқлари текис олинган бармоқлар, бақувват, кафтлари қадоқли қўллар эди.

Институт бошлиқлари Гольцев, Жаншиян, Канаян, хижолат тортган Флинк, шунингдек Михайло ва хилма-хил, лекин барабар ҳаяжонланган студентлар шу ерда, унинг ёнгинасида жойлашишди.

Ёзувчини саволлар билан кўмиб ташлашди:

— Саломатлигингиз қаидай, Лев Николаевич?

— Парвардигор инояти ила тирикман, умримни яшаб бораёпман.

— Илгари бизнинг институтимизда бўлганмидингиз?

— Йўқ, бўлмаганман. Бугун биринчи марта келишим.

— Жаноб Толстой, бизнинг — Лазарев институтимиз уставининг муаллифи экансиз, шу ростми?

— Ярим рост, нимага деганда уставни тузишда мен билан бирга маориф министри — граф Делянов ҳам қатнашган. Айтгандек, у армани эди.

Студентлар бирмунча жонланишди.

— Лев Николаевич, сиз арманчани биласизми?

— Фақат битта сўз «ак»ни биламан.

— О, «думалоқ»... «ғилдирак» деди оппоқинадан келган, жингалак соч ёшгина бир студент.

— Лекин бу шева сўзи, — деди гапга аралашиб Канаян деган педагог, — адабий тилда эса, ғилдиракни — «анив» дейишади.

— Анив, — такрорлади Толстой, — нива, ива... оҳангдор экан.

— Лев Николаевич, айтишларича, сиз дунёдаги барча тилларни билар экансиз?— сўради бошқа бир студент.

— Ҳайронман, нима учундир шундай дейишади. Мен кўпчилик одамлар билан уларнинг тилларида гаплашолмайман, ахир. Аммо тўғри, уларга нима керак, нимани орзу қилаётганликларини баъзида шундай чеҳраларидан тушунаман.

Тўғри, студентларнинг ҳаммаси ҳам Лев Толстойнинг рус, украин, церков-славян тиллари ва Европанинг уч асосий тилини билишидан ташқари поляк, чех, серб тилларида ўқий олишини билишмасди. Юнон ва латин тилларини ҳам яхшигина эгаллаганди. Бир вақтлар таттар ва қадимги яҳудийлар тилини яхши билган, кейинчалик бу тиллардан фойдаланишга эҳтиёж қолмагач, улар аста-секин ёддан кўтарила борди.

— Анна Каренина ҳақиқатан ҳам бўлганми?

— Бўлган... аммо унинг исми бошқача эди.

— «Туркиядаги жабр кўрган арманларга биродарлик ёрдами» тўпламининг нашр этилишига кўмаклашмаганлигингиз ростми?

— Йўқ, бу рост эмас... бундан бир неча йил аввал жаноб Жаншиев менга мурожаат этиб, ана шу тўпламга асарларимдан бирини киритишимни илтимос қилди, тўпламдан тушган пуллар, адашмасам, «сасун хунрезлигидан» жабр кўрганлар фойдасига берилиши керак эди!

— Ҳа, гап айнан 1894 йилги ана шу хунрезлик устида борар эди,— деди тасдиқлаб, шу ерда турган машҳур публицист, адвокат ва тарихчи Жаншиян, лекин Толстой уни танимади.

— Мен бу хайрли ишни чин кўнгилдан табриклайдим, лекин касаллигим ва яна маълум бошқа сабаблар, тўплам учун бермоқчи бўлган асаримни тугатишимга халал берди, бунинг учун минг бор афсусдаман.

Лев Николаевич суҳбат тугаганлигини билдириш

учун ўрнидан турмоқчи бўлган эди, лекин уни янги савол билан яна жойига «ўтқизиб» қўйишди:

— Жаноб Толстой,— графга мурожаат қилди Флинк,— университетда ўқиб юрган чоғларингиз ҳақида студентларга ҳикоя қилиб беролмайсизми, бўлмаса бу ерда университетни тугатмай ўқишни ташлаб кетгансиз, деган ҳар хил миш-мишлар юрипти.

Лев Николаевич аста бошини эгиб, ризолик аломатини билдирди, сўнг катта дастрўмолини олиб, кўзларини артди ва секин томоқ қириб, гап бошлади:

— Ҳа, мен университетни ташлаб кетдим, аммо, сабабсиз эмас. Қозондаги профессорларимиз ўқийдиган ўша лекциялар мени асло қизиқтирмас эди. Мен шарқ тилларини ўрганиш учун бир йилга яқин вақтимни сарф қилдим, аммо салмоқли натижага эришолмадим.

Толстойнинг юзи, ҳаракатлари суҳбат давомида доим хотиржам тинч эди. Баъзан айтилган сўзни таъкидлаш керак бўлганда ҳам, овозини баланд чиқармасди.

— ...Иккинчи ва учинчи йили ҳуқуқшунослик билан шуғулландим,— суҳбатни давом эттирди Лев Николаевич.— Юридик факультетнинг барча профессорлари ичида мени ўзига жалб этгани Мейер бўлди. Биз у билан яқиндан тил топишдик. У менга Монтескьенинг «Қонунлар Руҳи»ни Екатерина Иккинчининг «Насиҳат» китоби билан солиштириб чиқишни топширди ва мен бу таҳлилга шунчалик берилиб кетганлигимдан, қолган барча ишларга қўл урмай қўйдим. Алқисса, имтиҳонларга тайёрланишга ҳафсала ҳам қолмади. Қозондаги акаларим ҳам шу вақтда бу ердан жўнай бошлашди, мен эсам, ўзимни ёлғиз ҳис қила бошладим. Кунлардан бир кун лаш-лушларимни чамадонга жойладиму Она-юртим Ясная Поляна томон кетдим. Ушандан бери эллик йилча ўтган бўлса ҳамки... мана ҳозир ҳам, Ясная Полянага равона бўлгим келяпти.

Студентлар берилиб тинглашди. Ҳатто ҳеч ким қи-

мир этмади. Толстой сўзини тугатганда, фақат профессорлардан бири ундан сўради:

— Лев Николаевич, бизнинг студентларга қандай тилакларингиз бор?

— Хўш, нима десам экан? Сизларнинг Лазарев институтининг вазифаси ниҳоятда олижаноб. Арман-студентларнинг вазифалари ўзларининг ўттиз асрлик тарихига эга бўлган, ўзига хос маданиятларининг энг яхши томонларини рус ва умуман Европа маданиятига қўшишдан иборат бўлмай, балки ёш европа халқлари эришган янги, прогрессив маданият намуналарини ўз маданиятларига олиб киришлари ҳам керак... Эшитишимча, баъзи бир студентлар кўпинча дарслардан қочиб, Даев тор кўчасига боришар эмиш. Йўқ, биродарлар, бунақада узоққа боролмайсизлар. Институт — сизларнинг қуёшингиз, иситар экан, исининглар, сўнг — саводсизликдан совуқ қотган, лекин зиё сари интилаётганларни ўзларингиз эгаллаган зиё ҳарорати билан иситасизлар.

— Раҳмат. Оқилона маслаҳатларингиздан миннатдормиз, Лев Николаевич,— ҳар томондан студентлар, профессорлар миннатдорчилик билдира бошлашди.

— Энди,— деди Толстой,— бу ерга катта тайёрлов синфидаги Петрос деган ўқувчини чақириб бериб, иккимизни холи қолдиришларингизни сизлардан илтимос қиламан.

Петрос коридорда, эшик ортида турарди: студентлар ҳузурига ким меҳмон бўлиб келганлигини билар, лекин буюк ёзувчининг фақат уни деб, Петросни деб, атайлаб, бу ерга келганлигини ҳеч ўйламаган эди.

Граф билан Петрос ёлғиз қолиб суҳбатлашишди. Фақат кабинетни зўр бериб қўриқлаётган швейцар Михайлогина графнинг болага пул бериб:

— Бунга янги кўйлак билан, эски китоблар оласан,— деган сўзларини кейин айтиб бериши мумкин эди.

«ҚРИМ... СИМФЕРОПОЛЬ... АРМЕНАККА»

Лев Николаевич кечки овқатдан сўнг кабинетига кириб, стол устидаги «Ҳожимурод» қўлёзмасини олиб қўйди ва китоб жавонидан «Арман» беллетристлари» томинини олди. Столи ёнига ўтириб ана шу китобнинг тузувчилари: Ю. Веселовский ва М. Берберян билан бўлган суҳбатни эслади: «Тўғри, ана шу қисқа маълумотлар, шунга қарамай баъзи бир қисмлари лаззатли ва қизиқарли бўлса ҳам, арман адабиёти ҳақида тўла таассурот бермайди, албатта». Раффининг рус тилида чиққан китоблари орасида бирон-бир моҳиятлиги бормикан ўзи? Толстой шу хаёллар билан китобни четга қўйиб, чизик тортилган бир варақ оқ қоғозни олдига суриб, ёза бошлади:

«Муҳтарам Арменаки!

Мен, ниҳоят, Лазарев институтида бўлдим. Келишган, уятчан неваранг Петросни кўрдим. Дуруст бола экан. Менимча, ундан яхши одам чиқади. Неварангдан хавотир олма. Сўзимнинг устидан дарров чиқмаганим учун мени койима.

ЛЕВ ТОЛСТОЙ.

Ясная Поляна

28 сентябрь...»

Шу ерга келганда Толстой ёзишдан тўхтаб: «Ингирма саккиз», деди овоз чиқариб. У қовоқларини осиб, бамисоли тумандек парда тортган даврлар орасидан, ана шу рақам билан боғлиқ ўтмиш воқеаларни бир бошдан эслай бошлади.

«Ингирма саккиз»— бу унинг сеvimли рақами эди. 28-йил, 28 август кунни туғилди; унинг биринчи китоби «Болалик ва ўсмирлик» 28-да чоп этилди, 28-да тўнғич ўғли туғилди, ўғилларидан бирининг биринчи тўйи ҳам

28-да бўлган эди, ва ниҳоят, мана, бугун 28 сентябрь куни сўзининг устидан чиққанлигини билдириб хат ёзаяпти.

«Сўзнинг устидан чиқиш наҳот катта воқеа бўлса?»— сўради у ўзидан. «Ҳа, жуда катта воқеа!»— дея ўз-ўзига жавоб берди. Сўнгра тўғри бурчакли конверт олиб, унга хатни солди ва катта ҳарфлар билан чиройли қилиб ёзиб қўйди:

«Қрим,

Симферополь.

Новвой Арменакка».

...Ҳа, дарвоқе, Лев Николаевич Толстой 1910 йилнинг совуқ октябрь кунларидан бирида ҳеч қачон бошқа қайтиб келмаслик учун Ясная Полянадан чиқиб кетди.

Бу воқеа ҳам ойнинг 28-куни бўлган эди.

Ереван, 1971.

МАСХАРАБОЗ УННАНИНГ ҚУҒИРЧОҒИ ЕКИ ҚУВНОҚ ОДАМ ҲАҚИДА ҚАЙҒУЛИ ВОҚЕА

Леонид Енгибаров хотирасига

Кириш

Мен кўп баджаҳл аҳмоқ,
Белгим — бошдаги телпак.
Лек сахийнинг аҳмоқлиги
Телпаксиз маълум бешак.

В. Шекспир. «Қирол Лир».

Қўғирчоқнинг туғилган куни, одатда, унга эга бўлган кундан бошланади. Қўғирчоқ эгаси уни бировга совға қилса ёки ташлаб юборса, қўғирчоқнинг сўнгги куни яъни узлатга кетганидир.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, тўғри, бу камдан-кам учрайдиган хол, қўғирчоқ эгасидан ҳам узоқ яшай-

ди, яъни баъзи қўғирчоқ маълум маънода эгасининг ҳаётини давом эттиради дейиш тўғри бўлса керак.

Яқинда газета варақлай туриб, болаликдаги дўстимнинг бевақт вафот этгани ҳақидаги таъзияга кўзим тушиб қолди. Бу нохуш хабар мени беҳад хафа қилди. Шунда унинг қўғирчоғи «туғилган кунда» бўлганлигим беихтиёр эсимга тушди. Тенгдошимнинг ўшанда: «Қўғирчоқни умримнинг охиригача асрайман»,— деб қасам-ёд қилгани ҳам хотиримга келди.

Мана, ўша кун ҳам етиб келди.

Қўғирчоққа нима бўлганини билиш, агар мумкин бўлса уни ўзимга эсдаликка олиш учун дўстимнинг уйига йўл олдим. На илож, болаликдан қанчалик узоқлашмайлик, уни шунчалик тез-тез хотирлар эканмиз. Болалик хотиротимиздан жой олган, ҳаёт мушкулотларини бошидан кечириб, вақтнинг барча тўсиқларидан ўтган, унинг нималигидан қатъи назар — хоҳ одам, уй, китоб ёки қўғирчоқ бўлсин, яна бир бор у билан кўришсак, биз учун бениҳоят қадрдон эканлиги маълум бўлади.

...Дўстимнинг онасини охирги марта кўрганимда, у менинг бугунги ёшимда эди, мени илиқ, лекин камгап ҳолда кутиб олди. Таъзия билдириб бўлиб, келишимнинг бошқа боисини ҳам айтдим.

— Йўқ, азизим, унинг қўғирчоғини кўрмадим. Кейини қўғирчоқ тўғрисида ўйлаш пайти ҳам эмас эди... Хоҳласангиз, хонасини қараб кўринг, балки, бирон нарсасини топарсиз,— деди маъсума она.

Қутиларнинг биридан қўғирчоқнинг қалпоғини топдим. Тасаввур қилипсизми, масхаранинг қалпоғини?! (Унинг қўғирчоғи масхаралар кийимидалигини айтишни унутибман.)

— Бир минутга шошманг,— мени тўхтатди унинг онаси эшик олдида.

У бошқа хонага кириб, қўлига бир неча қутича магнитофон ленталарини кўтариб чиқди.

— Вақтингиз бўлганда буларни эшитиб кўринг, эҳ-

тимол қўғирчоқ тўғрисида ҳам бирон ерида гап кетар...

Лекин аввал, ҳаммаси нимадан бошланганини гапириб бераман.

НИМАДАН БОШЛАНГАН ЭДИ

Биз тенгдош эдик.

Биз бир шаҳарда, Москвада яшасак ҳам, лекин бир-биримиздан жуда олисда турардик, борди-ю, биттамыз иккинчимизникига бориб қолсак, албатта ўша ерда тунаб қолишимизга тўғри келарди.

...Қирқ иккинчи йилнинг совуқ ноябрь кечаси. Хона ўртасида кўмир ёқадиған печка турарди. Деразалар устидан бут шаклида бинтлар ёпиштириб ташлашган, у худди улкан шахмат тахтасига ўхшар, лекин унда ўйнашга ҳеч ким фурсат тополмагандек эди. Ташқарида қор қаттиқ ёғарди. Одамлар иссиқ кийинишиб, деярли гаплашмасдан кетишмоқда. Осмонда эса, худди музлаб қолган сарделкага ўхшаш катта, йўғон шарлар турар, уларни катталар аэростатми, стратостатми, нимадир деб аташарди.

Унанинг туғилган кунини нишонламоқда эдик. Оппоқ дастурхон ёзиғлиқ стол атрофида биз ҳаммамиз, айтишларича, ҳали урушнинг гумбур-гумбури бориб етмаган олис ердан келадиган асосий меҳмон — Унанинг акасини кутмоқда эдик. Лекин нимагадир у хонага чамадонсиз, саватсиз, қўли қуруқ ҳолда кириб келди.

У пальтосининг ички чўнтагидан қайишқоқ бошчали унча катта бўлмаган бир қўғирчоқни олди ва Унани ёнига қақириб, уни қучиб, ўпиб, бундай деди:

— Туғилган кунинг билан табриклайман, қадрли укажоним! Сенга мана шу қувноқ масхарабозни совға қиламан, худо кўрсатмасин, бошингга бирон мушкулот тушиб, ғамнок бўлганингда, у сенга ҳамиша ёрдамга келсин.

Дастурхон атрофида тўс-тўполон бошланди: ҳамма

масхарабозга қўлини теккизиб, аллақандай сўзлар билан эркалашар, кулишар, ёнларидаги дўстлари билан кувнашар эди.

Қўғирчоққа қизиқиб кетиб Унаннинг акаси ширинликлар олиб келмаганлигини ҳам пайқамабмиз, ахир ширинликсиз, байрам ўтмасди-да.

Дастурхонда Унаннинг ойиси пиширган еттита ингичка, турли рангдаги шамчалар қадаб қўйилган ягона тансиқ нарса — торт турар, хона қоронгироқ бўлганлиги учун Унан шамларни ўчирмасди.

Эрта билан уйғониб қарасак, дастурхонда на торт, на унинг қутиси қолганди.

— Булар ҳаммаси қани?— сўрадим Унандан.

У мени қўлимдан ушлаб, ўз хонасига судраб кириб кетди. Биз унинг каравоти тагига жойлашиб олдик.

— Кўрдингми?— деди у мағрурона кечаги торт қутисида ётган газмолдан тикилган масхарабозни кўрсатиб, у менинг ҳақиқий дўстим бўлади...— дея кулиб қўшиб қўйди.

Хотирласам, бу қўғирчоқ эғнида қишлик пальто каби учта тугмали, оқ-қизил камзул — бирёқ почаси — қизил, бирёғи — оқ кенг чолвор, бошида икки хил рангли чўққи қалпоқ ва сурат қилиб чизилган катта-катта тишлари кўриниб турган огзи ланг очик эди.

Эсимда, биз унга қандай ном қўйишимизни билмай, роса бошимиз қотган эди. Унан бир исмни айтса, мен — бошқасини айтардим. Кейин санаш ўйнайдиган бўлдик — ким биринчи чиқса ўша от қўядиган бўлди қўғирчоққа. Санашни ҳам бошладик:

«Эне-бене-кес,

Интер-квинтер жез.

Эне-бене-тақа,

Интер-квинтер-бақа... сакради, югурди, чопди бақа, ботқоққа тушишга сал қолди бақа...» ва ҳ. к.

Мен биринчи чиқдим.

Мен от топдим — Унанга ёқмади, Унан топганди —

менга ёқмади. Кейин иккаламиз ҳам қўғирчоқни санашдаги биз тушунмаган — Эне-бене сўзи билан аташга келишиб олдик.

...Биз улғая борганимиз сари кам кўришадиган бўлдик, аммо ҳар сафар кўришганимизда мен албатта Эне-бене тўғрисида сўрардим.

Кейинчалик, Унан машҳур артист бўлгач, пантомималаридан бирида соқов дўстини ўйнади ва бу номерни — «Эне-Бене» — деб атади.

Аммо артистнинг ўз номеридан кўнгли тўлмади.

...Унаннынг ойиси менга берган, мана бу магнитофон ёзувларига қараб: плёнкаларнинг қайси бирида эне-бене ҳақида гапирилган экан, иккаламиз учун азиз бўлиб қолган бу қўғирчоқнинг кейинги тақдири ҳақида қаёқдан билсам экан, деб ўйлаб ўтирибман.

Хуллас, магнитофонни — овозли кундаликни қўяман.

Менинг қўлимда ҳаммаси бўлиб Унаннынг ўн беш йиллик ҳаётини ўз ичига олган бешта магнитофон лентаси сақланмоқда. Унинг кундалигидан баъзи жойларини тушириб қолдирганим учун ўқувчидан уэр сўрайман. Мени ҳозир кўпроқ эне-бене ҳақидаги маълумот қизиқтиради.

Лекин, мен бу плёнкаларни эшитар эканман, ҳали уларнинг мазмунидан беҳабарлигим туфайли ҳар бир плёнкани ҳафтанинг бир куни билан аташга қарор қилдим.

Д у ш а н б а

Менинг цирким — менинг уйим, менинг кватирам. Цирк майдонидан бутун мамлакатни кўраман... Масхарабоз Виталий Лазаренконинг репертуаридан.

«Бир... икки... уч... Бошлаш мумкин... Бугун мен кундалигимни бошлайман. Ўз соҳасида билимдон бир

академик XX асрнинг фанда қўлга киритган олижаноб ютуқларидан бири — овоз ёзиш, магнитофон ихтироси — деган экан.

Дарҳақиқат, магнитофон одам фикри, лексиконини ўз ичига сингдирибгина қолмай, балки минг йилдан кейин бўлса ҳам, унинг жонли овозини, овоз оҳангини қайта эшиттириш қобилиятига эга.

Дарвоқе, бошланиши ҳақида. Умрнинг, касбнинг бошланиши ҳақида. Умр охирининг бошланиши ҳақида... Э, худо! Ўйлайманки, унга ҳали анча бордир!

Шундай қилиб, эртага менинг биринчи чиқишим. Биринчи.

Диаметри ўн уч метрлик, қипиқ тўшалган цирк манежига — майдонига чиқаман... Қани, марҳамат қилиб ҳаётингизни бошланг! Сизга минг жуфт кўз тикилиб турипти. (Қулоқларнинг бунга алоқаси йўқ.) Театрда — ифоданинг асосий воситаси — сўз, циркда эса — трюк. Пантомима — цирк томошасининг олий формасидир. Циркка кираверишда: «Сўз — кумуш, сукут — олтин», деган плакат осиб қўйилиши керак.

Нимадан бошлаш керак экан? Қандай бошлаш керак?

Барча қитъалардаги, ҳамма нормал одамлар бир-бирлари билан учрашишганда — «Салом» дейишади.

Бошқаларни билмадим-у, лекин мен билан саломлашган одамнинг саломидан менга бўлган муносабатини билиб олишим мумкин. (Агар, ўша одам самимий, очик кўнгил бўлса.)

Саломлашиш — агар сен билан ота-онанг, бошлигинг, дўстинг саломлашаётган бўлса, бу — одам кайфиятини бир соатга, бир суткага, бир ойга ўзига хос олдиндан айтиб бериш бўлади, бордию сен билан севгининг саломлашса, унда бутунлай бошқача бўлади.

О, мен ҳаётдаги каби, яна чалғиб кетяпман.

Шундай қилиб, эртага мен, энг оддий касбда, образли қилиб айтганда дунёвий касбда, масхарабоз си-

фатида одамлар олдига чиқаман: ахир баъзан бекорга бизни майдон ё гилам ўйинчилари деб аташмайди. Мен анъанавий масхарабозлар сингари даврага индамай чиқаман, ҳа, худди шундай чиқишим керак. Ҳозирги масхарабоз илгари замонлардаги каби нафақат чавандоз ёки ўргатувчи. Биз иккимиздан биринчи бўлиб томошабин гапириши керак. Томошабин аввал мени кўзи билан кейин ақли билан ва қалби билан қабул қилиши лозим.

Бир хил масхарабозлар аренага бақириб-чақириб, шовқин-сурон, музика садолари остида чиқади. Бошқалари — ит, маймун эргаштириб, ёки тўтиқуш кўтариб чиқишади. Ўз даврида машҳур бўлган малла Эйжен эса:

— Мана, мен!— деган оддий сўзлар билан аренага чиқарди.

Залда ҳамма мириқиб, самимий кулиб, тўлаган пулларига ачинмай кетишар эди.

Ёки мен манежга ўзимнинг оддий костюмимда, севимли қўғирчоғим Эне-Бене билан чиқсаммикин? Қию ёки Олег Сокол ўз қўл остидагиларига нима қилдиришган бўлса, мен ҳам қўғирчоғимни хоҳлаган ишларимни бажаришга мажбур этсаммикан?

Иўқ, ойим иккаламиз ўйлаб топган мана бу либосда: калта энгли, кенг майка-тельняшкада (болалигимдаги биринчи орзуим денгизчи бўлиш эди), камар ёки резинка тасма ўрнига елкадан ташланадиган битта тасмали, унча кенг бўлмаган (ишда халақит бермаслиги учун) қора шим кийиб чиқаман.

Хўш, анъанага бўйсунган ҳолда, тумшуғи пуффадек, шишган, катта беўхшов қора ботинкани кийиб олсам-чи?

Тўғри, малла, манеж ўйинчиси, август дея аталган ҳар бир масхарабознинг номларини қандай атаманг, моҳияти ўзгармайди — ҳар бир масхарабознинг ўзига

хос ажралмас ёрдамчиси бўлиши керак. Бу табиий бир ҳол.

— Манежга чиқишда балки, мен ўзим билан бирон кишини ёки нарсани оловарман? А, Эне-Бене, сен нима деб ўйлайсан?

— Айнан нимани, деб сўраяпсанми? Хўш, айтайлик, супургини. Мана қара, мен уни ётқизиб ушласам, у энди супурги эмас, гитара! Елкамга ташлаб олсам — энди у милтиқ! Супургимиз ойболтага айланиши ҳам мумкин — у ҳолда биз 500 йил ўтмишга кетиб қоламиз. Кейин у бирданига хоккей клюшкеси бўлиб қолиши мумкин, орадан бир лаҳза ўтмай, сеvimли командасини қўллаётган ишқибознинг — плакати бўлиб қолади... Мана, хоккей учрашуви тугади, супургимиз, қачонлардир, эҳтимол хоккей юлдузи бўлишни орзу қилган, ҳозир эса трибуналарни супураётган кекса бир одамнинг қўлидаги оддий супургисига айланади...

— Хўш, нима маслаҳат берасан, Эне-Бене? Яхши, келишдик, зонтни оламан. Ҳа, бирданига ёмгир ёғиб юборса, жазирама иссиқ бўлса ё бўлмаса кўча безориси ҳужум қилса, одамни қутқарадиган ўша оддий қора зонт. Ва, ниҳоят, агар сен ҳақиқий масқарабоз бўлсанг, зонт билан жонлёрлик қилишинг мумкин...

Яхши, мен акробат, боксёр, жонглёр, эквилибрист, кўз бўямачидек, энг зерикарли трюкнинг ҳам тўла мазмунини оча оладиган, мураккаб нарсаларни унча куч сарф қилмай, осонгина бажара оладиган кишидек гапирмасдан, индамай чиқаман.

Кеча мен бир китобдан ўқиб қолдим...»

Сешанба

«Бир... бир... икки... уч... тўрт... яхши эшитилипти... Бугун кўчада шамол турган. Норд-вест... Мен шамолни ёқтираман. Шамол хоҳ юзимдан, хоҳ ёнимдан уришдан қатъи назар, бари бир уни ёқтиравераман. Елканлар уста денгизчининг қўлида бўлса, шамол қарама-

қарши эсаётганда ҳам у олдинга қараб сузади-ку?! Мен шамолни севаман... Ишқилиб шамол бўлсин...

...Мана шу кундалик, овоз кундалигимни ёзиб бораётганимга бугун — роса беш йил бўлди. Менинг касбим — томошабинга фикрларимни, орзу ва ҳис-туйғуларимни гапирмасдан етказишдир. Мен бу билан цирк мактабида ўқиган пайтимдан, саккиз йилдан бери шуғулланиб келяпман. Томошабин билан бундай мулоқатда бўлиш усули мени бир оз зериктирди. Мен гапиргим, гаплашгим келади. Ҳатто Эне-Бене билан бўлса ҳам, ёки ўзим билан бўлсам ҳам гаплашгим келади.

— Менга қара, Эне-Бене, балки бу радиомонолог усулидан воз кечсаммикин? Мен маълум даражада у ёки бу трюкимда мукамалликка эришиш учун озмунча куч, ғайрат, вақт сарф қилдимми. Яхши устоз ўз маслаҳати билан вақтида менга ёрдамга келганида — ишларим яна ҳам тезроқ юришиб, ҳаётим ҳам анча узайган бўларди!

Йўқ, мен келгусида ҳам бу кундаликни ёзиб боришим керак. Қимдир, тажриба ҳар бир шогирдимни ёлғиз шуғулланишга ўргатган, деб ёзган экан... Менинг эзгу ниятим ўғлим бўлсин ва у албатта менинг изимдан борсин. Кейин у цирк майдонига йўлни, мен келиб тўхтаган жойдан бошласин. Мана шунинг учун ҳам менинг овоз-очеркларим ва овоз-хотираларим шояд керак бўлиб қолса. Мен қариб, қолдан тойганимда, балким, бу менга ҳам сабоқ бўлиб ёки хотира сифатида хизмат қилар. Ҳар сафар, ўз овозимни эшитиб, ҳаммаси нимадан бошланганини билай... Акам менга — у ҳозир машҳур режиссёр — уруш пайтида Еревандан туғилган кунимга масҳара — қўғирчоқ олиб келиб берганини эслаб юрарман. (Ҳа, у пайтда мен масҳара билан масҳарабознинг фарқини билмас эдим.)

...Шошма-чи... Қани, устозимнинг қалпоғини ечиб кўрай-чи. Мана шундай.

— Хўш, Эне-Бене, ишларинг қалай? Чатоқ? Тушу-

нарли... Демак, кулгининг ўрни эмас! Яхши, унда қутинга кириб ол. Бўлмаса фақат зўрма-зўраки куляпсан.

Эсимда, ўша куни барча меҳмонларни бир лаҳзага шунчалик кулдирганига ва дунёдаги ҳамма нарсa, ҳатто овқат ҳам, уруш ҳам ёдимиздан кўтарилганига сабабчи бўлган бу қўғирчоқнинг муваффақияти нимада эканлигини тун бўйи ухлай олмай ўйлаб чиқдим. Уни ҳаммамиз бир умрга дарров севиб қолдик.

Балки, айнан ўшаида биринчи бор масхарабоз касби устида ўйлаб қолган бўлсам керак...»

Чоршанба

«Бир... бир... икки... уч... тўрт... беш.. жойида... яхши эшитиляпти. Эҳ, Москвани нақадар севаман. Уни севишим Иттифоқнинг энг катта, илм-фан шаҳри бўлганлиги учун эмас. Москвада туғилганим учун ҳам эмас, ватанчимизнинг юраги бўлганлиги учун ҳам эмас ёки агит-блокнотларда жаҳон пролетариат маркази деб ёзишлари учун ҳам эмас. Балки, фан ва маданиятнинг энг жонли энциклопедияси сифатида, рус турмуш тарзи ва руҳининг саҳий музейи сифатида, нафақат рус далалари, ўрмонлари, дарёлари, дублари ва Дубналари бор, ўзига хос шаҳар-давлат бўлганлиги учун севаман.

— Эне-Бене, ахир сен ҳам Москвани севасан-ку, тўғри эмасми?

— Тўғри, сен Еревандан келгансан, арман тоғларининг, жануб қуёши ва юмориининг белгилари сенда ҳам бор, лекин сен чинакамига Москвада туғилиб, улғайдинг.

Биласанми, агар Плисецкаянинг саҳнага чиқишига ярим соат қолганда, тахминан кеч соат саккизларда Катта театр колонналари тагига келиб, бир оз турсанг, сўнг, Горький кўчаси бўйлаб Пушкин ҳайкали олдиғача бориб, бульварлардан сиполик билан ўтиб, севишганларни пайқамай Трубнаяга тушиб, баҳорнинг ям-яшил, майин япроқларига бурканган хиёбонларнинг

ғиштин йўлакларидан Марьяна Рошчагача борсан, яқин-яқингача эски уйчалар жойлашган темир йўл кўп-ригининг нариги томонида, кечки ғира-ширада, севги ва садоқатдан эс-хушини йўқотган бурганлар даврасидаги оқ харирга бурканган ёлғиз балерина — оппоқ олма дарахтини кўришинг ва олис денгиз томон ғизиллаб кетаётган, сариқ кўз-деразали электропоезднинг қу вончдан олқишлаётганини эшитишинг мумкин.

Эҳтимол: Эне-Бене, сен менга:

«Таксига тушиб бориш мумкин бўлган шунча олис жойга нима учун пиёда бориш керак?»— дерсан.

Жавоб бераман: мумкин, албатта, фақат у ерда, кўприкнинг нариги томонида, ҳали кун ёруғ бўлганлиги учун ҳеч нарсани кўра олмайсан-да.

Кеча мен дўстим ва ёрдамчим — Юра билан одатимизга кўра Горький боғига бордик. Боғнинг марказий дарвозасидан чап томонда кўл бор. Кўлда қайиқлар ҳам, ресторанлар ҳам, кўнгиш очар ўйинлар ҳам йўқ. Бу ерга одамлар гаплашмаслик учун келишади. Қоронғи тушиши билан келишади. Кўлда юлдузлар ва ранг-баранг чироқлар жимирлаб пайдо бўлди дегунча, ошнқ-маъшуқлар оқиб кела бошлайди.

Мен қирғоқ бўйлаб сайр қилишга қарор қилдим.

(Юра «Пльзенский» ресторанига навбат олгани кетди.) Бирдан мени худди бир одаму, тўрт оёқдай қучоқлашиб кетаётган икки ёш қувиб ўтди, шу атрофда бўш скамейкалар кўп бўлса ҳам, улар кўл ёнидаги катта тош олдига келишди. Йигит чўнтагидан катта дастрўмолини олиб, тошга ёзди ва қизни ўтиришга таклиф қилди. Улар барабар ўтиришди, фақат нима учундир дастрўмолнинг катта қисми йигитнинг тагида қолди.

Кейин у чап қўли билан конфет олиб, қизнинг ўни қўли ёрдамида қоғозни оча бошлади. Қиз конфетларни оғзига сола бошлади, йигит эса, конфет қоғозларини чўнтагига соларди. Сўнг, охириги конфетга навбат келганда, йигит чаққонлик билан уни ўз оғзига солиб, қиз

томонга ўғирилди. Қиз конфетни олиш учун лабларини чўзди. Афтидан, қиз, ширинликка ўчга ўхшайди, йигит ҳам кўринишдан аҳмоққа ўхшамасди! Кейин мен уларга қарамай қўйдим. Гуноҳ-да. Тўғри Юранинг олдига, ресторанга йўл олдим.

Овқатни кўп ейдиган одамларни — очофат дейишади, кўп ичадиганларни — пияниста дейишади. Унисини ҳам, бунисини ҳам мазасига тушунадиганларни — маишатбоз дейишади. Биз худди ана шу шинавандаларданмиз. Пантомима учун энг яхши мавзулардан бири — овқатланиш жараёнидир. Бундан: янги масхарабозлардан тортиб Марсогача бўлганларнинг ҳаммаси фойдаланади. Фақат етказа билишинг, ҳали қўлланилмаган формасини топиш керак.

— «Очофат ресторанда», деган сахна устида ўйлаб кўрмайсанми? — деди Юра менинг фикримни билгандек.

— Бунинг устида кўпчилик ишлаган, — дедим мен.

— Бўлмаса «Шарқ бозорида» деган пантомима устида ишла, — таклиф қилди у.

— Буни қилсак бўлади... Эсингдами, Кожаяннинг картинасида паловни қандай ейишгани?

— Эсимда, Форс циклидан эди, шекилли.

...Худди циркдаги каби одамларни ҳаяжонга келтирувчи номер олдидан чироқ ўчирилганидек ресторанинг савдо залида ҳам чироқни ўчириб қўйишди. Лекин, бу ерда чироқнинг ўчирилиши «Тамом, ресторан ёпилди», дегани эди.

Уйга кетаётганимизда Юра мендан сўради:

— Биласанми, Америкада Чаплинга энг яхши тақлид қилиш бўйича конкурс ўтказилипти.

— Биламан, — жавоб бердим мен. — Бу конкурсда Чаплиннинг ўзи ҳам яширинча иштирок этиб, тўртинчи ўринни олипти.

Богдан чиқаётиб, мен Юрани кўл бўйидан, яқиндагина севинганлар ўтирган, ўша тош ёнидан бошлаб ўт-

дим. Тош орқасида даструмол, тош олдида — қоғозга ўроғлиқ, ҳали тишланмаган конфет ётарди.

Ширинликка ўч бўлган ўша қиз дунёда қанд ёки шоколаддан ҳам ширин нарсалар бўлишини эҳтимол, биринчи бор шу кеча билган бўлса керак...»

Пайшанба

«...Мана, биз Чехословакиядан қайтиб ҳам келдик. Мен у ерда Европанинг энг уста масхарабози деган ном ва Олтин медаль олдим. Мен бу мақсад сари ўн йил интилдим. Ўн йил ҳам гапми! Бутун умр... Э, майли, қани эди Эне-Бенеим?

— Бу ерда экансан-да? Соғиндингми? Хафа бўлма, ўзим билан олиб кетмаганлигим учун мени кечир. Ахир йўлда, ким билади дейсан, нималар бўлиши мумкин эди! Таможня ходимлари контрабанда излаб тўсатдан қорнингни ёриб қўйишса нима бўларди? Кейин сенга рухсат ҳам олинмаганди. Лекин сен тегишингни оласан. Шошма, ҳозир лентани қисқароқ қиламиз — мана, медаль ҳам сеники. О! Сенга жуда ҳам ярашиб кетди. Тўғри, медаль сенинг бошингдан бир оз каттароқ экан. Лекин ким айтди, албатта, бунинг акси бўлиши керак деб? Дунёда энг кўп нарса сиғдирадиган нарса — бошдир.

Бошга бутун сайёрамиз сиғиши мумкин. Сайёра ҳам гапми, ҳаётда бор бўлган ва ҳаётда бўлмаган барча коинот, оламлар сиғади...

...Мен чехрангга қараб туриб, менинг азият масхарами, бундан тўрт юз йил аввал ўз қиролинг Лирга айтган қўшиғинг эсимга тушиб кетди, ҳозир эса уни менга айтяпсан:

Кимда ким нафси учун
Ҳамён кўзлаб дўстлашса.
Сени ташлар кулфатга
Довул пайти саҳрода.
Аммо сенга ким чин дўст,
Ҳар ерда ҳам вафодор.

Яқинлашар пул чунмас,
Дилдан севиб дўстлашар.
Сал лодонрок, фирибгармас,
Лўтти эмас, муғамбир.

...Менинг содиқ дўстим, ҳозир сенга қараб туриб: дунёда ким-кимга кўпроқ тақлид қилган — одамлар қўғирчоқларгами ёки қўғирчоқлар одамларгами? — шуни ўйлаб қолдим. Лекин ниқобларнинг минг йиллар илгари мавжудлигини ҳисобга олганда, ниқоб эса—қўғирчоқнинг бир бўлаги, у азал-азалдан пайдо бўлиб, одамлар ундан худолар, ҳайвонлар, шайтонларга тақлид қилиш учун фойдаланишганлиги маълум-ку, деб ўйлайман.

Халқ ва ёзувчилар қадим замонлардан бери яхши ва ёвуз қаҳрамонларнинг бадиий образларини яратиб келган. Уларга тақлид сифатида конкрет қўғирчоқлар пайдо бўлди: Гуливер, Буратино, Золушка ва бошқалар. Сўнг артистлар ажойиб типажлар излаб, одамларга ёқиб қолган ана шу қаҳрамонларнинг либос ва образларини ўзлари эгаллаша бошлади.

Лекин бу ҳам муваффақият чўққиси эмас. Ҳақнқий ижодкор, айниқса, у масхарабоз бўлса, қиёфаси, характери, либоси билан янгилик яратишга, ўз образини яратишга интилоғи керак.

Мана масалан, мен болалар универмагларининг пештахталарида қайишқоқ материалдан ншланган Чаплин, газмолдан тикилган Попов ёки пластмассадан тайёрланган Карандаш каби тирик сиймоларнинг образини кўрсам, ҳавасим келади. Булар камёб товарлардир. Уларни доим ҳам сотиб ололмайсан.

Мана бунини эъорасида ҳурмат қозониш деса бўлади!

Цирк актёрининг ўзини тута билишидаги, реквизицидаги, либосларидаги музикадаги шартлилики ва патурализминини ёқтирмайди.

...Масхарабоз — томоша орасидаги паузаларни тўлдириш учунгина керак эмас, балки у актёрлар ансамблининг тўлақонли аъзосидир, унинг ҳаракатлари учун ҳам

махсус вақт, жой керак. Масхарабозлар қизиқ-қизиқ репризалар яратишга интилишади. Баъзан томошабинларнинг диққат-этиборини ниҳоятда кучайтиргим келади, лекин униформистлар халал беришади.

Владивостокда бир афиша кўрдим. Унда оёғига чаплинча ботинка, эғнига еғни калта, йўл-йўл денгизчилар кўйлаги, елкасидан ўтказиладиган резинка ўрнига белига битта камар тортилган қора чолвор кийган, ориққина, қорача йигитча турарди. Йигитчанинг бир қўлида шамсия иккинчи қўлида уч литрли шиша банка бўлиб, тубида олтин балиқчалар типирчнлаб ётипти. (Банкада сув йўқлигидан, балиқлар ўлай-ўлай деяпти.) Шамсияни шундай қийшайтириб ушлагайки, ундан оқаётган сув балиқ солинган банкага тушяпти.

Жуда ҳам ажойиб афиша эди. Афсус, уни олиб қўймаган эканман!

...Циркни эшитиш эмас, кўриш керак, у — эстрада эмас.

Агар мен ёзувчи бўлганимда фақат ўзим ўйнайдиган репризалар ёзган бўлардим, нимага деганда барча имкониятларим фақат ўзимга маълум-да. Балки мен, ёзувчи бўлишга ҳали улгурарман? Ёки, кинорежиссёр бўлсаммикин? Чунки, кинода ҳам циркдаги каби кўп қиёфали бўлишни ўзида мужассамлантириш керак. Ёки, яхшиси янги театр тузсаммикан? Ахир цирк ҳам, кино ҳам, бошқа томошалар ҳам театр туфайли дунёга келган шекилли?! Йўқ, ҳозирча масхарабозлигимча қолганим дуруст.

Бизда ёзувчилар, режиссёрлар қанча? Оҳ-о, санаб, санаёғига етиб бўлмайди! Масхарабозлар-чи? Бармоқ билан санарли, холос.

Мана сен, Эне-Бене, айт-чи, қайси миллатдансан? Костюминг инглизларники, қалпоғинг, эҳтимол, французларникидир; ўзингни эса ё Орёлда, ё Владимир областида яшаган!

Францияда сени жанглёр деб аташган, Польшада —

франт, Германияда — шпильман, Россияда — скоморох. Ўзбекистонда эса, ҳанузгача сени масхарабоз деб аташади.

Дарвоқе, масхарабознинг миллий характери тўғрисида гапирай.

Бир куни Қозон шаҳрида томошадан кейин хонамга бир йигитча кириб сўради:

— Мени кечирасиз, она томондан татар экансиз, шу ростми?

Ёлғон бўлса ҳам мен унга «ҳа» деб жавоб бердим. У менинг характеримдан ўзининг миллий одатларига хос белгиларни кўра билган, шунинг учун ҳам унинг ҳафсаласини пир қилгим келмади.

Машҳур чавандоз ва ўргатувчи Вильямс Труцци Европа мамлакатларига қилган гастроллари вақтида италян миллатига мансуб бўлса ҳам, ўзини рус деб атаган. Санъатнинг интернационалиги ҳам ҳар бир одам ўзи учун яқин, тушунарли, азиз бўлган нарсаларни ўзиники деб билишидадир».

Жума

«...Бир ...бир ...икки ...уч ...ўттиз ...уч юз ... Бугун мен билан яхши саломлашишмади... Дунё ҳам кўзимга бошқача бўлиб кўриняпти... Дарахтлардаги барглар тўкилиб, майсалар, гуллар қуриди. Энди бу дунёда на қор ва на ёмғир бўлсин. Ҳатто қуёш ҳам бўлмайди... Денгизни сув ўтлари қоплаб, дарё саёзлашди. ...Менинг ёнимдаги одамлар эса, атрофда бутунлай бошқа манзарани — кузги, майин, олтинранг-яшил дунёни кўришяпти. О, бу дунёда тўрғай ўликлари тупроққа беланиб ётган йўлларда ёлғиз мен дайдиб юрибман. Мана, мени қандай аҳволга солиб қўйдинг, тошбағир, ҳасадгўй инсон!

...Шарқда, Хитойда ҳунармандлар эшган арқонларининг пишиқлигини кўрсатиш учун, арқонларини айриларга таранг қилиб тортиб, устида чопиб юришган. Дорбозлик санъати ана шу тарзда дунёга келган. Йўқ, мен-

дан дорбоз чиқмади. Одамлардан баландда юролмайман... Мен ерда, пастда яхши юраман...

Масхарабознинг — кўриниши кулгили, гапдон, музикага қобилиятли бўлишидан қатъи назар, ўз номерини шунчаки, қўпол бажариши мумкин, аммо натижаси аъло бўлиши керак.

Бу сўз ўзининг лотинча бошланишида бекорга «му-жик», «қўпол», деган маънони билдирган эмас. Натижаси эса, аъло...

— Бери кел, Эне-Бене, бугун видолашамиз: буёққа ўтир, дераза тоқчасига ...Йўқ, кераги йўқ. О, бу деразалар! Улар биз ҳақимизда қанчадан-қанча нарсаларни гапириши мумкин? Ҳар бирининг ортида — одамлар бор. Эшиклар билан деворларгина ташқи оламни кўрсатмай, яшириб туради, пардасиз дераза эса, ҳамиша оз-моз сотқинлик қилади ...Цирк артистлари ўз касбларини авлодларига қолдириб келишади. Бироқ мен йирик артистлар оиласидан эмасман, азиз дўстим, ёш устоз ўтмишдошим бўласан. Сен менинг давомим бўласан деб орзу қилган эдим, лекин ...энди ортиқ дош беролмаяпман... Мени хафа қилишди.

Бугун иккаламиз ҳам бу хонани тарқ этамиз. Ўлимиз бошқа-бошқа бўлади. Шошма, Эне-Бене, кел, мен сени ечинтириб қўяй ...Ё, тавба, қалпоқсиз жуда ҳам қари экансан-ку! Ўттизга эмас, уч юзга кирганга ўхшайсан. Шишаранг кўзларинг эса ғамгин ...Фақат тишларинг билан устингдаги либосинг кулиб турипти. Эсингдами, Марсель Марсонинг бир пантомимаси ҳақида сенга гапириб берган эдим? У кафтини юзига тўсиб очса, юзи кулгили бўлар эди, яна бир шундай қилса, фожиона кўринишга эга бўларди. Кейин у кафтининг қиррасини юзининг ўртасига қўйиб, чап томони билан томошабинга ўгирилиб қараса, чап юзи кулаётган бўларди. Томошабинлар ҳам кулишар эди. Қўлини олмасдан, у ўнг томонга ўгирилиб қараса. Ўнг юзи йиғлаётган бўларди. Томошабин ҳайратда эди. Кейин у қўлини бир-

дан олади — қаршингда шундай ажиб бир ҳол агар уни ўз кўзинг билан кўрмасанг унга мутлақо ишониш қийин: юзининг ярми — куляпти, ярми — йиғлаяпти. То-мошабин — ҳанг-манг... Марсо бу саҳнани «Ниқоблар» деб атади. Борди-ю, у «Ҳаёт шунақа» деб атаганда янглишмаган бўлар эди.

— Хўп, Эне-Бене, алвидо!

— Нима? Энди нима билан шуғулланишимни билмоқчимисан?

Марҳамат, айтаман... Деворда осифлиқ турган анави одамларнинг портретини кўряпсанми: Пушкин, Лермонтов, Терян? Уларнинг бари ҳаётдан ёш кетишган. Менинг ёшим улардан ўзмадимикан? А? Индамайсан-а? Тўғри қиласан, бунақа фикрларни овоз чиқариб гапирмаслик керак. Йўқ, йўқ, мени қайтаришга уринма. Нима учун? Нимага деганда, энди, мени хафа қилганларни ҳам, буни ютиб юборганим учун ўзимни ҳам кечирмайман. Мен билан яхши саломлашишмади. Алвидо!»

Хотима

Одам белгиланган иш ва ташвишлардан чарчаса — демак, унинг учун якшанба, дам олиш куни зарур. Эҳтимол, мана шунинг учун ҳам, иккинчи дам олиш куни — шанбани ўйлаб топишган бўлсалар керак. Ёки хоҳишига кўра пенсияни.

Унан учун якшанбага ҳам, шанбага ҳам ҳали анча вақт бор эди. У ўз қўғирчоғи билан умрининг чошғоҳида видолашди...

Мен Эне-Бенени Унан яшаган кўп қаватли уйдан бир неча метр нарида қурилаётган янги бинонинг пойдеворидан топдим. Агар унинг устидан ҳозир бетон қуйиб юборишганда, 700 йиллардан кейин, бирон кутилмаган, кучли ҳодиса, айтайлик, zilзиладан сўнг, бу қўғирчоқ бўлажак археологлар учун катта бир топилдиқ бўлар-ди.

Эне-Бене яланғоч қўл-оёқларини ёзиб, юзи ерга қараган ҳолда муккасидан тушиб ётарди. Қайишқоқ боши бир неча еридан синган эди. Газмол оёқларининг иплари чувалиб ётарди.

Никита дарбозаси олдида унча катта бўлмаган вивеска бор:

**«БИЛЛУР, ЧИННИ ИДИШЛАРНИ,
ҚУҒИРЧОҚЛАРНИ ЯМАШ
ВА
РЕМОНТ ҚИЛИШ»**

Мен навбатга турдим.

Уч қат бақбақали, тепакал уста тирноқлари калта олинган дўмбоқ қўллари билан шикастланган Эне-Бененинг уёқ-буёғини кўриб, қайтариб берар экан:

— Бу тасқара ўз умрини яшаб бўлган. Уни ташлаб юбориш керак. Ремонт қилдирсангиз уч баробар қимматга тушади, яхшиси янгисини сотиб олганингиз маъқул, йигитча,— деди.

...Мана, ҳозир мен Унанинг ётоқхонасида ўтирибман. Портрет ва кўзгулар юпқа қора пардалар билан тўсиб қўйилган. Бугун унинг қирқи. Деворда Пушкин, Лермонтов, Терянининг портретлари. Олдимда Москвадаги эски дўстимнинг — овозли образи, бир неча магнитофон плёнкаси турипти. Столда эса, Унанинг эски ва сўнгги афишалари, программалари, пантомима концертларининг программалари, у ўйнаган кинофильмлардан фотосуратлар ётипти.

Программалардан бирини очдим. Уқийман: «Юлдузлар ёмғири», «Она ҳаёти», «Шернинг бўйсундирилиши», «Отишга олиб кетиш», «Эне-Бене» ...Унинг юпқагина «Биринчи раунд» деган китобчаси кўзга ташланади. Варақлаяпман. Мана, «Одамни хафа қилманглар», деган

новелласи. У «Одамлар, бир-бирингизни асранглар», деган сўзлар билан тугайди. Унан ўзи ёзган бу сўзларни таъкидлаш учун мен бу сўзларни ўз ҳикоямда атайин бошқа шрифт билан ёздирдим. Эндигина ремонтдан чиқиб, қайта дунёга келган сариқ шиша кўзлари доимо очик Эне-Бене шу ерда, столдаги китобларга тирсагини тираб турар эди.

Образцов қўғирчоқ театрининг тикув устахонасида биз унга янги либос: денгизчиларнинг кичкинагина енги калта, йўл-йўл кўйлаги, камар ва резинка тасма ўрнига елкасидан битта тасма ўтказилган қора шимча; учлари пуфакдек шишган жисмига нисбатан каттакон ботинкача буюртирдик. Унинг ўнг қўлига жажжи шамсия ўрнатиб, бошига «аҳмоқона қалпоғи» ўрнига қора парик кийгиздик.

Мен бир неча қадам орқага тисланиб, сал наридан Эне-Бенегга қарадим. Ахир бу ҳам ўзининг катта қўғирчоқ акалари: Чаплин, Карандаш, Олег Поповлар қаторда болалар универмагларининг витриналаридан ёмон кўринмасди-ку, деб хаёлимдан ўтказдим...

Балки, ана шундай кун етиб келгандир?

Ворошиловград, 1972.

СУРАТҚАШНИНГ РАСМИ

У — икки шаҳарда яшайди.

У — Варшаванинг фахрий граждани. Уни, аниқроғи унинг ишларини кўпгина бошқа пойтахтлар яхши биллади.

Ҳайкалтарош вақти-вақти билан физик, архитектор, космонавт, композитор ...балерина бўлиб туради. У моделга ошиқ, модель эса — ижодкорига. Бронза, гранит, мрамардан тилсиз эгизаклар дунёга келади.

Ҳайкалтарош уч сменада ишлайди.

Ван-Гог, Гоген, Модильяни қаҳрамонлари девордан уни кузатишади...

У Москваининг Восстания майдонидаги 32 қаватли

уйдан ҳар сафар чиқаётганида оёқ-қўлларни йўгон, елкадор ўн иккита улкан тош ҳайкалга қараб: «Ҳозир мен буларни бошқача ясаган бўлар эдим», деган хаёлда ўтарди.

Преснядаги устакхона.

Музей эмас — устакхона. Бу ерга ишлагани келишади. Агар бу ерга бирон кутилмаган меҳмон келиб қолса, хўжайин баъзан бундай дейди:

— Сени жуда ҳурмат қиламан, лекин фақат ўн минут вақтим бор.

Кейин расмини чиздиргани келган қизлардан бири кофе тайёрлай бошлайди. Сўнг уста соатига қарай-қарай бошқа нарсасининг у ер-бу ерини тузатаверади.

Агар унинг ҳар бир яратган ёки тузатган асари учун намунали ўқув залларидаги каби карточка очилса, у ҳолда мингдан ортиқ номга эга бўлган бутун бир картотека пайдо бўлиши мумкин эди.

У фақат ҳайкалтарош эмас.

Мана у — тасвирий санъат устаси, мана у — график; бугун у шамдон, сопол кружка тайёрлаётган бўлса, эртага эса — бирон-бир юбилей медалини тайёрлайди.

Устакхонанинг юқоридаги хоначасида бурунсиз гипс калла олдида бетоқат шогирд қиз ишляпти. Ҳайкалтарош зинапоядан юқорига кўтарилиб, қалам билан чизилган расмни кўрди ва баъзи бир камчиликларини кўрсатгач, шогирдининг сочидан ўпиб: «Баракалла!»— деди.

Бир вақтлар унинг устози Матвеев ҳам унга худди шундай деганди.

Эшик қўнғироғи чалинди. Кекса, лекин номи машҳур бўлмаган шоир, Пастернакнинг дўсти кириб келди.

Ҳайкал яшаш бошланди.

Ҳайкалтарош раққос, матадор, қиличбоз қиёфасига кирди. У тез, шошилишча ишлай бошлайди, модель юзидаги ҳолатни «йўқотиб» қўймаслик учун жуда тез ишлай бошлайди. У бошлаган ишини маромида қилиб, кўзлаган мақсадига эришади.

Ҳайкалларнинг ғадир-будир юзаси импрессионизмнинг бугунги акс садоси бўлиб, унда мўйқалам соҳибининг ҳар бир чаплаган бўёғи эҳтирос ҳисобланади, ҳайкалтарошнинг бўёғи кичик-кичик лой соққачалардир. Минглаб соққачалар — минглаб эҳтирос демак.

...Кечқурун соат еттиларда у уйига қайтади. «Тезроқ, тезроқ». У деярли доимо бирон ерга шошиб туради: Вахтангов, Таганка театрларига, Баграмян олдига.

Баъзан меҳмондан ёки театрдан келиб, эски дўстларидан биронтасига, жуда бўлмаса, менга телефон қилади.

— Бугун келгин, нард ўйнаймиз. Конкурсга ишлаган Комитасни ҳам кўриб кетасан.

Якшанбадан шанбагача кунлар шундай ўтаверади. Меҳмонлар ҳам сероб: улар Англия, Финляндия, Қозғистондан, кўпроқ Еревандан: Арамян, Чубарян, Аристокесян, Грашилар келиб туришади...

...Кеча у тўсатдан:

— Ереванга жўнаяпман, — деб қолди.

— Самолётдами? — деб сўради қизчаси Гаянэ.

— Йўқ, поездда. Олтита калла олиб кетишим керак.

— Бронза каллаларми ё мраморми?

— Унисидан ҳам, бунисидан ҳам. Янги йилни Ереванда кутиб олгим келяпти.

Лекин бу асосий сабаб эмас. Буни унинг ўзи ҳам яхши тушунади. Баъзан фақат иш унинг орқасидан «қувиб юрмай», балки унинг ўзи ҳам, ишдан ўзимни четга олиб юрибман, деб шунчаки ўйламоқчи бўлади. Ҳа у шундай қилмоқчи. Лекин бу ундай эмас. Иш — унинг сояси, аниқроғи унинг ўзи — ўз ишининг қули, хизматкори сояси.

Яна Ереванга келди. Мана шу йигирма йил ичида неча бор келмади дейсиз!

Портретчи — ҳайкалтарош шаҳар ҳаёти билан яшайди.

Виген Хечумян оғир ётганмиш, дейишса, ҳайкалта-

рошни уникида кўрасиз. Жонибекян иштирокида янги премьерa бўлар экан, дейишса, қарабсизки, Гурген Жонибекяни ҳайкалтарошнинг Қочар кўчасидаги устахонасида кўрасиз.

Ҳайкал яшаш бошланди.

У ушоқдек лой соққачалар билан калла ҳажмини катталаштиради ёки юпқа тахтача билан уравериб, унинг ҳажмини кичрайтиради.

Эшик қўнғироғи чалинди. Ереван театр-санъатшунослик институтининг ҳайкалтарош студентлари келишди. Улар ўзларини «кўрсатиб», варпет сабоқларини тинглаш учун келишган. Варпет — бу сўз унга ҳаммавақт ҳам ёқавермайди. Афсуски, бу сўз билан фақат ўткир, истеъдодли ижодкорларнигина эмас балки шунчаки кексайган, эҳтимол унча ёмон бўлмаган, ўртамиёна ижодкорларни ҳам аташаверади.

— Исаакян, Демирчян, Сарьян, Севак — мана булар ҳақиқий варпет, — деди ҳайкалтарош, студентларни куёви Саро Галенц ҳузурига кузатар экан. У ҳам рассом.

...Жонибекян лойдан ясалган ўзининг эгизаги олдига келди.

— Ҳа, Никогайосжон, бундан ўн йил илгари ҳам айтганман, ҳозир ҳам айтаман, сен фақат Арманистоннинг ажойиб ҳайкалтароши эмассан, лекин сени фақат бунинг учун севмайман.

Никогайос, ёки Николай (уни Россияда шундай деб аташади) нок шаклидаги резина коптокка сув олиб, машҳур артистнинг лойдан ясалган калласига сепди ва уни целлофан билан ўраб қўйди.

Дераза олдида Наири Зарьяннинг: гипс, мәрмар ва лойдан турли йилларда ясалган учта портрети турипти. Охиргисини у ёзувчи номидаги мактаб учун ишлаяпти. Мана бу мағрур, мәрмардан ишлаганини бундан 20 йил муқаддам яратганди. Лекин у пайтларда вақт ҳам, шакл ҳам бошқача эди. Лойдан ясалгани — оқилроқ. Тошдан ҳам ясалади.

Николайёсан қўпол; инжиқ бўлса ҳам, аммо доимо ҳалол одам.

...Октемберян районининг Налбандян қишлоғида (ҳайкалтарош асли шу ерлик) улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган ҳамқишлоқларига ҳайкал қурапти. 160 одамнинг ҳаёти, 160 жон номи она қўлида ўқ еган ягона жангчи тимсолида тасвирланган.

Николайос — ҳайкал муаллифи. Жим Торосян — архитектор.

«Реквием» — тирикларнинг бронза «раҳмат номаси» ана шундай деб аталади.

...Николай Багратович қандай тез ишласа, шаҳарда ҳам шундай тез юради. Унинг ижодий ишларини Волга-Дондан тортиб то Сахалингача бўлган ҳамма ишчи-меҳнаткашлар билади. У ясаган ҳайкаллар Совет Иттифоқининг кўпгина санъат музейларида сақланмоқда. Ўттиз иккитаси фақат Третьяковкага қўйилган.

Бизга маълумки 900 йил бундан муқаддам Ованес Саркаваг «Оқилона сўзлар» поэмасида табиатни инсон устози деб атаб, уни илоҳийлаштирган. Ҳайкалтарош худонинг табиатда, табиатнинг худога мавжудлиги ўртасидаги ўхшашликни изламайди. У табиат фарзанди — инсонни тасвирлайди.

Мен унинг иш кабинети эшигини тақиллатдим. Транзисторидаги қизил мил 250 метрли тўлқинда қотиб турпти: Монте-Карлодан музика эшиттириляпти. Ҳайкалтарошнинг ўнг томонида — лимонли яхна чой. Сўлда Нарикаци ҳайкали. Калласида: «Қомитас», «Чаренц», «Гарин» ҳақидаги режалар «пишиб етиляпти».

Ҳайкалтарош ниҳоятда чарчаганлигидан нолиди. Юзлаб ташвиш, минглаб иш, миллион орзу. Шуларнинг ҳаммаси учун 24 соат вақт берилган холос. «Пикассо, Мур, Мариннилар қандай вақт топишган экан?» — дея ўйлайди у. Николай Багратович ҳали ҳеч қўл урмаган ишига киришмоқчи эканлигини айтди.

— Масалан? — сўрадим мен.

— Масалан, китоб беамоқчиман, спектакль қўймоқчиман, мозаика ясамоқчиман.

...Арманистон композиторлар Уйи. Фойе бурчакларида арман маданиятининг икки буюк намояндаси: Комитас ва Спендиаровнинг ҳайкал портрети турипти. Портретларнинг ҳар бири тагига қийшиқ-қинғир қилиб «*Никогосян*» деб ёзиб қўйилган.

Муаллиф — *Никогайос* Баградович Никогосян шу ерда.

Эшик ортидан қарсақлар эшитилмоқда.

Қарсақлар — ғолиб учун мукофот.

Ҳайкалтарошларга қарсақ чалишмайди. Баъзан улар яратган ҳайкалларнинг пойига гулдасталар қўйишади.

Мухлисларнинг муаттар «рахмати» — гуллардир.

Москва, 1970.

ДАСТХАТ

Париж июлининг ўртача ҳарорати плюс 16 даража, бу эса, бир вақтда уч мавсум: баҳорги, ёзги, кузги кийимда, ким нимани ёқтирса ўшанда юришига имкон беради. Мана шунинг учун ҳам тушдан кейин яримяланғоч гул сотувчи қиз ёнида плаш, цилиндр кийган жентельменни учратиш ажабланарли эмас... Бу ерда ҳамма нарсани, мумкинини ҳам, мумкин эмасини ҳам учратса бўлади. Бир хил одамлар километрлаб пиёда юрса, бошқалари арзимаган юз метр масофага файтунларда боришади.

...Машина Сена дарёсининг ўнг соҳилига ўтиб, шаҳарнинг шарқий қисмидаги Бастилия майдони билан Пер-Лашез қабристони ўртасидаги аллақандай тор кўчаларнинг бирига кириб кетди.

— Мана шу ер, марҳамат, мсьё. — Қоплама чўнтакли кенг, зангори калта кўйлак, йўл-йўл кулранг шим, сариқ духоба шапка кийган, яғриндор эркак таксичи билан ҳисоб-китоб қилиб, машинадан тушди. Унинг кўзлари катта-катта, дум-думалоқ, қўйкўз бўлиб, юзлари эса,

ажин босган, рангпар эди. Чакка сочлари — бутунлай оқарган. У аввал қўлидаги қоғозга, сўнг биринчи қават деразаси тепасига осилган вивескага қаради.

Бўёқлари аллақачон хиралашиб қолган, баъзи ҳарфларининг чеккалари ўчган, уч метрлик алвондаги:

«ЕЗНИК ЕЗКИЛЯН»

— деган ёзувни ўқиди. Кейин у қоғозни чўнтагига солиб қўйди.

Шаҳарнинг бу қисмида кўпроқ ишчилар, ҳунармандлар ва ҳар турли мастеровойлар яшайди. Бу ердаги уйлар эскириб қолган, пастак, баъзиларида ёзувли мармар тахтача бўлиб, у ёки бу бионинг дабдабали ўтмиши ҳақида мағрурона гувоҳлик бериб турса ҳам, аммо ўзи кўримсиз, яшаш учун қулай эмас.

У вивеска тагидаги ярим ертўла бинога тушаётиб, бошини эшик тепасига уриб олишига сал қолди. Жаҳли чиқмади, лекин калласини чайқаб, қўнғироқ тугмасини босди. Ҳеч ким эшикни очмади. Яна босди, фақат ана шундагина: «Қўнғироқ ишламайди, эшик қулфлоглиқ эмас, марҳамат, кираверинг!» деган ёзувли қалин қоғоз парчасига кўзи тушди.

Дурадгор Езник Езкилян устахонаси узун хонадан иборат бўлиб, ҳар хил тахта, фанер, ойна, турли михлар билан тиқилиб кетган. Деразалар оралиғидаги деворда бир неча расм осилган. Хона ўртасида тўзиган қизил духоба қопланган рококо стилидаги музейбоп катта кресло, ёнида эса — кичкина столча бўлиб, устида «Репол» ёзувли митти автомобиль филдираги шаклидаги кулдон турибди. Муқовасида Валентина Терешкова расми бўлган янги журнал ҳам бор.

Езник Езкилян ўрта бўй, сочлари мош-гуруч, қорачадан келган, озғин киши бўлиб, яна ўн йилдан кейин ҳам, ҳали қирқдаман, деса биров ишонадиган турқда. Елка-

дор эркак уйга кирган пайтда у ромга ойна солаётганди. Мана шунинг учун ҳам ўгирилмасдан меҳмонга:

— Бонжур, мсьё... Қизил креслога ўтиришингиз мумкин... Чекишингиз ҳам мумкин... Мен ҳозир,— деди.

Эркак шапкасини ечиб ўтирди-да, деворда осифлиқ расмларга қарай бошлади: «Ҳм-м, Энгр. Наҳотки асл нусха бўлса? Қандай қилиб бу ерга келиб қолдийкин?»— хаёлидан ўтказди у ва кўйлагининг юқори тугмасини ечди.

Уста қўлини кўк халатига артиб, нотаниш киши олдига келди ва оёғи билан табуреткани суриб, худди ёш бола ўйинчоқ отга мингандек, у ҳам табуреткага миниб олди.

— Хизмат, мсьё.

— Мен — рассомман,— деди эркак.— Сизга шкаф, аниқроғи бўёқ, шчётка, мўйқалам ва ҳоказолар қўядиган жавон буюртирмоқчи эдим.

— Тушунарли,— деди уста халатининг устки чўнтагидан бир парча «Житана»ни олаётиб.— Чекасизми?

— Миннатдорман.

Хўжайин сигаретини тутатиб бир тортди-да, сўради:

— Сиз менинг вивескамни тасодифан кўриб кирдингизми, ёки...

— Менга сизни тавсия қилишди, лекин кимлигининг аҳамияти йўқ,— жавоб берди меҳмон ва, афтидан, дуррадгорнинг сергаплиги ёқмагандек, кетиш учун ўрнидан турди.— Агар бўш вақтингиз бўлмаса, унда иккимиз ҳам бир хил вазиятда эканмиз. Безовта қилганим учун афв этинг.

— Йўғ-е, нима деяпсиз,— суҳбат давомида дам олгиси келган Езкилян, дик этиб отидан сакраб тушди,— буюртмангизни шу бугуноқ бажариш учун киришишга тайёрман, мсьё. Мен шунчаки...

— Миннатдорман сиздан,— рассом устанинг гапини бўлди ва ўтириб, яна сўзида давом этди.— Мен жавон токчаларидан бирининг думалоқ ва айланадиган бўли-

шини истайман. Бўёқларни танлаш шунда мен учун қулай бўлади. Шунингдек, ана шу айланадиган токча ўртада бўлгани маъқул. Пастки токчасини, менимча, энлироқ, кенгроқ ясаганингиз дуруст, чунки мен у ерга қоғозларни, эҳтимол, баъзи бир журналларни қўярман.

— Баландлиги қанча бўлсин? — дурадгор қулоғига қистирилган қаламни олди.

— Бир ярим метрча.

— Эни-чи?

— Бунисини билмадим... Ўзингиз нима дейсиз?

Ёзкилян эшик вазифасини бажарувчи катта шарқ гиламининг бир четини суриб бошқа хонага кириб кетди ва қўлида бир лист ватман қоғози билан чиқди. У қоғозни меҳмон олдига ёзиб, устига фломастерини қўйди.

— Расмини чизиб беринг... яна уёқ-буёғи нотўғри бўлиб қолса ранжиб юрмаслигингиз учун.

Рассом ёнидан ўзининг фломастерини олиб, жавон расмини чиза бошлади.

— Таги квадрат шаклида бўлаверсин... Мана бундай, ўртаси — думалоқ. Бу ерида, ўрта токча айланадиган бўлиши учун, менимча, стержень бўлиши керак, мана бу ерига эса, ул-бул қўйгани, масалан, шчёткалар соладиган ваза учун чўзинчоқроқ токча бўлса, яхши бўларди.

— Пастки токчада нима туради? — сўради уста.

— Айтдим-ку сизга, пастки токчада қоғозлар ё бўлмаса бир неча китоб, журналлар туради деб. Мана бу ерида.

— Гулларни севасизми? — сўроқда давом этди дурадгор.

— Ўстахонамда гуллар учун бошқа жойларим кўп, хўш, агар жуда шуни истасангиз, майли, бир кичкинагина жой чиқара қолинг, мен у ерга... мана бунақа ҳинд кўзасига гуллар солиб қўяман...

— Мана энди ҳаммаси равшан бўлаяпти,— деди ду-

радгор, мамнун жилмайиб.— Энди менга жавонни қарга қўйишингизни айтсангиз? Дераза олдигами, ёки...

— Дераза олдига қўйсам керак,— деди рассом ва фломастерини олди.— Мана бу ерда катта деразам бор, шу деразадан — Париж ажойиб кўринишга эга, нарида, олисроқда эса — у индамасдан қандайдир ибодатхонанинг ғира-шира аксини чизди,— танияпсизми?

— Нега энди танитай?! Қанақа парижлик Парижни билмас экан?! — қўлларини ёзди Езник Езкийан ва мамнун ҳолда пачкадаги «Житана» сигаретига чўзилди.

...Кўчада моторнинг аста гувиллаган товуши эшитилди.

— О-о, ана қизим ҳам келди,— деди қувонганидан уста,— оббо жин ургур, яна ўша қандолатчи билан кепти-ку,— сўнг чўнтак соатига қараб: — Жуда соз! Айни тушлик қиладиган пайт! — деди у.

Устахонага калта кўк юбка кийган, бошида журнал муқовасидаги космонавтнигига ўхшаш оппоқ каскали ёшгина, қадди-қомати келишган қизча кириб келди; унинг кетидан битта тугмаси йўқ ҳаворанг камзулли, каска кийган йигитча ҳам кирди.

— Салом, дада. Салом, мсье, менинг исмим Сюзан, — деди қизча ва полга устма-уст иккита кўк кастрюльки қўйди.

«Бу йигитчани қаердан танир эканман,— хаёл суриб кетди рассом.— Ҳа-я, кўк камзул кийган, ёш, малласоч, самбит новдасидек ихчам... Мен бундай йигитнинг расмини 60 йил аввал чизган эдим... Қизиқ, ўша асарим ҳозир қаерда, кимникида экан? Э, ҳа, ёдимга тушди, қандайдир, хусусий коллекционерда деб эшитувдим. Чамаси, Нью-Йоркда бўлса керак».

— Кечирасиз, гапирдингизми, эшитолмай қолдим? — деди рассом, дурадгорнинг иккинчи марта берган саволидан ўзига келиб.

— Кофе аччиқроқ бўлсинми, ширинроқми, деб сўрапман,— деди Езкийан.

— Аччиқроқ,— деди рассом,— ҳаётни қанд билан ширин қилиб бўлмайди... Аччиқроқ бўлсин, мсьё.

Дурадгорнинг қизи, орқасини ликиллашиб, бедана юриш қилган ҳолда бошқа хонага кириб кетди. Йигитча ҳам қиз ортидан кириб кетмоқчи эди, лекин уни расомнинг саволи тўхтатиб қолди:

— Йигитча, исмингиз нимади?

— Жан-Жак-Луи,— жавоб берди у.

— Жан-Жак-Луи, марҳамат қилиб айтсангиз, мотоциклингиз қанақа маркали? «Харлей»ми?

— Йўқ, меники ҳозирча мотороллер, қандолатчилигимизда категориямни оширишган заҳоти „Volkswagen“ сотиб оламан.

Сюзан патнисда тўртта чашка кофе кўтариб кирди.

— Нигерияда, шунингдек, Осиёнинг баъзи бир халқларида ҳам қизларнинг бўйниларига кичкиналикларидан металл ҳалқачалар тақишади,— гап бошлади рассом,— вақт ўтган сари ҳалқачалар сонини кўпайтираверишади. Ҳалқачалар кўпайган сари қизчанинг бўйни ҳам узаяверади. Сюзаннинг бўйни ҳам Нигерия қизларининг бўйнига ўхшаш экан... Агарда унинг бўш вақти бўлса, жон деб расмини чизар эдим...— Рассом шу сўзларни айта гуриб ёнидан визит карточкасини олиб, ғилдирак-кулдон гагига қистириб қўйди.

— Йўқ, йўқ, қизим институтга киришга тайёрланиши керак,— деди дурадгор ота ташвишланиб,— мен на Сорбонни, на санъат консерваториясини тугатдим, мен ўқимишли бўлмаганимга яраша ёлғиз қизим ўқимишли бўлсин! Қизимнинг ақли кирсин, она тилимизни ўргансин учун Арманистонга юбормоқчиман.

Жан-Жак-Луи кимга киноя қилинаётганини пайқаб, кофени ҳам охиригача ичмай, устахонадан чиқиб кетди.

— Ҳа-я,— деди рассом,— ахир сиз армансиз-ку, тўғри французларнинг ҳам баъзан фамилиялари «ян» билан тугайди, лекин бунга эътибор қилмабман. Кейин қизингиз ҳам малласоч экан...

— У онасига тортган,— деди уста.— Хотиним француз аёли.

— Ҳа-а, мен кўп арманларни биламан. Шулардан бири менинг тенгдошим ва ҳамкасбим — Сарьян. Йўқ кечирасиз, у мендан бир ёш катта экан. Мен 81-йили туғилганман. У ўткир рассом. Арманистонга борсангиз— мендан унга салом айтиб қўйинг,— деди меҳмон, отасидан кўра Сюзанга мурожаат этиб:

— Демак, тугатганингиздан кейин, менга телефон қиласиз?

— Албатта, шубҳасиз,— деди уста,— кейин, буюртмангизга бирон ўзгартиш киритмасангиз бўлгани!

— Йўқ, ўзгартиш киритмайман.

— Унда, агар қийин бўлмаса, марҳамат қилиб, эскиз остига имзо чексангиз, ҳар эҳтимолга қарши.

Рассом яна ўз фломастерини олиб очди ва тик турганича, қоғозга сал энгашиб «Picasso» деб имзо чекди.

— Дарвоқе, қанча аванс қолдиришим кераклигини айтмадингиз? — деди рассом ёнидан ҳамёнини олаётиб.

— Керак эмас,— тўхтатди уни Езкилян.— Ўз автографингиз билан ҳақини тўлаб бўлдингиз, бу мен учун жавон ҳақидан ҳам қимматлидир, раҳмат, маэстро Пикассо!

Езкилян рассомни қўлтиғидан тутиб, девордаги расмлар олдига олиб борди.

— Танияпсизми? Энгр. Франциянинг энг зўр сураткаши... Эҳтимол, фақат, Франциядагина эмасдир! Мен буюк рассомларнинг кичик коллекционериман. Кўпдан бери сизнинг бирон ишингизни қўлга киритиш орзусида юрар эдим... Кичкинагина расмми, каптарнинг қанотими жуда бўлмаса қўлингиз билан чизилган иккита чизиқими. нима бўлса ҳам майли деб юрардим. Буни қарангки, яна дастхатингиз билан... бутун бир асарни қўлга киритдим.

Сюзан, кофе чашкаларини йиғиштираётиб, папирос қолдиқларини тозалаш учун кулдон-ғилдиракни ҳам ол-

ди. Ўзида йўқ хурсанд кўчага югуриб чиққанида, кулдон тагидаги Пикассо адреси ёзилган визитка йўқ эди.

...Пикассо истеъдодининг чинакам мухлислари ё ашаддий санъатшунос ва журналистлар Парижга келишганларида машҳур санъаткорнинг «Рассом жавони» деган расмини кўриш учун албатта дурадгор Езник Езкияннинг устахонасига киришади.

Ереван, 1972.

ЦХВАРИЧАМИАЛИК ЛУКА

Бугун эрталабдан Ереваннинг август қуёши аямасдан қиздирмоқда. Тунги поезд билан мен Тбилисига жўнадим. У ер ҳам иссиқ, балки бу ердан ҳам иссиқдир. Менинг тбилисилик дўстларим — опа-сингил Чохелилар — шаҳардан ташқарига чиқишни таклиф қилишди. Опа-сингилларнинг кенжаси Элико: «Қуёшга қанча яқин бўлсак, у шунча шафқатли бўлади»,— деб тушунтирди.

Тоққа бўлса — тоққа-да!

Машина кира қилиб, бозорга бордик, нон, ҳўл мева, бир товук, бир хўроз сотиб олиб, димиққан шаҳардан жўнаб кетдик.

«Москвич» тоққа қийналиб чиқиб бораркан, терлаб-пишиб, фирт-фирт қилди-ю, бирдан қаттиқ акса уриб, тўхтади-қолди.

— Чекишиб, дам оламин, — эълон қилди чарм камзул кийган оқсоқол ҳайдовчимиз, — машинанинг суви қайнаб кетди.

Олисда, пастда кумуш Кура дарёси ўраб олган бир ярим минг йиллик Тбилиси ҳоригандек ястаниб ётарди.

...Қишлоқ номлари ёзилган йўл кўрсаткичлари онда-сонда гоҳ ўнг томонимдан, гоҳ чап томонимдан лип-лип қилиб кўриниб қоларди.

Машина борган сари юқорига кўтарилаверди. Опа-сингилларнинг каттаси — Гулико машинанинг ён томон ойнасини кўтариб ёпиб қўйди; Элико тивит кофтасини елкасига ташлаб олди: салқин ҳаво дарҳол билинди.

Бамисоли рақсга тушаётган қувноқ грузинча ҳарфлар тагидаги русча: «Цхваричамиа», деган ёзувни ўқидим.

— Илтимос, бу номнинг нималигини таржима қилиб беринглар,— дедим мен.

Тбилиси университетининг филология факультетини битирган музикадан ўрта маълумотли бўлган, икки йиллик инглиз тили курсига қатнашган, тикиш-бичишдан дарс олган, 29 ёшга чиқиб, талайгина изҳор қилинмаган фикрлару, баён қилинмаган ҳис-туйғулар тўплаган Гулико, ҳақиқатдан ҳам дилкаш ҳамсуҳбат эди. Қадим замонларда, бу ерда мазали овқатлар еб, хурсандчилик қилишни яхши кўрадиган бир тўда одамлар ҳукм сурганлиги ҳақида гапириб берди Гулико. Улар бировларнинг қўйларини ўғирлаб, кабоб қилишар ва ўзларидан кейин бир уюм суяк қолдириб яна иккинчи бир ўтовга кетишар экан.

— Хўш, таржимаси, таржимаси-чи? — қистадим мен.

— Таржимаси бундай, «Цхвари» — бу — қўй, «чамна» — емоқ,— дегани. Биргаликда «Қўй егувчилар» — дегани.

Сал юқорироқда, тоғ ён-бағрида, жун камзул, брезент қўлқоп кийган офтобда қорайган одамлар ишламоқда эди. Атрофларида лом, белкурак, чўкичлар, ётарди. Қисқаси, бу ерда йўл қурувчилар ишлашмоқда.

Элико машинадан тушиб, ким уйини ижарага қўйиши мумкинлигини улардан сўради.

— Лука-а! — деб чақирди биттаси.— Лука-а, бидза¹, сеникига меҳмонлар келди...

Машина олдига кўпни кўрган кўпкари бозга ўхшаш, қотма бир одам келди. Фақат эҳтиёткорлик билан қадам босиши унинг ёши ўтинқираб қолганини билдирарди. У полк музикачиси ликопча чалгандек, кафтини кафтига уриб, чанг бўлган қўлларини қоқиб келмоқда эди.

— Ўзи келган холис меҳмон — атойи худо, дейди-

¹ Бидза — амаки (груз).

лар,— деди у грузинчалаб,— кимки бундай меҳмонни қабул қилмаса, у шайтоннинг гапига кирган бўлади.

Машинадаёқ Элико унга менинг Арманистондан келган рассомлигимни, иссиқдан, одамлардан қочиб, бўёқларга, тоғда дам олмоқ учун ҳамда бир неча хомаки расм чизиб, икки-уч кундан кейин яна жунаб кетмоқчилигимни билдирди.

Биз ижара нархини сўрагандик, Лука тахминан бундай жавоб қилди: «Мени ақча қизиқтирмайди; уйимда одам бўлишини беҳад хушлайман, лекин ҳисоблик дўст ажралмас, деганларидек, меҳмон ўзини шу билан хурсанд қилмоқчи бўлса, унда — йўқ демаймиз».

Шундай қилиб, келишиб олдик.

Цхваричама — бағри кенг, лекин кичик бир қишлоқ эди. Бу ерда 80 хонадонга яқин маҳаллий аҳоли яшар, тбилислик табиатсеварларнинг 800 га яқин боғ ҳовлиси бор эди. Бу уйларнинг ҳаммаси чуқурлиги атиги ярим метр бўлган, лекин ниҳоятда кенг, шошқалоқ тоғ дарёсининг, иккала қирғоғи бўйлаб тизилиб ётарди.

Ўнг қирғоқ деярли боғлар билан бурканган.

Луканинг уйи чап қирғоқдаги жар ёқасида жойлашган. Уй эгаси бизни катта ҳовлига олиб кирди. (Ҳовли ўртасида тахтадан ясалган, бўйи узун, қўпол стол турар эди. У бизни чўзинчоқ баракка бошлаб кириб, шийпон шаклида ишланган, ярми бўш иккита хона эшикларини очди-да, уялинқираб сўради:

— Етадими шу хоналар?

Кейин ошхонага ўхшаш яна бир хонани бизга кўрсатди. Бу ерда грузин деҳқонининг аср бошидаги турмуш тарзини кўрсатувчи барча нарсалар: керосинка, примус, ҳар хил егулик ва дориворлар солинган сандиқ, ёғоч ликоплар, ёғоч қошиқлар, вино ичадиган ёғоч қадаҳлар турган чўзинчоқ токча, полда қовоқлар дейсизми, ҳаммаси бор эди. «Париж коммунаси» деб ёзилган эски қутича ичидан биз урушдан кейинги йиллари чиқарилиб, этикеткасига «Гигант» деб ёзилган элликтача гу-

гурт қутичасини топиб олдик. Дераза тоқчасида поксмон шишаси олинадиган керосин лампаси турар эди. Деворга эса, эллигинчи йиллардаги «Огонёк» журналичан қирқиб олинган И. В. Сталиннинг рангли портрети михлаб қўйилган эди.

Лука тизза бўғинларини қирсиллатиб, энгашди-да, каравоти тагидан катта қозонни олиб, Эликога узатди.

— Пиёз, помидор, бодринг, кўкларни ташқарига экиб қўйганман... йўлнинг нариги ёғида булоқ бор. Мен кун ботганда қайтаман.

— Қалитларингиз қаерда борди-ю, биз бирон ёққа...— сўрадим мен.

— Грузиннинг кўнгли ҳам, эшиги ҳам йил бўйи очиқ,— деди Лука ва чиқиб кетди.

Нарсаларни тушириб бўлиб, якшанба кечқурун бизни олиб кетгани келасан, деб шофёрга жавоб бериб юбордик.

Опа-сингил Чохелилар, шу заҳоти кавказ аёлларига хос чаққонлик билан бўйдоқ Луканинг уйини тартибга солиб овқат тайёрлашга уннаб кетдилар.

— Товуқларни сўямизми? — сўради Гулико.

— Майли, икки кун ўйнаб олишсин абадий дам олишга кетишдан олдин,— дедим маслаҳат қилиб.

Товуқларни ечиб, қўйиб юбордим. Бувим раҳматли айтар эдилар: уй ҳайвонлари ҳеч қачон овқат еган жойларидан узоққа кетмайдилар. Қаёқда дейсиз, орадан ярим соат ўтмай «йўлдошларимизни» боқайлик деб йиғилишдик, ammo қизил пат хўрозимизни ҳеч ердан тополмадик. Уйдан эшикка чиқмас товуғимизни Кето, дайди хўрозимизни Котэ деб атадик.

Ҳовлига учта милиционер мингашган сариқ мотоцикл тариллаб кириб келиб қолди. Кажавада ўтирган шопмўйловли, семиз, ёш лейтенант ўрнидан турмасдан:

— Гамаржеба¹,— деди.

¹ Грузинча саломлашиш бўлиб, асли «ғалаба» дегани, одатда бунда «Ғагмаржос» деб, жавоб берилади. («Ғолиб бўл»)

— Гагимаржос,— деб кулиб жавоб қилди Гулико.

Гапга бошқа йигитлар аралашиши билан гўё огизларида қарсиллатиб ёнғоқ чақаётгандек, ҳозир бир-бировлари билан муштлашадигандек момақалди роқ каби қалдираган сўзлар ишга тушиб кетди, лекин бирдан Элико менга рус тилида мулойимгина мурожаат қилди:

— Винони қаерга қўйган эдингиз?

...Бирнеча минутдан сўнг биз ҳаммамиз тўкин дастурхон устида гоҳ грузин тилида, гоҳ рус тилида қуёш, ер, вино ҳақида тинч суҳбатга тушиб кетдик. Милиционерлардан бири — Микола украин бўлиб, афтидан, русча гаплашганимизни афзал кўрар эди. «Стакандаги винони охиригача ичинг! Бу ерларда тагида «кўз ёши» қолдирмайдилар»,— дедим. Сўнг Миколадан сўрадим:

— Қаерликсиз, йигит?

— Чугуевликман.

— Қаерда у?

— Харьков яқинида... Репинни биласизми?

— Биламан... Рассомни-да?...

— У ҳам — менга ўхшаш, чугуевлик.

— Ҳм, Грузияда кўпдан бери турасизми?

— Ҳа, яқинда ўн йил бўлади.

— Оҳо! Қандай қилиб келиб қолгансиз?

— Бу ерда чегара қўшинларида хизмат қилгандим. Бу ерларга биронта ҳам ғаним бурун суқмасин, деб уч йил чегара қўриб, атрофни кузатиб юраверибман, оқибатда бу ўлкани севиб қолиб, мана ҳозир ҳам кетолмаяпман.

— Миколка, нима деб дардингни тўкяпсан,— дея тўсатдан гапга аралашди — шопмўйловли, семиз лейтенант — Леван,— хўжайин учун яна қиттак ичамиз.

Кетиш олдидан Леван ярим ҳазил, ярим чин қилиб:

— Эртадан бошлаб Луканинг уйи 1-пост бўлади. Симоненко, эртага ноль-ноль саккизда шу ерда бўласан, тушунардими? — деди.

...Лука қўлида қишлоқча ёпилган катта нон кўтариб ишдан қайтди. У шаҳарликларга ўхшаб, қоғозга ўралган нон солиғлиқ тўрхалтани осилтириб, икки бармоғи билан эмас, балки олимпия машъали каби, кафтига қўйиб кўкраги олдида кўтариб келди.

Саломлашиб, нонни стол чеккасига қўйди, қуриб қолган лаблари жилмайди, кафтини-кафтига уриб қўлларини қоқди ва дарахтда осиглиқ турган қўлювгич олдида борди.

Ўтирганда Лука кўзга баландбўйли кўринарди. Унинг қомати тик, бўйни узун. Луканинг митти тўқ-кулранг кўзлари ҳеч қачон одамга тўғри боқмасди (балки, бир оз ғилайлигидан шундайдир). Лаблари шундай юпқа эдики, ҳатто бутунлай йўқдек туюларди, фақат ингичка қора чизиқ бўлиб, унинг устида бир чимдимгина мўйлови бор эди. Сочлари-чи, о, айбситмасак ҳам бўлади... ёши шундоққина кўринишидан маълум.

Элико унга қовурдоқ-сузгунча, у столдаги нон ушоқларини аста кафти билан тўплаб, уни ёғочдан ясалган нон идишига солди.

Дарвоза олдида яна мотоцикл тариллади. Чарм камзул кийган йигитча ундан чаққонлик билан сакраб тушиб, бизга салом берди, Луканинг олдида келиб, у билан алланималар ҳақида «тишларида ёнғоқ қарсиллатишиб», қизгин баҳслаша бошлашди. Кейин Лука менга қараб, русчалаб бундай деди:

— Бу Гогиа — меники қўшни. Ж-жуда яхши одам.

— Гогиа соғ бўлсин!

— Бобокалонлар учун қани яна қиттай узумнинг сувидан ичайлик.

Гўшт тўғри келмайди, деб баҳона қила бошладим:

— Ёш ўтаборгач, одам аста-секин яхши кўрган кучли овқатларини ҳам емай қўяр экан. Ҳозир мен, кўпроқ сабзавотлардан: лоя, гулкарам, айниқса сариёғда қовурилган картошкани ёқтираман.

Кейин Лука индамай ўрнидан турди ва қаттиқ ша-

молда чайқалган кишидек, лапанглаганча ўз ётоғига кириб кетди.

«Меники уйда йўқ»,— деди фақат.

Гогиа — йигирма уч ёшларга бориб қолган сержун кўкракли грузин эди: — Сизларга бирон ёрдамим тегмасмикин,— деб сўради у. Мен, сўнгги йилларда доим йиғма каравотда ётаётганимни, сим каравотда ёта олмаслигимни, агар мумкин бўлса, дедим...

— Мумкин, кацо¹, албатта мумкин.

Бу ерда августда тун анча кеч тушади. Тушганда эса, шунақа ҳам қоронғи бўладики, зимистон, рўпарангда турган нарсани ажрата олмайсан. Баъзида... Бошинг тепасида қўрқув солувчи ваҳимали булутларни эмас, балки сеҳрли парда тортилган, кумушдек милтиллаётган сон-саноқсиз юлдузли қоп-қоронғи осмонни кўрасан. Йўловчи қоқилиб тушмасин, рўпарасидаги сув эканлигини вақтида кўрсин, кийикни қашқирдан ажратсин учун юлдузлар милтиллайди.

Кемалар урилиб кетмаслиги учун денгиздаги маёқ ҳам ана шундай милтиллайди-да!

Қоронғи тушиши билан ҳамма негадир маъюсланиб қолди. Негадир бизлар ўзимизни худди уйдан, қариндош-уруғлардан олисда юрган дарвишлардек ҳис қила бошладик.

Гулико эшик олдида чироқ ёқиб қўйди. Қоронғиликни бартараф қилгандек бўлдик, лекин сукунатни нима қилиш керак? Ахир ундан одамнинг қулоқлари битиб қолиши мумкин. Кейин тунги номаълум товушлар! Негадир улар яхшиликдан кўра, ёмонлик дарақчасига ўхшаб кетади. Мен бармоқларим билан столни чертиб чала бошладим — ҳарқалай товуш-ку! Элико ўрин сола бошлади, Гулико қандайдир грузинча қўшиқни хиргойи қилиб, ниманидир юва бошлади.

¹ Кацо — биродар, дўст.

Биз ҳаммамиз хонага кириб, эшикни ичидан қаттиқ ёпиб олдик, телевизор, телефон, китоб, бирон эрмак бўлмагандан сўнг ётиб ухлашдан бошқа иш қолмаганлигини тушундик. Элико дераза ёнига келди.

— Йўқ, Гогиа энди келмайди.

— Кўзларидан у алдамайдиган йигитга ўхшайди,— дедим мен.

— Балки, бирон нарса бўлгандир,— деди Гулико.

Мен «Аринберд» сигаретидан чекдим. Қоронғилик ичидан моторнинг тириллаган овози зўрға эшитилди.

Гогиа йиғма каравотни келтирди.

Гулико очилган бир шиша мусаллас билан стаканларни келтириб қўйди.

— Биз сизни энди келмассиз, деб ўйлагандик,— деди Элико.

— Ҳаммани ҳам майли-ю, аммо меҳмонни алдаб бўлмайди,— деди Гогиа.

— Раҳмат, Гогиа,— дедим мен.

Қизлар, Гогияни чиқариб юборишдан аввал, бу ерларда бўрилар, бандитлар, ёки кечалари қўй ўғирлаб, ундан кабоб пишириб ейишни яхши кўрадиганларнинг авлодларидан қолган-қолмаганлигини суриштиришди.

— Бизда, грузинларда бир мақол бор: «Менга тегмайдиган бўри, майли, кўп яшасин»,— жавоб берди Гогиа. Кейин давом этди: — Унақалар йўқ, агар жуда қўрқинчли бўлса, унда ...унда майли эрталабгача қола қоламан, фақат Лука билмаслиги керак.

Кечаси Гогиа грузинчалаб:

— Гулико кечаси бир ўзи совуқ еб қолмасмикин?— деди.

Қизлар секин кулиб қўйишди. Орадан сал фурсат ўтмай, Тбилиси университетининг филология факультетини тугатган, музикадан ўрта маълумоти бўлган, инглиз тилидан икки йиллик курсга қатнашган Гулико грузинчалаб бундай деди:

— Батоне¹, ишонаманки, гапларинг ҳазил?

Эрталабгача жавоб кутдик. Эрта билан Гогна ўрнида йўқ эди. Ўзининг довюраклигидан уялиб, бизнинг олдимиздан ўтиб, эшик орқали чиқмай, деразадан тушиб кетиб қолипти.

Мен совуқдан уйғониб кетдим. Ҳали вақт эрта эди. Атрофдаги тоғлар ҳали бош кийимларини олмаган: туман жуда секин тарқамоқда эди. Мен ҳовлига чиқдим. Уй орқасига югуриб ўтаётиб, бирдан Лукани кўриб қолдим. Азонлаб-а! Оёғига қўнжи узун резина этик кийиб олиб, ингичка жилға тепасида энгашиб, қўлини юваётганга ўхшарди. Мен яқинроқ бордим. Луканинг иккала томонида картошкalar ётарди. Чап томонида — қоп-қора, боягина ковлаб олингани, ўнг томонида — топ-тоза, эндигина ювидгани. Лука хиргойи қилиб бошмалдоғининг тирноғи билан картошкalarнинг ҳамма кўзларини жуда эпчил ўйиб ташлаб, уни авайлаб ювиб, чақалоқни эркалагандек силар эди.

— Гамаржеба, батано Лука,— дедим мен.

— О-о, салом, биродар, салом,— жавоб берди у картошка ювишдан тўхтамай,— ишлар қалай?

— Раҳмат, яхши, фақат бу ерлар анча совуқ экан.

— Ҳозир меники сенга бир стакан вино беради, кейин иссиқ бўлади сенга... Сеники картошка яхши кўраман, деди... мана, меники тозалаяпти.

Уйга қайтиб келсак, украин Микола келган экан, у лейтенант Леваннинг буйруғига биноан биринчи постга «ишга тушипти». Бечора Кетонинг бошини олиш учун, пичоқ қайраб, ўз хизмат вазифасини ўтаётган эди. Ўзумдан тайёрланган майдан бир стакандан ичиб, биз Лука билан эритилган сариеғ излаб қишлоққа кетдик.

Қатта кўлмакларни айланиб ўтиб, кичикларидан сакраб айланма-бурама йўлкаларни ортда қолдириб анча-

¹ Жаноб (груз).

гача жим бордик. Кейин биз майда тош ётқизилган, тор йўлга чиқдик.

— Бу йўл Мцхетга,— деди Лука,— биласан Мцхет?

— Ҳа, биламан, Картлининг қадимий пойтахти.

Сўнг биз чамаси, Грузиянинг янги пойтахтига олиб борувчи янги йўлга чиқдик. Биз йўл четидан кетаётган эдик, бирдан Лука катта бир тош олдига борди, афтидан бу тош тунда тоғдан қулаб тушган, уни кўтариб инқиллаганча йўлдан четга олиб қўйди.

Кафтини кафтига уриб, қўлларини қоқди-да, грузинчалаб нимадир менга гапирди, гимнастёркаси устидан боғлаб олган белбоғини тўғрилаб, сигарет чиқарди ва чека бошлади. Гапида давом этиб, у қўлларини ёзди, осмонга қараб, қулоғининг орқасини қашиб қўйди, кейин, «э-э-э» деб, сесканди-да, қўлларини силкиб, яна алланималар деб қўшиб қўйди, бирдан тўхтаб, менга савол назари билан қаради.

— Мен ҳеч нарса тушунмадим, Лука,— дедим мен.

— Қўявер, кацо, қўявер,— у кета бошлади,— муҳими, меники айтадиган гапни айтволди... шуниси яхши.

Йўл-йўлакай у бир неча бор рўпара келган одамлар билан бепарво саломлашди-ю, аммо мени уларнинг ҳеч қайсиси билан таништирмади.

Кўприк олдида Лука яна тўхтаб, чўнтагидан рўмолчасини олди ва дарёнинг номи ёзилган тахтача ёнига бориб, унинг лойини индамай артиб ташлади, кейин ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ:

— Меники хотин кахетиялик эди,— деди.

— Қизиқ,— дедим мен,— ҳозир хотинингиз қаерда?

— Гданда. Гдан биласан?

— Ҳа, албатта, Польшада шундай порт бор, Гданск.

— Йўқ, кацо, Польша эмас, шу ерда, яқин, қирқ километр... Биз олти йил бўлди, ажрашган.

Мени йўлда қолдириб, Лука кимнингдир ҳовлисига кириб кетди. Кайфияти ёмон ҳолда қайтиб чиқди. «Улар

ёғ сотиш йўқ, деди». Бошқа хонадондан ҳам шундай жавоб олинди. Иккинчи хонадон эгаси мени кўчада турганимни кўриб қолиб, Лукани қайта уйга чақирди ва.. кўлига ярим литрли шиша банкада эритилган сариёғ бериб чиқариб юборди. Хайрлашаётиб: «Биз ёғ сотмаймиз, борди-ю, у меҳмонга керак экан, уни шундай беришимиз мумкин»,— деди.

...Тушликка, погон таққан янги ҳамкасблари, Леван билан Микола, Лука бизда ҳам, кейин Али исмли ўттизларга чиққан янги бир одам — қишлоқдагиларнинг барчаси, бутун Цхваричамаиа тўпланди. Фақат Гогиа келмаган эди.

Лука гимнастёркасининг юқори тугмасини ечиб, кафти билан столдаги нон ушоқларни сидириб олди ва кўрсаткич бармоғи билан унга тезроқ, биринчи бўлиб май қуйишларини ишора қилгандек столни черта бошлади.

— Бобокалонлар ва фарзандлар соғлиқлари учун яна бир жомдан шароб ичилди. Улардан бири кулакула, Ираклий XIII учун (Пушкиннинг ўлими йили ўлган ва Светицховели эҳромига дафн қилинган, Грузиянинг сўнгги подшоси учун) ҳам ичинглар-ей,— деди.

Ногаҳон ҳовлига кузовига учта қиз чиққан юк машинаси кириб келиб қолди. Машина тўхташи билан қизлар ойна ва тароқ олишиб, очиқ-ойдин ўзларига оро бера бошлашди.

Свитерли, соқоли ўсган икки йигит кабинадан сакраб тушиб, Луканинг олдига келди-да, у билан нима ҳақдадир бир неча минут қизгин баҳслашишди. Бутун суҳбат давомида Луканинг калласи «йўқ-йўқ-йўқ», дегандек гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга чайқалиб турди.

Юк машинаси жаҳл билан ғириллаб, ҳовлидан чиқиб кетди. Қизлар бекорга ўзларига оро беришган эди.

...Цхваричамиадаги сўнги тонг. Биз учун сўнги. Бун қаранг, наҳотки уч кундан бир кун сўнггиси бўлса! Нима учундир биз энг катта ва муҳим ишларни айнан сўнги кун гаплашиб, бажарамиз! (Эҳтимол, сўнги кун гапириб, бажарган ишларимиз бизга — энг каттаси ва муҳими бўлиб туюлар?!)

Шунга қарамай, сал тонг ёришиши билан, этюднигимни олиб, Тбилисининг бош томонидаги бу ажойиб табиат қучоғининг хомаки расмини чизиш учун, асли ўзи шунинг учун келганман, ниҳоят дарё томонга тушдим.

Элико бизни ажойиб хайрлашув тушлиги билан меҳмон қилиш учун азонлаб овқатга уннаб кетди. (У фақат овқат пишириш, кир ювиш ва бўш пайтларида тўқиш билан шуғулланарди.)

Гулико ёши ўтиб қолган онаси учун гул тергани кетди.

Лука... Луканинг, эҳтимол, бир неча муҳим иши бордир, лекин нонуштага жуда ҳам башанг кийиниб чиқди. Соқолини қиртишлаб олган, оқара бошлаган квадрат мўйловини текислаб, чамаси, қора қалам билан бўяб ҳам олганди, янги кўйлак кийиб, охирги тугмасигача қадалган (ёқасининг бурчаклари, ёмон нашр қилиниб, офтобда узоқ қолиб кетган китоб муқоваси каби юқорига қайрилиб қолган эди). Унинг кулранг кўзлари бугун шунчалик жонланганидан қўйкўзга ўхшаб қолган эди. Луканинг тирноқларини кўриб, қаршингда деҳқончилик билан шуғулланувчи одам турганлигини тушунасан, бунинг айби йўқ. Аммо этигини соз мойланганлигини қаранг! Этигининг қўнжига тикилган шимининг дазмолини айтмайсизми! Тўғри, афтидан, солдатчасига дазмолланган; тўшак тагига қўйсанг — вассалом-да!

Ҳамма-ҳамма-ю, лекин Котэ, деган товуқ учун бугун узил-кесил, сўнги кун бўлди. Уни дастурхонга тортдилар.

Кундузи мен Мцхетга олиб борувчи эски йўлда хо-

маки чизган расмларимни давом эттирдим. Онда-сондаги ўткинчилар қадамларини секинлатиб, уялинқираб расмларни томоша қилишар эди. Кимдир қўлини елкамга аста қўйди. Ўгирилиб қарасам — Лука.

— Ишлар қалай, ука? — деди Лука, расмларга қараб.

— Мадлотб, генацвале. Қарғи¹,—жавоб бердим грузинчалаб.

— Қапказ — яқши,— деди Лука, бошмалдоғини юқорига кўтариб.

— Тўғри, батоно Лука, гапингизга қўшиламан. Кавказ — бу жуда ажойиб жой. Агар одам бу ердан ҳеч кетмаса, еримиздаги жаннат жой шу ер бўлиб туюлаверади. Бу ерда одамнинг кўзлари қеч толиқмайди.

— Шайтоннинг ягона қилган яхшилиги шу бўлган,— деди Лука.

— Яъни, қанақасига? — қулоқларимни динг қилдим мен.

Кейин у менга шу афсонани айтиб берди.

«Кунлардан бир кун худо ерга қараса, у осмондан катта эмиш, қандай қилсам ер осмон остида бўлиб қолар экан, деб ўйланиб қолипти. Шунда шайтон худога маслаҳат берибди: «Ерни қудратли қўлларинг билан сиқсанг, шунда осмон, бамисоли қопқоқдек уни қоплаб олади». Яратган ростдан ҳам шайтон маслаҳатига кириб, ерни қўллари орасига олиб, қаттиқ қисибди. Осмон-ку жойига туриб олди, лекин ер бундан эгилиб кетди. Баъзи жойларда тоғлар кўтарилди, баъзи жойларда дара ва жарликлар, жилғалар, қўллар ва денгизлар пайдо бўлди...»

— Қизиқ, демак, бизнинг ўлкамиз худо панжалари орасида қолган экан-да? — сўрадим мен.

— Шундай, кацо, шундай,— жавоб қилди Лука.

¹ Раҳмат, азизим. Яқши. (груз.)

...Хайрлашув зиёфатимиз пайтида Лука Гуликони дастурхон тепасидан чақириб, полиз томонга бошлаб кетди. Кейин мен Гуликони Луканинг қишлик озиқ-овқат сақлайдиган ертўласига кириб кетганини кўз қиримни ташлаб кўриб қолдим. Луканинг Гуликога ўз бойликлари: картошка, ловия, бодринг, анжир, қопдаги туз ва бошқа нарсаларини кўрсатганини мен Тбилисига кетаётганимизда йўлда билдим. Кейин у тортиниб бундай денти:

— Қал-батано¹, мен билан Цхваричамиада қол, ягона бекам бўласан. Мана шу тоғлар, осмон, дарахтлар, чашмалар, ўзим, менинг уйим — ҳаммаси сеники бўлади. Менга мазали таомлар пиширасан, кўйлакларимни ювасан, меҳмон кутасан, кайфиятинг яхши бўлган пайтда, ҳафтада бир, мени қучиб: «Салом, менинг бегим», дейсан. Мен ҳам сенга — «салом, менинг маъбудам», дея жавоб бераман ва иккимиз ҳам бахтли бўламиз: сен мендек ёлғиз бир одамга муҳаббат ато этиб, ёшартирганинг билан бахтиёр бўлсанг, мен ўлимим олдидан «алвидо» дейдиган одамим борлиги билан бахтиёр бўламан.

Лука билан Гулико қайтиб келишганда, биз нарсаларимизни машинага ортаётган эдик. Уларнинг иккови ҳам чурқ этишмас, маъюс эди. Мен Лука билан қучоқлашиб хайрлашаётганимда у бундай деди:

— Нега сен бу ерга келдинг, кацо? Ўзим ёлғиз яшардим, еб, ичиб тинч ҳаёт кечирардим, хоҳласам қаттиқ меҳнат қилардим. Сен келдингу оға-инига, сингилга... хотин-халажга, қариндошларга, умуман инсонга бўлган мендаги муҳаббатни уйғотдинг... Ёлғизлик оллога ярашар экан.

Биз яна бир бор қучоқлашдик. Юзим намланганини сездим. Бу менинг кўз ёшим эмас эди.

Кейин Лука шоша-пиша уйига кириб кетди-да, қўли-

¹ Хоним. (груз.)

да катта қоғоз халта кўтариб чиқди. Унда ёғоч қошиқлар, ёғоч ликоплар, май ичиш учун ёғоч қадаҳлар ва бошқа нарсалар бўлиб, менга совға эди. Уларнинг барини менга узатаётиб:

— Дарахт — чиримаган экан, демак, унда ҳаёт бор! Ёнингда яқин одаминг бўлмаган чоғда ёғочни яхши кўр,— деди.

Ереван, 1974.

МУНДАРИЖА

3	ОЛТИНРАНГ БАРГ
9	ҚОҒОЗ ОДАМ
16	ЕЗ ЕМҒИРИ
24	СОҚОЛ ОЛУВЧИ
34	СЎЗ УСТИДАН ЧИҚИШ
34	МАЪЮС ШОДИЕНА
37	ҚРИМ. ГАСПРА. ДЕНГИЗ
40	АРМЕНАК
45	ЯСНАЯ ПОЛЯНА. ХАТ
49	ТОЛСТОИ «ЛАЗАРЕВ» ИНСТИТУТИДА
51	ҚУЕШДАН ҚОЧҒАН — ЗИЁ КЎРМАЙДИ
56	«ҚРИМ... СИМФЕРОПОЛЬ... АРМЕНАККА»
57	МАСХАРАВОЗ УННАНИНГ ҚЎҒИРЧОҒИ ЁКИ
59	ҚУВНОҚ ОДАМ ҲАҚИДА ҚАЙҒУЛИ ВОҚЕА
59	НИМАДАН БОШЛАНГАН ЭДИ
61	ДУШАНБА
64	СЕШАНБА
66	ЧОРШАНБА
69	ПАЙШАНБА
72	ЖУМА
74	ХОТИМА
76	СУРАТКАШНИНГ РАСМИ
81	ДАСТХАТ
88	ЦХВАРИЧАМИАЛИК ЛУКА

Баблоян Роберт.

Ереванлик бола. (Ҳикоялар), Русчадан Э. Абдуллаев тарж.—Т. «Еш гвардия», 1980.—104 б.

Баблоян Роберт. Мальчик из Еревана. Рассказы.

84Р7

На узбекском языке

РОБЕРТ ЗАВЕНОВИЧ БАБЛОЯН

МАЛЬЧИК ИЗ ЕРЕВАНА

(Рассказы)

Издательство «Еш гвардия»
Ташкент 1980

Редактор Шамси Одил
Рассом Г. Сайдуллаев
Расмлар редактори Э. Валиев
Техн. редактори Г. Аҳмаджонова
Корректор М. Юнусова

ИБ №-648

Босмахонага берилди 14.07.1980 й. Босишга рухсат этилди 27.10.1980 й. Формати 70×108¹/₃₂. 1-босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 3.25. Шартли босма листи 4.55. Нашр листи 4.522. Тиражи 45000. Шартнома 189—79. Буюртма № 3754. Баҳоси 30 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.

Б $\frac{70303-132}{356 (04) - 80}$ 99—80 4702080000